

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**КАНАЛИЗАЦИЯ.
ТАШҚИ ТАРМОҚЛАР ВА
ИНШОТЛАР**

ҚМҚ 2.04.03-19

**КАНАЛИЗАЦИЯ.
НАРУЖНЫЕ СЕТИ И СООРУЖЕНИЯ**

КМК 2.04.03-19

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ 2019

КМК 2.04.03-19 «КАНАЛИЗАЦИЯ. ТАШҚИ ТАРМОҚЛАР ВА
ИНШОТЛАР»

Ўзгаришлар ва қўшимчалар “Ўзбеккоммуналлойтиҳақурилиш”
ДУК томонидан киритилган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги	Шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари	ҚМК 2.04.03-19 Иккинчи таҳрир, ўзгартиш ва қўшимчалар билан
	Канализация. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар	ҚМК 2.04.03-97 ўрнига

Аҳоли яшайдиган жойларда ва халқ хўжалиги объектлари учун янгидан қуриладиган ҳамда қайта тикланувчи, ўзгармас моҳиятли ташқи сувоқова тизимларини лойиҳалашда, ушбу норма ва қоидаларга риоя қилиниши керак.

Канализация (оқова сув) лойиҳаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги ва “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунларига амал қилмоқ, “Юза сувларини қўриқлаш қоидалари”га, “Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек ичимлик сув ва майший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги Низом” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган ёки келишилган бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш лозим.

1. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1.1 Канализация тизими объектларини тасдиқланган халқ хўжалиги ва саноат тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш схемалари, республикада ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш, комплекс фойдаланиш ва сув муҳофазаси бўйича бош, ҳавзаларга оид ва ҳудудий схемаларидан, туманларни режалаштириш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини қуриш лойиҳалари ва схемалари, саноат шаҳобчаларининг бош режалари асосида лойиҳалаш лозим.

Лойиҳалашда объектларнинг канализация тизимларини, уларнинг қайси идораларга мансублигидан қатъи назар, ширкатлаштириш мақсадга мувофиқлигини, шунингдек мавжуд иншоотларнинг техникавий, иқтисодий ва озодалик баҳоларини инобатга олиш, улардан фойдаланиш ва улар ишларини жадаллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш зарур.

Объектларнинг канализация тизимлари лойиҳаларини, одатда, сув истеъмоли ва оқова сувларни чиқариб ташлаш балансларини мажбурий таҳлили билан бирга сув таъминоти лойиҳалари билан боғлаб ишлаб чиқилиши лозим. Бунда ишлаб чиқариш сув таъминоти ва суғориш учун тозаланган оқова ҳамда ёмғир сувларидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш зарур.

1.2 Ёмғирли канализация тизимларида ёмғирлар ва қор эриши жараёнида йўл қопламаларини ювилиши сабабли ҳосил бўладиган юза оқимларининг энг ифлосланган қисмини, яъни аҳоли яшайдиган ҳудудлар ва корхоналар майдонлари, қайсики, ўзига хос зарарли моддалар ёки маълум миқдордаги органик моддалар билан ифлосланган бўлиши мумкин бўлган ҳудудлар учун 70% дан кам бўлмаган йиллик оқимнинг тозаланаши таъминланиши керак.

1.3 Лойиҳаларда қўлланиладиган асосий техник ечимлар ва уларни амалга ошириш кетма-кетлиги қўлланиши мумкин бўлган бошқа вариантлар билан солиштириш орқали асослаб берилиши лозим. Техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни афзалликлари ва камчиликларини ҳисоб-китобларсиз белгилаш мумкин бўлмаган вариантлар учун бажариш лозим.

Ўзгартиш ва қўшимчалар “Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш” ДУК томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 27 сентябрдаги 439-сонли буйруғи билан тасдиқланган	2020 йил 1 январь санасида кучга киритилган
--	---	---

Расмий нашр

Энг оқилона вариант моддий ресурслар сарфи, электр қуввати, ёнилғи, шунингдек санитария-гигиена ва балиқчилик хўжаликлари талабларини ҳисобга олган ҳолда келтирилган ҳаражатларнинг энг кам миқдори билан аниқланиши зарур.

1.4 Канализация тармоқлари ва иншоотларини лойиҳалашда илғор техник ечимлар, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш, технологик жараёнларни автоматлаштириш кўзда тутилган бўлиши керак.

1.5 Ишлаб чиқариш ва ёмғир канализацияси тизимларининг тозалаш иншоотлари, одатда, саноат корхоналари ҳудудларига жойлаштирилиши лозим.

1.6 Уй-жой фондига тегишли бўлмаган абонентларнинг канализация тармоқларини аҳоли пунктларидаги тармоқларга улашда сувни чиқаришлар абонентлар ҳудудидан ташқарида жойлашган назорат қудуқлари билан бирга назарда тутилиши лозим.

Агар абонент жиддий ажратилган сув балансига эга бўлса, камида куйидаги ҳолатларда чиқарилаётган оқова сувлар сарфини ўлчаш учун қурилмалар кўзда тутилиши зарур: агар абонент марказлашган сув таъминоти тармоғига уланмаган бўлса ёки ўзининг сув таъминоти манбасига эга бўлса (ёки эга бўлиши мумкин бўлса); агар сув қувуридан истеъмол қилинадиган сув сарфининг 5% дан ортиғи ишлаб чиқариш жараёнида қўшилса ёки олинса.

Бир нечта корхоналарнинг ишлаб чиқариш оқова сувларини бирлаштиришга, ҳар бир корхонанинг назорат қудуғидан сўнг рухсат этилади.

1.7. Тозаланган оқова сувлар ва юза оқимини сув объектларига чиқариш шароитлари ва жойлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ сувдан фойдаланишни тартибга солиш ва муҳофаза қилиш идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, давлат санитария назоратини амалга оширувчи ва бошқа идоралар билан, шунингдек кемалар сузадиган сув ҳавзалари ва сув оқимларига чиқариш жойларини эса – дарё флоти бошқармалари идоралари билан келишган бўлиши лозим.

1.8. Канализация тизимлари ва унинг айрим элементлари ишлашининг ишончилигини аниқлашда технологик, санитария-гигиена ва сувни муҳофаза қилиш талабларини инобатга олиш зарур.

Канализация тизимлари ва унинг айрим элементлари ишлашида узилишларга рухсат этилмаган ҳолларда, уларнинг ишлашининг узлуксизлигини таъминловчи тадбирлар кўзда тутилган бўлиши керак.

1.9. Бир иншоотнинг носозлиги ёки таъмирланишида, шу каби бошқа иншоотларга тушадиган ортиқча юкламалар, оқова сувларни тозалаш самарадорлиги пасаймаслиги шартида, улардаги ҳисобланган қувватнинг 8-17% дан ортмаслиги керак.

1.10. Канализация иншоотларидан турар-жой бинолари қурилган ҳудуд чегаралари, жамоат бинолари ва озиқ-овқат саноати корхоналари жойлашган участкаларигача бўлган санитария-ҳимоя зоналари, уларнинг келажакда кенгайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, куйидагича:

аҳоли пунктларининг канализация иншоотлари ва насос станцияларидан – 1-жадвал бўйича;

саноат корхоналари ҳудудларида жойлашмаган ишлаб чиқариш канализацияси насос станцияларининг тозалаш иншоотларидан, ишлаб чиқариш оқова сувларини мустақил тозалаш ва чиқаришда ҳамда уларни майший сув оқовалар билан бирга тозалашда, - СН 245-71 га мувофиқ, оқова сувлар тушадиган ишлаб чиқаришда бўлгани каби, лекин 1-жадвалда кўрсатилгандан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиниши лозим.

1.11. Канализация тизимини ташкил этиш атроф-муҳитга таъсир оқибатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Атроф-муҳитга таъсир оқибатларини аниқлашда Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тўғрисидаги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 ноябрь 949-сонли қарорининг 1-иловаси) риоя қилиш лозим.

1-жадвал

Иншоотлар	Иншоотнинг ҳисобий қуввати, минг.м ³ /сут бўлганда озодаликни муҳофазалаш минтақаси, м.			
	0,2 гача	0,2 дан 5 гача	5 дан 50 гача	50 дан 280 гача
Бижғиган чўкиндилар учун балчиқ майдончали механик ва биологик тозалаш иншоотлари, шунингдек алоҳида жойлашган балчиқ майдончалари	150	200	400	500
Ёпиқ биноларда чўкиндиларни термомеханик қайта ишлаш билан механик ва биологик тозалаш иншоотлари	100	150	300	400
Сизиш (филтрация) майдонлари	200	300	500	—
Суғориладиган қишлоқ хўжалик майдонлари	150	200	400	—
Биологик ҳовузлар	200	200	300	300
Циркуляцион оксидланиш каналларига эга иншоотлар	150	—	—	—
Насос станциялари	15	20	20	30
<p>*Эслатмалар. 1. Қуввати 280 минг м³/сутка дан юқори бўлган канализация иншоотларининг, шунингдек қабул қилинган оқова сувларни тозалаш ва чўкиндиларни қайта ишлаш технологияларидан четга чиқишда, санитария-химия зоналари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология бош бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланади.</p> <p>2. Агар турар-жой бинолари тозалаш иншоотларига нисбатан шамол эсишининг йўналиши томонида жойлашган бўлса, 1-жадвалда кўрсатилган санитария-химия зоналари ўлчамларини катталаштиришга (2 баробардан кўп бўлмаслик шартида) қулай шамол йўналиши мавжудлигида эса – 25% дан ортиқ бўлмаган ўлчамларда камайитиришга рухсат этилади.</p> <p>3. Қуввати 0,2 минг м³/сутка дан юқори бўлган тозалаш иншоотлари ҳудудларида балчиқли майдонлар бўлмаганда санитария-химия зонаси ўлчамларини 30% га қисқартириш лозим.</p> <p>4. Филтрация юзаси 0,5 гектаргача бўлган майдонлар ва қуввати 50 м³/суткагача бўлган биофилтрдаги механик ва биологик тозалаш иншоотлари учун санитария-химия зоналари 100 м масофада қабул қилинади.</p> <p>5. Қуввати 15 м³/суткадан кам бўлган ер ости филтрация майдонларининг санитария-химия зоналари 15 м қилиб қабул қилиш лозим.</p> <p>6. Филтрловчи ҳандақлар ва қум-шағалли филтрлардан санитария-химия зонасини 25 м, септиклар ва сизувчи кудуқлардан – мос равишда 5 ва 8 м, шамоллатиб барқарорлаш билан ил (балчиқ)ни тўлиқ оксидловчи аэроцион қурилмалар учун ёки қуввати 700 м³/суткагача бўлганда – 50 м қилиб қабул қилиш лозим.</p> <p>7. Қуйилиш станцияларининг санитария-химия зоналари 300 м қилиб қабул қилинади.</p> <p>8. Аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги юза сувларини тозалаш иншоотлари учун санитария-химия зоналари 100 м, насос станциялари учун – 15 м тенг қилиб, саноат корхоналарининг тозалаш иншоотлари учун эса санитария-эпидемиологик хизмати органлари билан келишган ҳолда қабул қилиниши лозим.</p> <p>9. Шлам тўплагичлар учун санитария-химия зоналари шламнинг таркиби ва хоссаларига қараб санитария-эпидемиологик хизмати органлари билан келишган ҳолда қабул қилинади.</p> <p>10. Балчиқ майдончаларида хўл (бижғимаган) чўкиндиларни қуритишда санитария-химия зоналарининг ўлчамлари маҳаллий санитария-эпидемиология хизмати органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.</p>				

2. ОҚОВА СУВЛАРИНИНГ ҲИСОБЛАНГАН САРФЛАРИ. КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК ҲИСОБ-КИТОБИ СОЛИШТИРМА САРФЛАР, НОТЕКИСЛИК КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ ВА ОҚОВА СУВЛАРИНИНГ ҲИСОБЛАНГАН САРФЛАРИ

2.1. Аҳоли пунктларининг канализация тизимларини лойиҳалашда турар-жой биноларидан маиший оқова сувларини четга чиқариб ташлашни бир кеча-кундузги (1 йилги)

ўртача солиштирма ҳисобини ШНҚ 2.04.02-97*га биноан ҳисобий солиштирма бир кеча-кундузги (йилига) ўртача, ҳудудлар ва экишларни суғоришга сарфланадиган сувни ҳисобга олинмай ҳисобланган сув истеъмолига тенг қилиб қабул қилиш лозим.

2.2. Сув четлатишнинг жамланган сарфларини ҳисобга олиш зарурати мавжуд бўлган ҳолатларда алоҳида турар-жой ва жамоат биноларидан чиқариладиган оқова сувларнинг ҳисобланган сарфини аниқлаш учун сув четлатишнинг солиштирма миқдори ҚМК 2.04.01-98 га мувофиқ қабул қилинади.

2.3. Аҳоли пунктидаги оқова сувларининг бир сутка учун ўртача сарфини 2.1-2.4-бандларда белгиланган сарфларнинг йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим.

Аҳолига хизмат кўрсатувчи маҳаллий саноат корхоналаридан чиқадиган сув оқовалари миқдорини, шунингдек ҳисобга олинмаган сарфларни аҳоли пунктидан чиқадиган ўртача суткалик сув оқовалар йиғиндисининг 5% га тенг миқдорда қабул қилишга йўл қўйилади.

2.4. Оқова сувларни бир суткалик ҳисобий сарфи 2.5-банд бўйича аниқланган бир суткалик (бир йилги) оқова сувларининг ўртача сарфини ШНҚ 2.04.02-97* га мувофиқ қабул қилинувчи бир суткалик нотекистик коэффицентига кўпайтиришда ҳосил бўлган миқдорлар йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим.

2.5. Оқова сувларнинг максимал ва минимал ҳисобий сарфини 2.5-бандга мувофиқ бир сутка (бир йил) учун аниқланган сарфларни 2-жадвалда келтирилган умумий нотекистик коэффицентига кўпайтиришда ҳосил бўлган миқдорлар йиғиндиси сифатида аниқлаш керак.

2-жадвал

Оқова сувлар куйилиши нотекистикнинг умумий коэффиценти	Оқова сувларининг ўртача сарфи, л/с								
	5	10	20	50	100	300	500	1000	5000 и более
максимал $K_{gen. max}$	2,5	2,1	1,9	1,7	1,6	1,55	1,5	1,47	1,44
минимал $K_{gen. min}$	0,38	0,45	0,5	0,55	0,59	0,62	0,66	0,69	0,71

***Эслатмалар.** 1. 2-жадвалда келтирилган оқова сувларнинг куйилиши нотекистикнинг умумий коэффицентини ишлаб чиқариш оқова сувлари миқдори умумий сарфнинг 45% дан ошмаслигида қабул қилиш рухсат этилади. Ишлаб чиқариш оқова сувлари миқдори 45% дан юқори бўлса, нотекистикнинг умумий коэффицентларини маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини сутканинг соатлари бўйича оқоваларни четлатиш нотекистикни ҳисобга олган ҳолда айнан объектлардан фойдаланиш ва оқова сувлар куйилишининг ҳақиқий маълумотларига биноан аниқлаш лозим.

2. Оқова сувларнинг ўртача сарфи 5 л/с дан кам бўлганда, ҳисобланган сарфлар ҚМК 2.04.01-98 га мувофиқ аниқланади.

3. Оқова сувлар ўртача сарфининг оралик қийматлари нотекистик бўйича умумий коэффицентларни интерполяциялаш билан аниқланади.

2.8. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш оқова сувларининг ҳисобий сарфлари қуйидагича қабул қилинади:

оқова сувларни цехлардан қабул қилувчи корхонанинг ташқи тўплагич зовурлари (коллекторлари) учун – бир соатдаги максимал сарфлар бўйича;

корхонанинг умумзавад ва майдон ташқарисидagi коллекторлари учун – келиштирилган соатли жадвал бўйича;

корхоналар гуруҳларининг майдон ташқарисидagi коллекторлари учун – коллектор бўйича оқова сувларини оқиб кетиш вақтини ҳисобга олган келиштирилган соатли жадвал бўйича.

2.9. 1.1-бандда санаб ўтилган схемаларни ишлаб чиқишда, бир суткалик (йилги) ўртача солиштирма сув чиқаришни 3-жадвал бўйича қабул қилишга рухсат этилади.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан чиқадиган оқова сувлар ҳажми йириклаштирилган нормалар ёки мавжуд ўхшаш лойиҳалар асосида аниқланиши керак.

3-жадвал

№/№	Сув истеъмолчиси	Аҳоли пунктларидаги 1 кишига бир суткалик (бир йилги) ўртача солиштирма сув чиқариш, л/сут	
		2020 й.	2035 й.
1	Марказлашган сувоқова тизимига эга, аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ шаҳарлар (60-70% сувоқова тизими билан қамраб олинган)	230	280
2	Шу каби, аҳолиси 100 минг кишигача (20-25% сувоқова тизими билан қамраб олинган)	200	-
2.1	Шу каби, аҳолиси 100 минг кишигача (30-45% сувоқова тизими билан қамраб олинган)	-	230
3	Марказлаштирилган сувоқова тизимига эга бўлмаган, аҳолиси 50 минг кишигача бўлган шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва туман марказлари (5-10% сувоқовага эга)	150	-
3.1	Марказлаштирилган сувоқова тизимига эга бўлган, аҳолиси 50 минг кишигача бўлган шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва туман марказлари (15-30% 20-25% сувоқова тизими билан қамраб олинган)	-	170

****Эслатмалар.** 1. Солиштирма сув чиқариш ўз ичига турар-жой ва ижтимоий биноларда хўжалик-ичимлик, маҳаллий саноат эҳтиёжлари учун сув сарфини олади.
2. Солиштирма сув истеъмолини маҳаллий шароитлардан ва ободонлаштириш даражасидан келиб чикиб 10-20% га ўзгартиришга рухсат берилади.
3. Саноат ривожланишига оид маълумотлар мавжуд бўлмаганда солиштирма сув чиқариш бўйича аниқланган корхоналар сарфининг 25% қийматига тенг қўшимча оқова сув сарфини қабул қилиш рухсат этилади.
4. Шаҳар, шаҳар посёлкалари ва туман марказлари учун 3-жадвалда берилган сув чиқарилишининг солиштирма миқдорлари ҳамма объектларда сув сарфини ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган ҳолатлар учун қабул қилинган.
5. Аҳоли пунктларидаги ҳисобга олинмаган сарфлар сувоқова тизимини ишлатувчи ташкилот маълумотларига асосан қўшимча тарзда қабул қилинади. Маълумотлар мавжуд бўлмаса, хўжалик ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун оқова сувлари сарфи йиғиндисининг 10-15% миқдоридан қабул қилиш рухсат этилади..

2.10. Ўзи оқар шаҳобчалар, коллекторлар ва каналлар, шунингдек маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувлари қувурларида 2.7 ва 2.8 бандлар бўйича энг кўп ҳисобий сарфлар йиғиндисини ҳамда қўшимча ёмғир ва қор эриш даврида тарқоқ ҳолда сувоқова тизимларига қудуқлар қопқоғи зич ёпилмаганлиги сабабли тушувчи юза оқимлари ва инфильтрацияланган сизот сувларининг ўтиши текширилиши лозим. Қўшимча оқим қиймати q_{ad} , л/с, махсус қидирувлар ёки айнан ўхшаш объектларни ишлатиш маълумотлари асосида, улар бўлмаганда, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$q_{ad} = 0,15L\sqrt{m_d}, \quad (1)$$

Бу ерда: L – ҳисобланаётган иншоотгача (қувурлар створигача) қувур ўтказгичнинг умумий узунлиги, км;

m_d – ҚМК 2.01.01-94 мувофиқ аниқланган бир суткадаги максимал намгарчилик қиймати.

Ўзи оқар қувур ўтказгичлар ва исталган шаклдаги қўндаланг кесимга эга каналларнинг орттирилган сарфларни ўтказиш бўйича тешириш ҳисобланиши баландлик 0,95 гача тўлдирилгандагина амалга оширилади.

ЁМҒИР СУВЛАРИНИНГ ҲИСОБЛАНГАН САРФЛАРИ

2.11. Ёмғир сувларининг q_r , л/с, сарфи, чегаравий жадаллик усули бўйича қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$q_r = \frac{z_{mid} A^{1,2F}}{t_r^{1,2n - 0,1}}, \quad (2)$$

бу ерда: z_{mid} – 2.17 бандга мувофиқ аниқланувчи оқова бассейни юзасини тавсифловчи коэффициентнинг ўртача қиймати;

A , n – 2.12-бандга мувофиқ аниқланувчи ўлчам;

F – 2.14-бандга мувофиқ аниқланувчи оқимнинг ҳисобланган юзаси, га;

t_r – 2.15-банд бўйича аниқланувчи, ёмғирнинг ҳисобий давомийлиги, юза ва қувурлар бўйича ҳисобланган ҳудудгача юза сувларини оқиб ўтиш давомийлигига тенг вақт, дақиқа.

Ёмғир сувлари тармоқларининг гидравлик ҳисоб-китоблари учун ёмғир сувларининг ҳисобланган сарфи q_{cal} , л/с, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$q_{cal} = \beta q_r, \quad (3)$$

бу ерда: β – босимли режим пайдо бўлган ондаги тармоқнинг эркин сиғими тўлдирилишини ҳисобга олувчи коэффициент, 11-жадвал бўйича аниқланади.

***Эслатмалар** 1. Ёмғир сувлари оқиб ўтишининг ҳисобланган давомийлиги 10 дақиқадан кам бўлса, (2) ифодага $t_r = 5$ дақиқа учун 0,8 га ва $t_r = 7$ дақиқа учун 0,9 га тенг тузатиш коэффициенти киритиш лозим.

2. Ёмғир сувоқовасини тўплагич зовурлари бошланғич қисмларининг чуқурлиги катта бўлганда қудуқлардаги сув сатҳини кўтарилишини юзага келтирувчи босим ҳисобига уларнинг ўтказувчанлик хусусиятлари ошишини инобатга олиш керак.

2.12. A ва n ўлчамларини берилган маълум бўлимларда қайд қилинган ўзиёзар ёмғир ўлчагичнинг кўп йиллик ёзувларини қайта ишлаш натижалари бўйича аниқлаш лозим. Қайта ишланган маълумотлар бўлмаган ҳолларда A ўлчамини қуйидаги ифода бўйича аниқлашга рухсат этилади.

$$A = q_{20} \cdot 20^n \left(1 + \frac{1gP}{1g m_r} \right)^\gamma, \quad (4)$$

бу ерда: q_{20} – 1 га юзага тушувчи ёмғир жадаллиги, л/с кўрсатилган жой учун $P = 1$ йил ва 20 дақиқа давомийлик, 1-чизма бўйича аниқланади;

n – 4-жадвал бўйича аниқланувчи даража кўрсаткичи;

m_r – 4-жадвал бўйича аниқланувчи бир йилги ўртача ёмғир миқдори;

P – 2.13-банд бўйича қабул қилинувчи, ёмғир ҳисобий жадаллигини бир карра ошиш даври;

γ – 4-жадвал бўйича қабул қилинувчи даража кўрсаткичи.

4-жадвал

Худудлар	n нинг қиймати		m _r	γ
	P ≥ 1	P < 1		
Ўрта Осиё текисликлари ва 1500 м гача баландликдаги тоғ ёнбағрилари	0,44	0,4	40	1,82
1500-3000 м баландликдаги Ўрта Осиё тоғ ёнбағрилари	0,41	0,37	40	1,54

2.13. Ёмғир ҳисобланган жадаллигини бир бор ошириш даврини ҳовуз юзаси, ёмғир жадаллиги, чегаравий даврдан ошиш бўйича оқим коэффициенти ва тўплагич зовур жойлашиши шароитларига кўра ҳисоблашлар билан аниқланувчи ёки 5- ва 6-жадваллар бўйича қабул қилинувчи, ҳисоблангандан ошувчи ёмғир ёғишидан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олган ҳолда тўплагич зовурлар жойлашиш шароитлари, объектни сувоқовалаш тавсифига биноан танлаш зарур.

Муҳим иншоотларда (метро, вокзаллар, ер ости ўтишлари ва бошқаларда), шунингдек q_{20} нинг қиймати 50 л/(с·га) дан кам, $p=1$ бўлган қурғоқчил худудлар учун ёмғир, сув оқоваларини лойиҳалашда ёмғирнинг ҳисобланган жадаллигини бир карра ошириш даврини фақат 7-жадвалда кўрсатилган ёмғир ҳисобланган жадаллигини оширишнинг чегаравий

даврини ҳисобга олиб туриб бажарилган ҳисоблашлар билан аниқлаш лозим. Бунда ёмғирнинг ҳисобланган жадаллигини бир карра оширилишининг ҳисоблашлар билан аниқланган даврлари 5- ва 6-жадвалларда кўрсатилган кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги керак.

Ёмғирнинг ҳисобланган жадаллиги бир карра оширилган даврини ҳисоблаш орқали аниқлашда 7-жадвалда кўрсатилган бир карра ошишнинг чегаравий даврларида ёмғир сувларини тўпловчи зовурлар ёмғир оқими сарфининг фақат бир қисмини ўтказиши, қолган қисми кўчалардаги транспорт ҳаракатланадиган йўлларни вақтинча босишини, агар нишаблик мавжуд бўлса, улар бўйича лотокларга оқиб тушишини ҳисобга олиш керак, бунда кўчаларни сув босиши бинолар ертўлалари ва ярим ертўлаларини сув босишига олиб келмаслиги керак; ундан ташқари, аҳоли яшайдиган жойлар доирасидан ташқарида жойлашган ҳовузлардан тушиши мумкин бўлган оқимни ҳам ҳисобга олиш зарур.

2.14. Тармоқнинг ҳисобланаётган участкаси учун оқимнинг ҳисобий юзасини оқимни бутун юзасига ёки оқимнинг энг кўп сарфини берувчи бир қисмига тенг қабул қилиш лозим.

Тўплагич зовурнинг юзаси 500 га ва ундан ортиқ бўлганда, 8-жадвал бўйича қабул қилинувчи ва ёмғирни юза бўйлаб нотекис ёғишини ҳисобга олувчи тўғриловчи K коэффициент (2) ва (3) ифодаларга киритилиши лозим.

Аҳоли яшайдиган ҳудудларга кирмайдиган ва майдони 1000 га дан катта бўлган сув йиғгичларнинг қурилмасиз майдонларидаги ёмғир сувларининг ҳисобий сарфи, автомобиль йўлларидаги сунъий иншоотлар учун бажарилган ҳисоб-китоблар бўйича оқимларнинг мавжуд меъёрларига кўра аниқлаш лозим.

2.15. Ёмғир сувларини юза ва қувурлар бўйича оқишининг ҳисобий давомийлигини t_r , дақ., қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:


$$t_r = t_{con} + t_{can} + t_p, \quad (5)$$

бу ерда: t_{con} – ёмғир сувларини кўча новлари ёки даҳа чегарасидан кўча тўплагич зовурларигача ёмғир сувини қабул қилгичлар мавжуд бўлса, оқиб келиш давомийлиги (юза қуюқлиги вақти), дақиқа, 2.16 бандга биноан аниқланади;

t_{can} – шу каби, кўча новлари бўйича ёмғир сувларини қабул қилгичгача (улар бўлмаганда – даҳа чегараларида), (6) ифода бўйича аниқланади;

t_p – шу каби, қувурлар бўйича ҳисобланаётган кесимгача, (7) ифода бўйича аниқланади.

2.16. Ёмғир оқимининг юза қуюқлиги вақти ҳисоб-китоблар бўйича аниқланади ёки аҳоли яшайдиган жойларда даҳалар ичида берк ёмғир тармоқлари бўлмаганда 5-10 дақиқাগача тенг ёки улар мавжуд бўлса 3-5 дақиқага тенг қабул қилинади. Даҳалар ички сувоқова тизимларини ҳисоблашда юза қуюқлиги вақтини 2-3 дақиқага тенг қабул қилиш лозим.



1-чизма. Q_{20} ёмғир жадаллиги катталикларининг қиймати

5- жадвал

Тўплагич зовурларни жойлашиш шартлари		Ёмғир ҳисобий жадаллигининг бир каррага оширилган даври P , йиллар, аҳоли пунктлари учун q_{20} қийматида	
маҳаллий аҳамиятга молик йўлларда	магистраль кўчаларда	60 гача	60 дан 80 гача
Кулай ва ўртача нокулай	кулай	0,33-0,5	0,33-1
ўта нокулай	ўртача	0,5-1	1-1,5
	нокулай	2-3	2-3
	ўта нокулай	3-5	3-5

***Эслатмалар.** 1. Тўплагич зовурлар жойлашишининг кулай шароитлари: юзаси 150 га дан ортиқ бўлмаган юзанинг ўртача нишаблиги 0,005 ва ундан кам, ясси шаклга эга ҳовуз;
Тўплагич зовурлар сув тақсимлагичлар бўйича ёки қияликнинг юқори қисмида сув тақсимлагичдан 400 м дан ортиқ бўлмаган масофада ўтади.

2. Тўплагич зовурлар жойлашишининг ўртача шароитлари: юзаси 150 га дан катта бўлган ҳовуз, юза нишаблиги 0,005 м ва ундан кам, ясси шаклга эга; тўплагич зовурлар қияликнинг қуйи қисмида тальвег бўйича қиялик 0,02 м ва ундан кам нишабликдан ўтади, бунда ҳовуз юзаси 150 га дан ошмайди.

3. Тўплагич зовурлар жойлашишининг нокулай шароитлари: тўплагич зовурлар қияликнинг қуйи қисмидан ўтади, ҳовуз юзаси 150 га дан ошади; тўплагич зовурлар тик қияликдан 0,02 дан каттароқ нишабликда тальвег бўйича ўтади.

4. Тўплагич зовурлар жойлашишининг ўта нокулай шартлари: тўплагич зовур сувни пасайтирилган берк жой (котловина)дан чиқариб ташлайди.

6-жадвал

Тармоқларнинг қисқа вақтда тўлиб кетиши оқибатлари	Ёмғир ҳисобий жадаллигининг бир каррага оширилган даври P , йиллар, q_{20} қийматида саноат корхоналари ҳудудлари учун	
	70 гача	70 дан 100 гача
Корхонанинг технологик жараёнлари: бузилмайди	0,33-0,5	0,5-1
бузилади	0,5-1	Ё1-2

***Эслатма.** Берк котловиналарда жойлашган корхоналар учун ёмғирнинг ҳисобий жадаллигини бир каррага оширилиши даврини ҳисоб-китоблар билан аниқлаш ёки 5 йилдан кам бўлмаган даврни қабул қилиш лозим.

7-жадвал

Тўплагич зовур билан хизмат кўрсатилувчи ҳовуз характеристикаси	Ёмғир жадаллигининг чегаравий қиймати ошириладиган давр P , йиллар, тўплагич зовурларнинг жойлашиш шароитларига кўра			
	кулай	ўртача	нокулай	ўта нокулай
Маҳаллий аҳамиятга эга даҳалар ва йўлларнинг ҳудудлари	10	10	25	50
Магистраль кўчалар	10	25	50	100

8-жадвал

Оқим юзаси, га	500	1000	2000	4000	6000	8000	10 000
K коэффициентнинг қиймати	0,95	0,90	0,85	0,8	0,7	0,6	0,55

Ёмғир сувларини кўча новлари бўйича оқиш давомийлиги t_{can} , дақ., қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим:

$$t_{can} = 0,021 \cdot \sum \frac{l_{can}}{v_{can}}, \quad (6)$$

бу ерда: l_{can} – новлар участкасининг узунлиги, м;
 v_{can} – участкадаги оқимнинг ҳисобий тезлиги, м/с.

Ёмғир сувларини қувурлар бўйича ҳисобланувчи кесимгача оқиш давомийлиги t_p , дақ., қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$t_p = 0,017 \cdot \sum \frac{l_p}{v_p}, \quad (7)$$

бу ерда: l_p – тўплагич зовурлардаги ҳисобий участкалар узунлиги, м;
 v_p – участкадаги оқимнинг ҳисобий тезлиги, м/с.

2.17. Оқим Z_{mid} коэффициентининг ўртача қийматини 9- ва 10-жадвал бўйича қабул қилинадиган юзани тавсифловчи Z коэффициентга боғлиқ равишда худди ўртача катталик каби аниқлаш лозим.

9-жадвал

Юза	Z коэффициенти
Бино ва иншоотлар томи, йўлларни асфальт-бетонли қопламалари	10-жадвал бўйича қабул қилинади
Серқирра тош йўл ва шағалли қора йўл қопламалари	0,224
Тош ётқизилган йўллар	0,145
Боғловчи моддалар билан қайта ишланмаган шағалли қопламлар	0,125
Истироҳат боғларининг шағалли йўлкалари	0,09
Тупроқ юзалар (текисланган)	0,064
Майсазорлар	0,038
*Эслатма. Z коэффициентининг кўрсатилган қийматларини тегишли тадқиқотлар асосида маҳаллий шароитлар бўйича аниқлашга рухсат этилади.	

10-жадвал

A ўлчамлари	Сув ўтказмайдиган юзалар учун Z коэффициенти
300	0,32
400	0,30
500	0,29
600	0,28
700	0,27
800	0,26
1000	0,25
1200	0,24

1500	0,23
------	------

2.18. Қурилиш тавсифи турлича бўлган ёки ер юзасидаги нишаблари кескин фарқланадиган майдони 50 га дан ортиқ ховузлардан чиқадиган оқимни ҳисоблашда, ховузнинг турли қисмларидаги ёмғир сувлари сарфини текширув тартибида аниқлаб бориб, ва олинган сарфларнинг энг каттасини ҳисобий деб қабул қилиш лозим. Бунда, агар ховузнинг маълум қисмида ёмғир сувининг ҳисобий сарфи юқори қисмидаги тўплагич зовурлар бўйича ҳисобланган сарфлардан кам бўлса, тўплагич зовурининг ушбу участкаси учун ҳисобий сарфни юқорироқдаги участкадаги сарфга тенг қилиб қабул қилиш керак.

Ёпиқ ва очиқ канализация тизими билан жиҳозланмаган боғлар ва истироҳат боғларининг худудлари оқим юзасининг ҳисобий катталигида ва Z коэффициентини аниқлашда ҳисобга олинмайди. Агар худуд кўча йўллари томонга 0,008-0,01 ва ундан ортиқ юза нишаблигига эга бўлса, унда оқимнинг ҳисобий юзасига йўлга туташувчи 50-100 м кенгликдаги йўлкани кўшиб ҳисоблаш зарур.

Даҳалардаги кўкаламзорлаштирилган ички юзаларни (ҳиёбонларнинг йўлкалари, майсазорлар ва б.) оқим юзасини ҳисобий катталигига кўшиш ва ховуз юзаси коэффициентини Z ни аниқлашда ҳисобга олиш лозим.

2.19. β коэффициент қиймати 11-жадвал бўйича аниқланади.

11-жадвал

n даража кўрсаткичи	$\leq 0,4$	0,5	0,6	$\geq 0,7$
β коэффициентининг қиймати	0,8	0,75	0,7	0,65

*Эслатмалар. 1. Худуднинг нишаблиги 0,01-0,03 бўлганда, β коэффициентининг кўрсатилган қийматларини 10-15 % га ошириш ва нишаблик 0,03 дан юқори бўлганда эса бирга тенг қилиб қабул қилиш лозим.
2. Агар ёмғир тўплагич зовурдаги участкаларнинг умумий сони ёки 10 тадан кам бўлса, унда β қийматини барча нишабликларда участкалар сони 4-10 бўлганда 10% га, участкалар сони 4 тадан кам участкаларда эса 15% га камайтириш рухсат этилади.

КАНАЛИЗАЦИЯНИНГ ЯРИМ ТАҚСИМЛАНГАН ТИЗИМЛАРИДАГИ ОҚОВА СУВЛАРНИНГ ҲИСОБИЙ САРФЛАРИ

2.20. Канализациянинг ярим тақсимланган тизимларидаги умумий коллекторларидаги оқова сувлар аралашмаси ҳисобий сарфи q_{mix} , л/с, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$q_{mix} = q_{cit} + \sum q_{lim}, \quad (8)$$

бу ерда: q_{cit} – нотекислик коэффициентини ҳисобга олган ҳолдаги ишлаб чиқариш ва маиший оқова сувларнинг энг кўп ҳисобий сарфи, л/с;

$\sum q_{lim}$ – ҳисобланаётган қисмгача жойлашган ҳар қайси тақсимланган бўлимлардан умумий қотиштиргич зовурга узатилувчи чегаравий ёмғир сувлари сарфларининг йиғиндисига тенг тозаланиши лозим бўлган энг кўп ёмғир оқими сарфи, л/с.

Чегаравий ёмғирдан оқим сарфини q_{lim} чегаравий ёмғир жадаллигини бир карра ошириш даври $P_{lim} = (0,05-0,1)$ йиллар бўлганда, юза оқова сувларини йиллик ҳажмининг 70% дан кам бўлмаган миқдорда тозалашга чиқаришни таъминлашида 2.11 бандга мувофиқ аниқлаш лозим.

Кўрсатилган P_{lim} қийматини маҳаллий шароитлар бўйича аниқлик киритиш рухсат этилади.

2.21. Тақсимланган бўлмалардан сувоқованинг ярим тақсимланган тизимлари умумий қотиргич зовурларига узатилувчи чегаравий ёмғир сувлари сарфи q_{lim} , тез-тез такрорланувчи ёмғирлар учун метеорологик ўлчамлардан фойдаланиб, сув оқимиغا чиқариб ташланмайдиган чегаравий ёмғирда мавжуд ёки лойиҳаланадиган ёмғир сувоқова тармоқлари бўйича коэффициент қиймати $\beta = 1$ бўлганда, 2.12 бандга кўра ёмғир сувлари оқимини ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқлаш рухсат этилади.

Ёмғир сувларининг чегаравий сарфи қуйидаги ифода бўйича аниқланиши лозим:

$$q_{lim} = K_{div} q_r, \quad (9)$$

бу ерда: K_{div} – 2.22 банд бўйича аниқланувчи, тозалашга йўналтирувчи ёмғир сувлари сарфининг қисмини кўрсатувчи коэффициент;

q_r – β коэффициентини ҳисобга олмаган ҳолда 2.11 бандга мувофиқ аниқланувчи тақсимлагич бўлмага келувчи ёмғир сувлари сарфи.

2.22. K_{div} тақсимлагич коэффициентини қиймати қуйидаги нисбатга кўра 12 жадвал бўйича аниқлаш лозим.

$$K'_{div} = \gamma \frac{\lg(m_r P_{lim})}{\lg(m_r P_{cal})}, \quad (10)$$

бу ерда: m_r , γ – 2.12 банд бўйича аниқланувчи ўлчамлар.

12-жадвал

n_{lim} даража кўрсаткичи	K_{div} қуйидагиларга тенглигида K'_{div} , коэффициентини қийматлари									
	0,05	0,1	0,15	0,2	0,25	0,3	0,35	0,4	0,45	0,5
0,75	0,02	0,04	0,07	0,1	0,15	0,19	0,24	0,3	0,36	0,42
0,5	0,025	0,05	0,08	0,12	0,16	0,21	0,26	0,31	0,37	0,43
0,3	0,03	0,06	0,09	0,13	0,18	0,22	0,27	0,32	0,38	0,43

***Эслатма.** 12 жадвалда қабул қилинган K_{div} қиймати оқим давомийлиги t_r , 20 дақиқага тенглигида, шунингдек (2) ифодадаги даражалар кўрсаткичларининг фарқи исталган оқим давомийлигида $n - n_{lim} = 0$ бўлгандагина тўғридир.

Тақсимлагич бўлмагача оқим ҳисобий, давомийлиги $t_r \neq 20$ дақиқа ва 12 жадвал бўйича қабул қилинувчи даражалар кўрсаткичларининг фарқи $n \neq 0$ бўлган ҳолларда, тақсимлагич коэффициент қийматига 13 жадвал бўйича аниқланувчи тақсимлаш бўлмасигача оқим давомийлигига ва даража кўрсаткичлари фарқига кўра тузатиш коэффициентини киритиш лозим.

13-жадвал

Даражалар кўрсаткичлари фарқи $n - n_{lim}$	Қуйилиш давомийлигида t_r , дақ. Тақсимлаш коэффициенти K_{div} га тузатиш коэффициентининг қиймати				
	10	30	60	90	120
0,03 ва ундан кичик	1	1	1	1,1	1,1
0,07	0,9	1	1,1	1,2	1,2
0,15	0,9	1,1	1,2	1,3	1,3
0,2	0,8	1,1	1,4	1,6	1,7
0,3	0,8	1,2	1,6	1,9	2,1

2.23. Биринчи ёмғир сувлари тушиш жойларигача умумий қотиргич сувоқова тармоқлари қисмларидаги оқова сувлар қоришмасининг ҳисобий сарфини, нотекислик коэффициентини ва ёмғирнинг ҳисобий жадаллигидан ёмғир сувларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш маиший оқова сувлари сарфининг q_{cit} йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим.

2.24. Биринчи ва ҳар қайси навбатдаги ёмғир сувлари тушиш жойларидан кейинги умумий қотиргич сувоқова тармоқлари қисмларидаги оқова сувлар қоришмасининг ҳисобий

сарфини, нотекислик коэффициенти ва ёмғирнинг ҳисобий жадаллигидан ёмғир сувларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш маиший оқова сувлари сарфларининг йиғиндиси сифатида, q_{gen} , л/с, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим.

$$q_{gen} = q_{cit} + \sum q_{lim} + q_r \quad (11)$$

бу ерда: q_{cit} – ишлаб чиқариш маиший оқова сувларининг сарфи, л/с;

q_r – охири ёмғир сувлари тушиш жойлари билан ҳисобий кесим оралиғидаги ҳовуздан ёмғир сувлари оқимининг сарфи, л/с.

2.25. Сувоқованинг ярим тақсимланган тизимлари умумий қотиштиргич зовурларини уларни тўла тўлдирилганларидаги ўтишдаги сарфларини ҳисоблаш жоиз.

Сувоқованинг ярим тақсимланган тизимлари умумий қотиргич зовурлар қисмлари, бу ерда: ишлаб чиқариш маиший оқова сувлари сарфи q_{cit} 10 л/с дан ошса, ушбу сарфини ўтказиш шароитларини текшириш, бунда энг кичик тезликни 14 жадвал бўйича, тўлдириш вақтидагисини 0,3 га тенг қабул қилиш лозим.

14-жадвал

Қуруқ об-ҳавода ҳисобий сарфларда умумий қотиргич тармоқлари қувур ўтказгичларидаги сув қатлами чуқурлиги, см	Оқова сувлар оқимининг энг кичик тезлиги, м/с
31-40	1
41-60	1,1
61-100	1,2
101-150	1,3
150 дан юқори	1,4

ЁМҒИР СУВЛАРИ ОҚИМИНИ СОЗЛАШ

2.26. Ёмғир сувлари оқимини созлашни тозалаш иншоотларига ёки насос станцияларига қуйилувчи сарфларни камайтириш ва текислаш мақсадида эътиборга олиш лозим. Шунингдек, оқимни созлашни четлатгич зовурлар олдидаги катта узунликдаги қувурлар диаметрларини камайтириш учун қўллаш жоиз.

Ёмғир сувлари оқимини созлаш учун ҳовузлар ёки сифимлар ўрнатиш, шунингдек балиқ хўжаликлари мақсадларида фойдаланилмайдиган ҳамда чўмилиш ва спорт учун яроқсиз бўлган, сув таъминотининг ичимлик манбалари ҳисобланмайдиган мавжуд ҳовузлар ва мустаҳкамланган жарликлардан фойдаланиш лозим.

2.27. Созлагич ҳовузлар ва сифимларда, асосан, катта оқим сарфлари вужудга келганда, тақсимлагич бўлмалар орқали фақат ёмғир сувларини йўналтириш зарур. Бунда барча эриган сувлар ва тез-тез тақрорланувчи ёмғирлар оқимини ҳовузларни четлаб ўтказиш зарур.

Созлаш ҳовузларидан тозалаш иншоотлари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳолларда, унга барча юза оқимлари йўналтирилган бўлиши керак, бунда чўкиндиларни, ахлатларни ва нефт маҳсулотларини чиқариб ташлаш учун махсус ускуналарни инobatга олиш лозим.

2.28. Ёмғир ҳисобий жадаллигини бир карра ошириш даврида ҳовузларга сув ташлаш ва чиқариш учун юқори ҳисобийдан жадаллик билан пастлашиш ҳолларида мумкин бўлган оқибатлар ва маҳаллий шароитларни инobatга олган ҳолда, ҳар қайси объект учун ўрнатиш жоиз.

СУВОҚОВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК ҲИСОБ-КИТОБЛАРИ

2.29. Сувоқова ўзи оқар қувур ўтказгичларнинг (новлар, сунъий ариқлар) гидравлик ҳисоб-китобларини қуйидаги ифода бўйича тузилган жадвал ва жадвал чизмасига кўра оқова сувларининг оний энг кўп ҳисобий сарфида олиб бориш жоиз.

$$v = C\sqrt{Ri}, \quad (12)$$

бу ерда: v – суюқлик ҳаракатининг тезлиги, м/с;

C – гидравлик радиус ва қуйидаги ифода бўйича аниқланувчи сунъий ариқ ёки қувур ўтказгичнинг ҳўллаган ғадир-будир юзасига боғлиқ бўлган коэффициент.

$$C = \frac{R^y}{n_1}, \quad (13)$$

Бу ерда $y = 2,5\sqrt{n_1} - 0,13 - 0,75R(\sqrt{n_1} - 0,1)$

n_1 – ғадир-будирлик коэффициенти, ўзи оқар думалоқ кесимли босимли қувур ўтказгичлар учун – 0,013; 0,014;

R – гидрав радиус, м;

i – гидравлик нишаблик.

Ўзи оқар қувур ўтказгичлар, новлар ва сунъий ариқлар учун гидравлик нишаблик i қуйидаги ифода бўйича аниқлаш рухсат этилади.

$$i = \frac{\lambda v^2}{8Rg}, \quad (14)$$

бу ерда: g – оғирлик кучи тезланиши, м/с²;

λ – узунлик бўйича ишқаланиш қаршилиги коэффициенти, қайсики турли даражали оқимни ҳисобга олувчи ифода бўйича аниқланиши лозим:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda}} = -2 \lg \left(\frac{\Delta}{13,68R} + \frac{a_2}{Re} \right), \quad (15)$$

Бу ерда Δ – ғадир-будирлик муқобили, см;

R – гидравлик радиус, см;

a_2 – қувур ва новлар ғадир-будирлигини тавсифини ҳисобга олувчи коэффициент;

Re – Рейнольдс сони.

Δ ва a_2 қийматларини 15 жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

15-жадвал

Қувурлар ва сунъий ариқлар	Δ , см	a_2
Қувурлар:		
Бетон ва темир бетон	0,2	100
сопол	0,135	90
чўян	0,1	83
пўлат	0,08	79
асбест цемент	0,06	73
Сунъий ариқлар:		
тарашланган ҳарсанг тошлардан	0,635	150
ғиштли	0,315	110
қуйма бетон ва темир бетон	0,3	120
шундай, йиғма (корхоналарда тайёрланган)	0,08	50

2.30. Сувоқова босимли қувур ўтказгичларнинг гидравлик ҳисоб-китобларини ШНК 2.04.02-97* мувофиқ олиб бориш жоиз.

2.31. Босимли балчиқ ўтказгичлар, нам ва бижғиган чўкиндиларни нақлиётлаш, шунингдек жадал балчиқларининг гидравлик ҳисоб-китобларини чўкиндиларнинг ҳаракат

тартиби, физик хоссалари ва таркибининг хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш лозим.

Намлиги 99% ва ундан ортиқ чўкиндилар суюқлик оқими ҳаракатлари қонунига бўйсунди.

2.32. Босимли балчиқ ўтказгичлар ҳисоб-китобларида гидравлик нишабликни i қуйидаги ифода бўйича аниқлаш зарур:

$$i = \frac{1360(100 - \rho_{\text{mud}})^2}{D^{2,25}} + \frac{\lambda v^2}{2gD}, \quad (16)$$

бу ерда: ρ_{mud} – чўкинди намлиги, %;

λ – узунлик бўйича ишқаланиш қаршилиги коэффиценти, қуйидаги ифода бўйича аниқланувчи:

$$\lambda = 0,214\rho_{\text{mud}} - 0,191; \quad (17)$$

v – балчиқ ҳаракатининг тезлиги, м/с;

D – қувур ўтказгич диаметри, см.

150 мм диаметрли балчиқ ўтказгичлар учун λ қийматини 0,01 га ошириш жоиз..

ҚУВУРЛАРНИНГ ЭНГ КИЧИК ДИАМЕТРЛАРИ

2.33. Ўзи оқар тармоқларнинг энг кичик диаметрини қуйидагича қабул қилиш лозим, мм:

- шаҳар ва шаҳар поселкаларининг кўча тармоқлари учун - 200, даҳалар ичидаги маиший ва ишлаб чиқариш сувоқоваси учун – 150; кишлоқ аҳоли пунктлари учун – 150;

- умумий қориштиргич кўча тармоқлари учун – 250, даҳалар ичидаги – 200.

Босимли балчиқ ўтказгичнинг энг кичик диаметри – 150 мм.

*Эслатма. 1. Асосларга биноан ишлаб чиқариш сувоқоваси учун 150 мм дан кам диаметрли қувурларни қўллаш рухсат этилади.

ҲИСОБИЙ ТЕЗЛИКЛАР ВА ҚУВУР ҲАМДА СУНЪИЙ АРИҚЛАРНИ ТЎЛДИРИШ

2.34. Сувоқова тармоқларини балчиқланишини олдини олишда оқова сувлар ҳаракатининг ҳисобий тезлигини қувурларни ҳамда сунъий ариқларни тўлдирилиш даражаси ва оқова сув таркибидаги муаллақ моддаларнинг йириклигига кўра қабул қилиш лозим.

Маиший ва ёмғир сувоқова тармоқларидаги қувурларни энг катта ҳисобий тўлдирилишида энг кичик тезликни 16 жадвал бўйича қабул қилиш жоиз.

2.35. Новлардаги ва қувурлардаги тиндирилган ёки биологик жиҳатдан тозаланган оқова сувларнинг энг кичик ҳаракат ҳисобий тезлигини 0,4 м/с қабул қилиш рухсат этилади.

16-жадвал

Диаметр, мм	H/D тўлдирилишдаги тезлик v_{min} , м/с			
	0,6	0,7	0,75	0,8
150-250	0,7	–	–	–
300-400	–	0,8	–	–
450-500	–	–	0,9	–
600-800	–	–	1	–
900	–	–	1,15	–
1000-1200	–	–	–	1,15
1500	–	–	–	1,3
1500 дан ортиқ	–	–	–	1,5

*Эслатмалар. 1. Ишлаб чиқариш оқова сувлари учун энг кичик тезликни саноатнинг

айрим тармоқлари корхоналарини қурилиш бўйича лойиҳалашни кўрсатмаларига биноан ёки фойдаланишдаги маълумотлар бўйича қабул қилиш зарур.

2. Ишлаб чиқариш оқова сувлари учун, тавсифи бўйича муаллақ моддаларга яқин маишийларни энг кичик тезлигини ҳудди маиший оқова сувлар учун қабул қилиш лозим.

3. Ёмғир сувоқоваси учун йилига $P = 0,33$ бўлганда, энг кичик тезликни $0,6$ м/с қабул қилиш жоиздир.

2.36. Оқова сувлар ҳаракатининг энг катта ҳисобий тезлигини қуйидагича қабул қилиш жоиз, м/с; металл қувурлар учун – 8, нометаллар учун – 4, ёмғир сувоқоваси учун – мувофиқ равишда 10 ва 7.

2.37. Қайнамадаги тиндирилмаган оқова сувлар ҳаракатининг ҳисобий тезлигини 1 м/с дан кам қабул қилинмаслиги зарур, бунда қайнамага етиб келган еридаги оқова сувлар тезлиги, қайнамадаги тезликдан ортиқ бўлмаслиги керак.

2.38. Босимли балчиқ ўтказгичлардаги ҳўл ва бижғиган оқоваларнинг, шунингдек зичланган жадал балчиқ ҳаракатининг энг кичик ҳисобий тезлигини 17 жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

17- жадвал

Чўкинди намлиги, %	v_{min} , М/с,	
	$D = 150-200$ мм	$D = 250-400$ мм
98	0,8	0,9
97	0,9	1,0
96	1,0	1,1
95	1,1	1,2
94	1,2	1,3
93	1,3	1,4
92	1,4	1,5
91	1,7	1,8
90	1,9	2,1

2.39. Ёмғир ва ҳовузларга чиқаришга рухсат этилган ишлаб чиқариш оқова сувлари сунъий ариқлардаги энг катта ҳаракат тезлигини 18 жадвал бўйича қабул қилинади.

2.40. Кўндаланг кесими исталган шаклдаги қувур ўтказгичлар ва сунъий ариқларни ҳисобий тўлатишни 0,7 баландликдан ортиқ қабул қилинмаслиги жоиз.

Тўғри бурчакли кўндаланг кесимли сунъий ариқларни ҳисобий тўлатишни 0,75 баландликдан ортиқ қабул қилинмаслиги рухсат этилади.

Ёмғир қувур ўтказгичлари ва сувни четлатиш тизимлари умумий қотиштиргичлари учун тўлиқ ҳисобий тўлатишни қабул қилиш лозим.

18-жадвал

Тупроқ ва маҳкамлаш тури	Оқим чуқурлиги 0,4 дан 1 м гача бўлганда, сунъий ариқдаги ҳаракатнинг энг катта тезлиги, м/с
Бетон тахта билан маҳкамлаш	4
Оҳак тошлар, ўртача қумлар	4
Чим босиш:	
узунасига	1
деворга	1,6
Тош ётқизиш:	
бир бор	2
икки бор	3-3,5
*Эслатма. Оқим чуқурлиги 0,4 м дан кам қийматда бўлганда, оқова сувлар	

ҳаракати тезлигини 0,85 коэффиценти билан, чуқурлиги 1 м дан юқори бўлганда – 1,25 коэффиценти билан қабул қилиш лозим.

ҚУВУР ЎТКАЗГИЧЛАР, СУНЪИЙ АРИҚЛАР ВА НОВЛАР НИШАБЛИКЛАРИ

2.41. Қувур ўтказгичлар ва сунъий ариқларнинг энг кичик қиялигини оқова сувлари ҳаракатининг рухсат этилган энг кичик тезлигига кўра қабул қилиш лозим.

Барча сувоқова тизимлари учун қувур ўтказгичларнинг энг кичик қиялигини 150 мм ли қувурлар учун - 0,008, 200 мм – 0,007 қабул қилиш жоиз..

Ёмғир сувларини қабул қилувчига бирикишдаги қияликни 0,02 қабул қилиш лозим.

2.42. Очiq ёмғир тармоқларида қатнов қисмларидаги новлар, ариқ ва зовурлар қиялигини 19 жадвал бўйича қабул қилиниши зарур.

19-жадвал

Новлар, ариқлар, зовурлар	Энг кичик нишаблик
Қатнов йўли новлари:	
асфальт бетон билан қопланган	0,003
Серқирра тошлар ёки шағаллар билан қопланган	0,004
харсанг тошли йўл	0,005
Айрим новлар ва ариқлар	0,005
Сув четлатиш ариқлар	0,003

2.43. Трапециясимон кесимли ариқлар ва зовурларнинг энг кичик ўлчамларини: тубининг кенглиги 0,3 м, чуқурлиги 0,4 м қабул қилиш лозим.

3. СУВОҚОВА ТАРЗЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИ

АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ЖОЙЛАРНИНГ СУВОҚОВА ТАРЗЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИ

3.1. Аҳоли яшайдиган жойларни сувоқовалашни тизимлар бўйича кўриб чиқиш лозим: бўлимли-тўлиқ ёки тўлиқсиз, ярим бўлимли, шунингдек аралаш.

Юза сувларини сув оқимининг очiq тизимлари бўйича четлатишни мувофиқ асосларга ва санитария-эпидемиология хизмати, сувни муҳофазалаш ҳамда созлаш бўйича идоралари, шунингдек балиқ заҳираларини асраш идоралари билан келишилган ҳолда рухсат этилади.

3.2. Сувоқова тизимларини танлашни юза оқова сувларини тозалашга қўйиладиган талаблар, иқлимий шароитлар, жойлардаги ер юзаларининг шакли ва бошқа омилларга кўра олиб бориш лозим.

Ёмғир жадаллиги q_{20} 1 га юзага 90 л/с дан кам миқдорда бўлган ҳудудларда сувоқованинг ярим бўлимли тизимларини қўллаш имкониятларини кўриб чиқиш жоиз.

КАМ АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ЖОЙЛАР (5000 КИШИГАЧА) ВА АЛОҲИДА ҚУРИЛГАН БИНОЛАРНИНГ СУВОҚОВА ТИЗИМЛАРИ

3.3. Кам аҳоли яшайдиган жойларнинг сувоқоваларини асосан тўлиқсиз бўлимли тизимлар сифатида эътиборга олиш жоиз.

3.4. Кам аҳоли яшайдиган жойлар учун, асосан бир ёки бир неча аҳоли яшайдиган жойлар, биноларнинг айрим гуруҳлари ва ишлаб чиқариш минтақалари учун марказлашган сувоқова тарзларини назарда тутиш лозим.

Марказлашган сувоқова тарзларини турар жой ва ишлаб чиқариш минтақалари учун бирлаштириб лойиҳалаш зарур, таркибида гўнг бўлган оқова сувларни ҳисобга олмаган ҳолда, бунда ишлаб чиқариш билан маиший оқова сувларини бирлаштиришни 3.18 бандга кўра олиб бориш лозим.

Турар жой ва ишлаб чиқариш минтақалари учун алоҳида марказлашган тарзлар ўрнатиш техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолларда рухсат этилади.

3.5. Сувоқова тарзларини марказсизлаштириш қуйидагиларда назарда тутиш рухсат этилади:

Сув таъминоти учун фойдаланиладиган ётиқ сувли қатламларни ифлосланиш хавфи бўлганда;

Биринчи навбатда сувоқоваланиши керак бўлган мавжуд ёки қайта тикланаётган аҳоли яшайдиган жойлардаги объектлар учун (касалхоналар, мактаблар, болалар боғчалари ва ясилари, маъмурий-хўжалик бинолар, айрим турар жойлар, саноат корхоналари ва шунга ўхшашлар) марказлашган сувоқованинг йўқлиги, шунингдек аҳоли яшайдиган жойлар қурилишининг биринчи босқичи учун сувоқоваланадиган объектларни 500 м дан кам бўлмаган оралиқда жойлаштиришда;

Алоҳида бинолар ёки гуруҳларнинг сувоқовалаш зарурати бўлганда.

3.6. Марказлашган сувоқова тарзларида оқова сувларни тозалаш учун қуйидаги иншоотларни қўллаш лозим:

табiiй биологик тозалаш (сизиш майдонлари, биологик ҳовузлар);

сунъий биологик тозалаш (аэротенклар ва турли хилдаги биосизгичлар, айланма туршлаш сунъий ариқлари);

вақтинча келадиган ходимлари бўлган навбатчи касабалар учун ва бошқа даврий кишилар бўладиган объектлар учун физик-кимёвий тозалаш.

3.7. Сувоқова тарзларини марказсизлаштиришда оқова сувларни тозалаш учун сизувчи кудукларни, ер ости сизгич майдонларини, қум шағалли сизгичларни, сизувчи ҳандақларни, тўлиқ туршлаш учун аэротенкларни, даврий равишда фаолият юрутувчи объектлар учун (ўқувчилар оромгоҳлари, саёҳатчилар қароргоҳлари ва шунга ўхшашлар) физик-кимёвий тозалаш иншоотларни қўллаш лозим.

3.8. Завод томонидан тайёрланган тозалаш иншоотлари қуйидагиларни сувоқовалаш учун хизмат қилади:

- қуввати 1000 м³/сут гача бўлган кам сонли аҳоли яшаш жойлари;

- 10000 м³/сут гача бўлган кичик ва ўрта шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкалар;

Завод томонидан тайёрланган тўлиқ биологик тозалаш, оқоваларни охиригача тозалаш ва чўкмаларни қайта ишлаш бўйича тозалаш иншоотларини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда қўллаш мумкин:

- оқоваларни тозалаш ва уларни охиригача тозалаш Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган оқоваларни сифати бўйича тозалаш санитар нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим;

- санитар муҳофазаси минтақаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган санитар органлари талабларига мос келиши керак;

- барча технологик қурилмалар заводда ишлаб чиқарилган бўлиши керак;

- барча ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилган бўлиши лозим.

3.9. Маиший оқова сув сарфи 1 м³/сут. гача бўлганда, алоҳида қурилган бинолар учун силжувчан клозетлар ёки ўралар ўрнатиш рухсат этилади.

3.10. Юза жадал сунъий моддалар (ЮЖСМ) билан ифлосланган кирхоналарнинг оқова сувларини қайта ишлашни маиший оқова сувлари билан биргаликда улар миқдорининг 1:9 нисбатида олиб бориш рухсат этилади. Ҳаммом–кирхоналар учун сувоқованинг бу нисбатини 1:4, ҳаммомлар учун – 1:1 қабул қилиш лозим. Асосланган ҳолларда созловчи сифимлардан фойдаланиш рухсат этилади.

Ҳаммом-кирхоналарнинг катта миқдордаги оқова сувларини рухсат этилган ЮЖСМ қуюқлигини таъминлаш учун уларни қайта ишлашни инобатга олиш лозим.

3.11. Кам аҳоли яшайдиган жойлардаги тозалаш иншоотлари насослари билан оқова сувларни тозалаш иншоотларига узатишда ўртачалаштиргичларни ўрнатиш билан бажариш зарур. Бундай тозалаш иншоотларини ҳисоб-китобларини кеча-кундузги ўртача соатдаги энг кўп сарфлар бўйича олиб борилади.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ СУВОҚОВА ТАРЗЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИ

3.12. Саноат корхоналарининг сув хўжалиги тизимлари айрим цехлар ёки яхлитлигича барча корхоналар учун айланма совитилган сувли ва айрим технологик жараёнларда ишлаб чиқариш сувларидан такрор (изчил) самарали фойдаланилиши керак. Қайтмас бўлиб сув йўқолишлари маиший, шаҳар ва ишлаб чиқариш оқова сувларини уларни тозалайдиган ҳамда зарарсизлантирилгандан сўнги йиғилган юза оқова сувлари ҳисобига тўлдирилади. Тозаланган оқова сувларни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига узатиладиган тўғри оқимли сув тизимларини сув ҳавзаларига чиқариб ташлаш фақатгина асосланган ҳолларда ва сувни муҳофазалаш ҳамда фойдаланишни сошлаш бўйича, балиқларни асраш, санитария-эпидемиология хизмати идоралари билан келишган равишда рухсат этилади.

3.13. Саноат корхоналари сувоқова тарзлари ва тизимларини танлашда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

Чиқиндисиз ва сувсиз ишлаб чиқаришни тадбиқ этган ҳолда, қудуқ жараёнлардан фойдаланиш, сув хўжалигини берк тизимларини ўрнатиш, совитишнинг ҳаволи усулини қўллаш ва шунга ўхшашлар ҳисобига технологик жараёнларда ифлосланган оқова сувларни ҳосил бўлишини бартараф этиш имкониятлари;

турли технологик жараёнларда фойдаланиладиган сув сифатига қўйиладиган талаблар ва унинг миқдори;

айрим ташкил этувчиларини чиқариб ташлаш ва сувдан такрор фойдаланиш мақсадида, оқова сувлар оқимини маҳаллий тозалаш, шунингдек ишлаб чиқариш сув таъминотини маҳаллий берк тизимларини барпо қилиш имкониятлари;

турли технологик жараёнларда сув сифатига қўйилган турли талаблар билан сувдан изчил фойдаланиш имкониятлари;

айрим маҳаллий тозалаш талаб этиладиган оқова сувлар оқимини чиқариш имкониятлари;

ўхшаш сифатлар тавсифли оқова сувларни бирлаштириш имкониятлари;

тозаланган маиший ва шаҳар оқова сувларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш, шунингдек юза оқова сувларни чиқариб ташламасдан берк сув хўжалиги тизимларини барпо этиш имкониятлари;

турли оқова сувларни сувоқовага келиб тушишида газсимон ёки қаттиқ маҳсулотлар ҳосил қилувчи кимёвий жараёнларнинг қувур ўтказгичларда оқиш имкониятлари;

ишлаб чиқариш оқова сувларини сув ҳавзалари ёки аҳоли яшайдиган жойлардаги сувоқова тизимларига ё бўлмаса бошқа сувдан фойдаланувчига қуйилиш шароитлари.

3.14. Саноат корхоналарини сувоқовалашни, асосан тўлиқ бўлимли тизим бўйича назарда тутиш жоиз.

3.15. Ишлаб чиқаришга қайтариш ёки сув ҳавзаларига туширишдан олдин тайёрлаш учун ё бўлмаса, аҳоли яшайдиган жойлардаги сувоқова тизимларига ёки бошқа сувдан фойдаланувчиларга чиқариш мақсадида маҳсус тозалашни талаб этилувчи оқова сувларни мустақил оқим билан четлатиш лозим.

3.16. Турли ифлослантирувчи моддалар бўлган ишлаб чиқариш оқова сувлари оқимларини бирлаштириш уларнинг биргаликдаги тозаланиши мақсадга мувофиқлигида рухсат этилади..

3.17. Ташқи тозалаш иншоотларида ишлаб чиқариш ва шаҳар оқова сувларини тозалашни келиб тушаётган оқова сувлар тавсифларига ва улардан такрор фойдаланиш шароитларига кўра биргаликда ёки алоҳида олиб бориш мумкин..

3.18. Аҳоли яшайдиган жойларнинг маиший оқова сувлари билан биргаликда четлатилиши ва тозаланиши лозим бўлган ишлаб чиқариш оқова сувлари:

тармоқ ва иншоотлар ишларини бузмаслиги;

сувоқова тармоқлари қувурларини ифлослантира оладиган ёки қувурлар деворларида чирийдиган моддаларни сақламаслиги;

сувоқова қувурлари ва унсурлари ашёларини емирилишига таъсир этмаслиги;

сувоқова тармоқлари ва иншоотларида портлаш хавфи ва зарарли газларни ҳосил қилиш хусусияти бўлган ёнилғи аралашмалари ҳамда қоришма моддаларни ташкил этмаслиги;

тозалаш ишлари иншоотларини бузувчи ёки улардан техник сув таъминоти тизимларида фойдаланишга ё бўлмаса сув ҳавзаларига чиқариб ташлашга қаршилиқ қилувчи (тозалаш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда) зарарли моддаларни қуюқлигини ташкил этмаслиги керак.

Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш оқова сувлари олдиндан тозалашга тортилиши керак. Олдиндан тозалаш даражаси фойдаланувчи, шунингдек аҳоли яшайдиган жойларнинг тозалаш иншоотларини лойиҳаловчи ташкилотлар ёки бошқа сувдан фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда бўлиши лозим.

3.19. Ишлаб чиқариш жараёнида ифлосланмаган оқова сувлар корхоналар сув таъминоти ишлаб чиқариш тизимларида фойдаланилиши ёки бошқа истеъмолчига, жумладан суғоришга узатилиши лозим..

3.20. Саноат корхоналари оқова сувларининг миқдорини, оқова сувлардан такрор фойдаланиш ва қисмлардаги мумкин бўлган айланма сувни ортиши, сув хўжалиги мувозанатининг таҳлили билан технологик маълумотлари бўйича, бундай маълумотлар бўлмаганда, ўхшаш корхоналар маълумотлари бўйича маҳсулот ёки хом ашё бирлигига сув сарфини йириклаштирилган меъёрлари бўйича аниқлаш зарур. Саноат корхоналари оқова сувларининг умумий миқдоридан аҳоли яшайдиган жойлардаги сувоқовага ёки бошқа сувдан фойдаланувчига чиқариб юборишга мўлжалланган миқдорни ажратиш жоиз.

АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ҲУДУДЛАРДАН ВА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ЮЗА ОҚОВА СУВЛАРИНИ СУВОҚОВАЛАШ ТАРЗЛАРИ

3.21. Бўлимли сувоқова тизимларида шаҳар ҳудудларидан юза оқова сувларини тозалашни маҳаллий ёки марказлашган юза оқоваларини тозалаш иншоотларида амалга ошириш лозим. Бунда, қўйиладиган талабларга кўра, асосан механик тозалаш иншоотларини (панжаралар, кум тутқичлар, тиндиргичлар, сизгичлар) қўллаш лозим. Айрим ҳолларда юза, маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини биргаликда умумий тозалаш иншоотларида тозалаш мумкин, бунда юза оқова сувларини йиғичларга тўплаш ва шаҳар оқова сувларининг соатдаги энг кичик оқимини сувоқова тизимларига узатиш жоиз.

3.22. Юза сувлари қоришмалари билан маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини ярим бўлимли сувоқова тизимларида тозалашни шаҳар оқова сувлари учун қабул қилинган, тозалашнинг тўлиқ тарзи бўйича амалга ошириш лозим..

Тозалаш иншоотларига гидравлик кучларни пасайтириш учун созловчи сифимлардан фойдаланиш рухсат этилади.

3.23. Саноат корхоналари ҳудудларидан юза оқова сувларини тозалаш жоиздир.

Корхоналардаги юза оқова сувларини тозалаш бўйича тадбирларини ишлаб чиқиш ҳудуд ва ҳавонинг ифлосланиш манбалари тўғрисидаги табиий маълумотлар, сув йиғич ҳовузлар тавсифи, берилган ҳудудга ёғадиган муҳит намликлари ҳақидаги маълумотлар, суғориш ҳамда ҳудудларни ювиш тартибларига асосланилиши керак..

Агар корхона ҳудудлари йиғилиб қолган юза қоришмалари миқдори ва таркиби бўйича умумий банд ҳудуддагидан кам фарқ қилса, юза оқова сувлари аҳоли яшайдиган жойлардаги ёмғир сувоқовасига йўналтирилиши мумкин.

3.24. Юза оқова сувларни тозалашга чиқариш тарзларини танлаш техник имкониятлар ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги баҳосига асосан амалга ошириш керак:

юза оқова сувларидан, асосан ишлаб чиқариш сув таъминоти тизимларида фойдаланиш;

юза оқова сувларини мустақил тозалаш.

3.25. Аниқ шароитларга кўра (ифлосланиш манбалари, ўлчамлари, сув йиғич ҳовузлар шакли ва жойлашиши ва бошқалар) юза оқова сувларини тозалаш ҳамда четлатиш тарзларини ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш ҳудудларини айрим қисмларини маҳаллийлаштириш, қайсики зарарли моддалар тутиши мумкин бўлганларини, оқоваларни

ишлаб чиқариш сувоқовасига ёки олдиндан тозалангандан сўнг ёмғир сувоқовасига чиқариш заруриятларини ҳисобга олиш лозим. Қатор ҳолларда тавсифи ва ҳудудларнинг ифлосланганлик даражаси бўйича ажралиб турувчи ишлаб чиқариш майдонларидан оқоваларни бўлимли тозалаш мақсадга мувофиқлигини баҳолаш зарурдир.

3.26. Юза оқова сувларини тозалаш учун фойдаланишда оддий ва ишда ишончли механик ҳамда физик-кимёвий тозаловчи иншоотларни инobatга олиш тавсия этилади. Барча ҳолларда тиндиргич иншоотларни инobatга олиш тавсия этилади. Барча ҳолларда тиндиргич иншоотларни қўллаш жоиз. Тозалаш жараёнини жадаллаштириш ва тозалашнинг янада чуқурроқ даражасини таъминлаш учун, қайсики тиндиргич иншоотларда эришиладиган, сизиш, коагуляция, флотациялашларни қўллаш тавсия этилади.

Тиндирилган оқова сувлар таркибидаги органик аралашмаларни камайтириш зарурати бўлганда биологик тозалаш иншоотларига йўналтириш лозим. Шаҳар ва юза оқова сувларини биологик тозалашни жадаллаштириш учун туташув-барқарорлаштириш усулини қўллаш рухсат этилади (аэротенкларда).

4. СУВОҚОВА ТАРМОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИНШОТЛАРИ

ТАРМОҚЛАР ЙЎНАЛИШИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ҚУВУР ЎТКАЗГИЧЛАРНИ ЁТҚАЗИШ ШАРОИТЛАРИ

Умумий кўрсатмалар

4.1. Тармоқларнинг бош тархларда жойлашиши, шунингдек тархдаги энг кичик ораликлар ва ташки юза қувурларидан иншоотларгача ҳамда муҳандислик робиталаригача кесишишлар КМК 2.10.01-96 га мувофиқ қабул қилиниши керак.

Бош тархда тармоқларни лойиҳалаштиришда асосий тўплагич зовурлар орасида перепусклар назарда тутилиши лозим.

19.1-жадвал

Муҳандислик тармоқлари	Ер ости тармоқларидан қуйидагиларгача бўлган ётиқ бўйича масофа (в свету), м. :						
	Бино ва иншоотларнинг пойдеворлари	Тўсиқлар, таянчлар, эстакадалар, ўтказгич қувурлар пойдеворлари	Автойўллар		Электр узатиш ҳаво линиялари таянч ости пойдеворлари		
			Ёндевор тошларигача, ўтиш қисмининг четлари, йўл четларининг мустахкам чизиқлари	Йўл четига ариқларнинг ташки қирғоғигача ёки тўқилмалар тагигача	ташқи ёруғлик 1 кв. гача	1 дан 35 кв.гача	35 кв. дан юқори
1. Сув ўтказгичлари ва босимли сувоқова	5	3	2,0	1	1	2	3
2. Ўзи оқар сувоқова ва очик сув оқимлари	3	1,5	1,5	1	1	2	3
3. Дренажлар	3	1	1,5	1	1	2	3
4. Ёнувчи газлар газқувурлари							
А) паст босим 0,005 Мпа (0,05кгс/см ²)гача	2	1	1,5	1	1	5	10
Б) ўртача босим 0,005 (0,05) дан юқори 0,3 Мпа (3кгс/см ²)гача	4	1	1,5	1	1	5	10
В) юқори босим 0,3 (3) дан юқори 0,6 Мпа (6кгс/см ²)гача	7	1	2,5	1	1	5	10
Г) юқори босим 0,6 (6) дан юқори 1,2 Мпа (12кгс/см ²) гача	10	1	2,5	1	1	5	10
5. Иссиқлик тармоқлари кабелнинг ташки деворидан (ёки каналсиз ўтказиш қобиғи	2	1,5	1,5	1	1	2	3
6. Барча кучланишдаги куч кабеллари ва алоқа кабеллари	0,6	0,5	1,5	1	0,5*	5*	10*
7. Сунъий ариқлар, тоннеллар	2	1,5	1,5	1	1	2	-

* Фақат куч кабелларидан бўлган масофа учун тегишли. Алоқа кабелларидан бўлган масофалар учун Ўзбекистон алоқа вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус нормалари бўйича қабул қилиш жоиз.

19.2-жадвал

Мухандислик тармоқлари	Ўтиқ бўйича масофа (в свету), м, орасида:										
	Сув ўтказгич	Сувоқова	Дренаж ёки сув оқимлари	Ўнвучи газлар газўтказгичлари				Куч ва барча кучланишдаги кабеллар	Алоқа кабеллари	Иссиқлик тармоқлари	
				Паст босим 0,005Мпа гача	Ўртача босим 0,3Мпа гача	Юқори босим 0,6 Мпа гача	Юқори босим 1,2 Мпа гача			Каналсиз ўтказиш қобиғи	Каналнинг, тоннелнинг ташқи девори
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1. Сув ўтказгич	1,5		1,5	1	1	1,5	2	0,5*	0,5	1,5	1,5
2. Сувоқова		0,4	0,4	1	1,5	2	5	0,5*	0,5	1	1
3. Дренаж ва сув оқимлари	1,5	0,4	0,4	1	1,5	2	5	0,5*	1	1	1
4. Ёнвучи газлар газ ўтказгичлари:											
А) паст босим 0,005Мпа (0,05кгс/см2)гача	1	1	1				-	1	1	2	1
Б) ўрта босим 0,005Мпа (0,05) дан юқори 0,3Мпа (3кгс/см2)гача	1	1,5	1,5				-	1	1	2	1
В) юқори босим 0,3Мпа (3) дан юқори 0,6Мпа (6кгс/см2)гача	1,5	2	2				-	1	1	2	1,5
Г) юқори босим 0,6Мпа (6) дан юқори 1,2Мпа (12кгс/см2)гача	2	5	5				-	2	1	4	2
5. Барча кучланишдаги куч кабеллари	0,5*	0,5*	0,5*	1	1	1	2	0,1-0,05	0,5	2	2
6. Иссиқлик тапмоқлари:											
А) Канал ва тоннелларнинг ташқи деворлари	1,5	1	1	2	2	2	4	2	1	-	-
қувурлари	1,5	1	1	1	1	1,5	2	2	1	-	-
7. Алоқа кабеллари	0,5	0,5	0,5	1	1	1	1	0,5	-	-	1

* ЭҚТҚ га мувофиқ

Эслатма: 1. Сувоқовадан хўжалик-ичимлик сув ўтказгичгача масофагача қуйидаги қўлланилиши керак: Диаметри 200 мм гача бўлган чўян қувурдан сув ўтказгичгача- 1,5 м дан кам бўлмаслиги, 200 мм юқори бўлганда – 3 м дан кам бўлмаслиги; пластмассали қувурдан сув ўтказгичгача 1,5 м дан кам бўлмаслиги керак. Сувоқова ва ишлаб чиқариш сув ўтказгичлари тармоқлари орасидаги масофа қувурларнинг ашёси ва диаметри, шунингдек тупроқнинг таснифи ва номенклатурасидан қатъий назар 1,5 м дан кам бўлмаслиги лозим.

2. Бир хандакда икки ёки ундан кўп ёнвучи газлар газўтказгичларини жойлаштиришда улар орасидаги масофа **в свету** қуйидаги диаметрдаги қувурлар учун қуйидагича:

- 300мм гача– камида 0,4м; 300мм дан ортик бўлганда – камида 0,5м;

3. Жадвалда пўлат газ ўтказгичларигача бўлган масофа кўрсатилган. Нометал қувурли ерости газ ўтказгичларининг жойлашишини қурилиш нормалари ва қойдаларининг ички ва ташқи газтаъминоти қурилмаларини лойиҳалашга оид бўлимларига мувофиқ назарда тутиш лозим.

4.2. Бир нечта босимли қувур ўтказгичлар мувозий ётқазилганда қувурларнинг ташқи юзалари оралиғидаги масофани ишлаб чиқариш ишларининг шароитлари, ёнма-ён қувур ўтказгичларнинг биридаги носозликда қувурлар ашёлари, ички босими ва геологик шароитларига кўра уларни муҳофазасини таъминлашни ШНК 2.04.02-97*га мувофиқ қабул қилиш лозим.

4.3. Шчитлар қўйиб ёки тоғ усули билан қовлаб бориладиган тўплагич зовурларни, шу жумладан чуқур қўйиладиган тўплагич зовурларни лойиҳалашни КМК 2.09.03-02 ва СН 322-74 асосида бажариш зарур.

Иккита тўплагич зовурларни мувозий ўрнатишда улар орасидаги масофани тўплагич зовурнинг энг каттасини беш диаметрига тенг, лекин 10 м дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

4.4. Аҳоли яшайдиган жойларда сувоқова қувур ўтказгичларини ер юзи ва ер остида ётқазиб рухсат этилмайди.

Чуқур жарликлар, сув оқимлари ва ҳовузлар билан кесишишганда, шунингдек аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида сувоқова қувур ўтказгичларини ер юзаси ҳамда ер остида ётқазиб рухсат этилади.

ҚУВУР ЎТКАЗГИЧЛАР БУРИЛИШЛАРИ, БИРЛАШИШИ ВА ЁТҚАЗИЛИШ ЧУҚУРЛИГИ

4.5. Бирлаштирувчи ва четлатувчи қувурлар орасидаги бурчак 90° дан кам бўлмаслиги кеарк.

4.6. Тўплагич зовурлар бурилишларини қудуқларда эътиборга олиш жоиз: новнинг бурилиш эгрилиги радиусини қувур диаметридан кам қабул қилинмаслиги зарур, диаметри 1200 мм ва ундан ортик бўлган тўплагич зовурларда беш диаметрдан кам бўлмаслиги ҳамда эгри чизиқнинг бошланиши ва охирида назорат қудуқларини эътиборга олиш лозим.

Тўплагич зовурлар бурилишларини қавлаб ўтиш ёки тоғли усуллар ёрдамида қурилишни СНиП 2.09.03-85 га биноан қабул қилиш жоиз.

4.7. Қудуқларда турли диаметрли қувурларни бирлаштиришни қувурларни юқори учлари бўйича инобатга олиш лозим. Асосланган ҳолларда қувурларни бирлаштириш сувнинг ҳисобий сатҳи бўйича рухсат этилади.

4.8. Сувоқова қувур ўтказгичларни энг саёз ҳолда ётқазиб рухсат этиш ҳудуддаги тармоқлардан фойдаланиш тажрибаларига асосан қабул қилиш зарур. Фойдаланиш бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаганда қувур ўтказгичларни энг саёз ётқазилишини қуйидагича қабул қилиш рухсат этилади: диаметри 500 мм гача бўлган қувурлар учун 0,3 м га; катта диаметрли қувурлар учун 0°C ҳароратда тупроққа киритилиш катта чуқурлигидан 0,5 м кам, бироқ ер юзаси белгисидан ёки текисланиш белгисидан ҳисоблаганда, қувур юқорисигача 0,7 м дан кам бўлмаслиги керак. Оқова сувларнинг доимий (кам ўзгарувчан) сарфли тўплагич зовурларини энг саёз ётқазилишини иссиқлик техникаси ва статистик ҳисоб-китоблар билан аниқлаш зарур.

Тўплагич зовурларни қавлаб энг саёз ётқазилишида ер юзаси белгисидан ёки текисланиш белгисидан ҳисоблаганда 3 м дан кам қабул қилинмаслиги зарур.

Қувурларни юқорисидан ҳисоблаганда, 0,7 м ва ундан кам чуқурликда ётқазилган қувур ўтказгичлар музлашдан ҳамда ер устки нақлиётдан шикастланишидан ҳимояланган бўлиши керак.

Қувурларни, шунингдек тўплагич зовурларни кавлаш ёки тоғ усуллари билан энг чуқур ётказилишини қувурлар ашёларига, тупроқ шароитларига, ишни олиб бориш усулларига кўра ҳисоб-китоблар билан аниқлаш жоиз.

ҚУВУРЛАР, ТАЯНЧЛАР, ЎЗАК ВА ҚУВУР АСОСЛАРИ

4.9. Сувоқова қувур ўтказгичлар учун қуйидагиларни қўллаш жоиз:

ўзи оқар – босимсиз ва босимли (асосланган ҳолларда) темир бетонли, бетонли, сополли, чўян, асбест цементли, пластмасса қувурлар ва темир бетонли қисмлар;

босимли – босимли темир бетонли, асбест цементли, чўян, пўлат ва платмасса қувурлар.

***Эслатмалар.** 1. Қурилишнинг кийин етиладиган бўлимларида, чўкувчан тупроқларда, мувофиқлаштирадиган ҳудудларда, сув тўсиқларидан, темир йўл остидан ва автоулов йўллари остидан ўтиш жойларида, хўжалик-ичимлик сув қувурлари кесишган ерларда, қувурлар механик шикастланиши мумкин бўлган жойларда, қувурларни эстакада таянчлари бўйича ётказишда ўзи оқар тармоқлар учун чўян қувурлар ҳамда босимли тармоқлар учун пўлат қувурларни қўллаш рухсат этилади.

2. Емирувчан муҳитда қувурларни ётказишда емирилишга чидамли қувурларни қўллаш лозим.

3. Пўлат қувурлар қўлланган ҳолатларда ташқи ва ички юзаларни емирилишдан ҳимоялашни назарда тутиш зарур. Пўлат қувурларнинг ташқи юзасини емирилишдан ҳимоя қилиш усуллари танлаш тупроқнинг емириш хусусиятлари ҳамда дайди тоқлар таъсирида емирилиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар билан асосланган бўлиши керак. Пўлат қувур ўтказгичларни ташқи емирилишдан ҳимоялашни ГОСТ 9.602-89 асосида назарда тутиш лозим.

Пўлат қувур ўтказгичларни ички емирилишини истисно қилиш мақсадида қувурларнинг ички юзасини емирилишга қарши лакбўёқ, рух ва бошқа емирилишга қарши қопламалар билан ҳимоялаш назарда тутилган бўлиши керак.

4. Барча турдаги пўлат ва темирбетон қувурли қувур ўтказгичларни лойиҳалашда емирилишдан электр кимёвий ҳимоясини қуриш имкониятини бериш учун ушбу қувурларни электр кимёвий ўтказувчанлигини узлуксиз таъминлаб берувчи чора-тадбирлар назарда тутилиши зарур.

4.10. Қувур асослари турларини тупроқ ва кучларни ўзини кўтариш қобилиятига кўра қабул қилиш зарур.

Қояли, сузувчан, балчиқли ва I тур чўкувчан тупроқлардан ташқари барча тупроқларда қувурларни бевосита текисланган ҳамда шиббаланган ҳандақлар тубига ётказишни назарда тутиш зарур.

Қояли тупроқларда қувурларни 10 см дан кам бўлмаган қалинликдаги маҳаллий кум ёки шағалсимон тупроқлардан тайёрланган асосларга, балчиқли ёки бошқа кучсиз тупроқларда – сунъий асосларга ётказишни эътиборга олиш зарур.

4.11. Зарур ҳолларда, босимли қувур ўтказгичлар қудуқларида зулфинлар, жўмрақлар, ўзақлар ва мувозанатлагичлар ўрнатишни инобатга олиш жоиз.

4.12. Босимли қувур ўтказгичларнинг чиқиш йўналиши бўйича 0,001 дан кам бўлмаган қиялик қабул қилиш лозим.

Чиқаришлар диаметрларини қувур ўтказгичлар қисмини 3 соат давомида бўшатиш шартига кўра белгилаш керак.

Бўшатилаётган қисмдан чиқарилаётган оқова сувларни четлатишни сув объектларига чиқариб ташламасдан, махсус бўлмалардан изчил сувоқова тармоқларига чиқариб олинишини ёки автоцистерналардан оқова сувларни ташишни назарда тутиш жоиз.

4.13. Босимли тик ёки ётиқ текисликдаги қувур ўтказгичлар бурилишларида пайдо бўладиган кучларни қувурлар чоклари қабул қилолмаса ШНК 2.04.02-97* га мувофиқ таянчларини эътиборга олиш керак.

КУЗАТУВ ҚУДУҚЛАРИ

4.14. Сувоқова тармоқларидаги барча тизимлардаги кузатув қудуқларида қуйидагиларни эътиборга олиш жоиз:

бирлаштирилган жойларда;

қувур ўтказгичлар йўналишларини ўзгариш ерлари, қияликлари ва диаметрлари;

тўғри чизикли қисмларда қувурлар диаметрларига кўра навбатдаги масофаларда: 150 мм – 35 м; 200-450 мм – 50 м; 500-600 мм – 75 м; 700-900 мм – 100 м; 1000-1400 мм – 150 м; 1500-2000 мм – 200 м; 2000 мм дан юқори – 250-300 м.

4.15. Маиший ва ишлаб чиқариш сувоқоваларининг қудуқлари ёки бўлмаларини тархдаги ўлчамларини D энг катта диаметрли қувурларга кўра қабул қилиш жоиз:

600 мм гача диаметрли қувур ўтказгичларда – узунлиги ва кенглиги 1000мм;

700 мм ва ундан ортиқ диаметрли қувур ўтказгичларда узунлиги $D + 400$ мм, кенглиги $D + 500$ мм.

Думалоқ қудуқлар диаметрларини қувур ўтказгичлар диаметрлари 600 мм гача– 1000 мм; 700 мм –1250 мм; 800-1000 мм – 1500 мм; 1200 мм – 2000 мм қабул қилинади.

***Эслатмалар:** 1. Бурилишлардаги қудуқларнинг тархдаги ўлчамларини уларда бурилиш новларини қандай жойлашганлик шароитларига кўра аниқлаш лозим.

2. 150 мм дан ортиқ бўлмаган диаметрли қувур ўтказгичларда, ётказилиш чуқурлиги 1,2 м гача бўлганда 700 мм диаметрли қудуқлар ўрнатиш рухсат этилади.

3. Ётказилиш чуқурлиги 3 м дан ортиқлигида қудуқлар диаметрини 1500мм кам қабул қилинмаслиги керак.

4.16. Қудуқларнинг ишчи қисми баландлигини (токча ёки майдончадан том ёпмагача) асосан, 1800 мм қабул қилиш зарур; қудуқ ишчи қисми баландлиги 1200 мм дан кам бўлганда улар кенглигини $D + 300$ мм га тенг, бироқ 1000 мм дан кам қабул қилинмаслиги рухсат этилади.

4.17. Қудуқларнинг ишчи қисмида қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

кузатув қудуғига тушиш учун пўлат ҳалқалар ёки осма нарвонлар ўрнатиш;

1200 мм дан ортиқ бўлган диаметрли қувур ўтказгичларда ишчи қисми 1500 мм дан юқори баландликда ишчи майдончасини 100 мм баландликдаги тўсқичлар билан тўсиш.

4.18. Кузатув қудуғи новлари токчаси катта диаметрли қувур юқори сатҳида жойлашган бўлиши керак.

700 мм ва ундан ортиқ диаметрли қувур ўтказгичлардаги қудуқларда ишчи майдончаларини новнинг бир томонида ва бошқа томонида 100 мм дан кам бўлмаган кенгликдаги токчани назарда тутиш рухсат этилади. 2000 мм дан ортиқ диаметрли қувур ўтказгичларда ишчи майдончаларини рафақларда ўрнатиш рухсат этилади, бунда новнинг очик қисмини ўлчамини 2000x2000 мм дан кам қабул қилинмаслиги лозим.

4.19. Ёмғир сувоқова қудуқларининг тархдаги ўлчамларини қуйидагича қабул қилиш лозим: 600 мм гача бўлган диаметрли қувур ўтказгичларда – 1000 мм диаметрли; 700 мм ва ундан ортиқ диаметрли қувур ўтказгичларда – думалоқ ёки тўғри бурчакли нов қисми узунлиги 1000 мм ва эни энг катта қувур диаметрига тенг.

Қудуқ новларининг токчалари фақат 900 мм гача диаметрли қувур ўтказгичларда, энг катта диаметрли қувурнинг ярим сатҳида инобатга олинishi керак.

700 дан 1400 мм гача диаметрли қувур ўтказгичлардаги ишчи қисмининг баландлигини новдан энг катта диаметрли қувурлар қабул қилиш жоиз, 1500 мм ва ундан ортиқ диаметрли қувур ўтказгичларда ишчи қисм эътиборга олинмайди.

Қудуқ новларининг токчалари фақат 900 мм гача диаметрли қувур ўтказгичларда, энг катта диаметрли қувурнинг ярим сатҳида инобатга олинishi керак.

4.20. Қудуқнинг бўйин қисми сувоқова тармоқларининг барча тизимларида диаметрини 700 мм қабул қилиш жоиз; бурилишлардаги қудуқларнинг бўйин ва ишчи қисмларининг ўлчамлари, шунингдек тўғри чизикли диаметри 600 мм ва ундан ортиқ қувур ўтказгич қисмларида 300-500 м ораликда тармоқларни тозалаш учун мосламаларни тушириш етарлилигини кўриб чиқиш лозим.

4.21. Қопқоқ ўрнатишда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур: такомиллашган қопламли йўлнинг қатнов қисми юзаси билан бир сатҳда; яшил минтақаларда ер юзасидан 50-70 мм юқори ва қурилишлар битмаган ҳудудларда ер юзасидан 200 мм юқори. Зарурат бўлган ҳолларда тўсикли қопқоқлар ўрнатишни кўриб чиқиш жоиз.

4.22. Ҳисобий сатҳи қудуқ тубидан юқорида бўлган сизот сувларининг мавжудлигида қудуқнинг туби ва деворларини сизот сувлари сатҳидан 0,5 м юқоригача намдан муҳофазалашни инобатга олиш зарур.

4.23. Кавлаб ёки тоғли усул билан ётқазиладиган тўплагич зовурларда қузатув кон ўзаклари ёки 0,9 м дан кам бўлмаган диаметри кон қудуқларини ўрнатишни назарда тутиш зарур. Қузатув кон ўзаклари ёки кон қудуқлари орасидаги масофа 500 м дан ошмаслиги керак.

4.24. Кон ўзакларини жиҳозлаш ер ости гидротехник иншоотлари қурилишларида хавфсизлик қоидалари ва кўмир, сланец ёки руда конлари учун хавфсизлик қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Қузатув кон қудуқларида қопқокли майдончалар назарда тутиш зарур, баландлиги бўйича оралиғи 6 м дан ортиқ бўлмаслиги керак, шундай металл нарвонлар ёки ҳалқалар ўрнатиш лозим. Қопқокнинг тархдаги ўлчами 600x700 мм бўлмаслиги ёки диаметри 700 мм дан кам бўлмаслиги керак.

ПОҒОНАЛИ ҚУДУҚЛАР

4.25. Поғонали қудуқларни қуйидагиларда назарга олиш жоиз:
қувур ўтказгичлар ётқазилган чуқурликни камайтириш учун;
оқова сувларни энг катта рухсат этилган ҳаракат тезлигини ошиб кетиши ёки ушбу тезликни кескин ўзгаришини олдини олишда;
ер ости иншоотлари билан кесишишида;
охирги сув ҳавзасидан олдинги қудуқдаги чиқаришларни сув босишида.

***Эслатмалар:** 1. 600 мм гача диаметри қувур ўтказгичларда сатҳлар фарқи 0,5 м гача баландликда бўлса, поғонали қудуқ ўрнатмасдан – қузатув қудуғига қуйиш йўли билан амалга ошириш рухсат этилади.
2. Поғонали қудуқлар диаметрини 1500 мм дан кам қабул қилинмаслиги керак.

4.26. Сатҳлар фарқи 3 м гача баландликдаги диаметри 600 мм ва ундан ортиқ қувур ўтказгичларда амалий кесимли тарнов кўринишида қабул қилиш жоиз.

Сатҳлар фарқи 6 м гача баландликдаги диаметри 500 мм гача бўлган қувур ўтказгичларда қудуқларда кесимлари узатувчи қувур ўтказгич кесимидан кам бўлмаган қувур кўринишида амалга ошириш лозим.

Қудуқларда қувурлар устида қабул қилувчи воронка, қувур остида – тубида металл тахтача бўлган сув йиғгич чуқурчаларни эътиборга олиш зарур.

Диаметри 300 мм гача бўлган қувур учун сув йиғгич чуқурча ўрнига йўналтирувчи тирсак ўрнатиш рухсат этилади.

4.27. Ёмғир сувоқова тўплагич зовурларида сатҳлар фарқи 1 м гача баландликдалигида тарнов туридаги поғонали қудуқларни, 1-3 м сатҳлар фарқида – бир панжарали сув тўплагич тури сув тўплагич тўсин (тахта)ларидан, сатҳлар фарқи 3-4 м бўлганда – икки сув тўплагич панжарали тўрларини эътиборга олиш рухсат этилади.

ЁМҒИР ҚАБУЛ ҚИЛГИЧЛАР

4.28. ГОСТ 26008-83 бўйича ёмғир қабул қилгичлар қуйидагиларда эътиборга олиш лозим:

- тушиш (кўтарилиш) тортқич қисмларида;
- юза сувлари оқими томонидан чорраҳаларда ва пиёдалар ўтиш жойларида;
- тушиш тортқич қисмларида, ниҳоясидаги пасайган жойларда;
- кўча новларининг аррасимон кесимидаги пасайган жойларда;
- юза сувлари оқимига эга бўлмаган кўчалар ҳовлилар ва хиёбон ҳудудлари жойларида.

Қатнов қисми текислигида тешиқ панжарали ётиқ оралиқ ёпмага эга бўлган ёмғир қабул қилгичлар билан бир қаторда пасайган ерларида, тик текислигида тешиқлари бўлган хошияли тошлар ва тешиқли ётиқ ҳамда тик аралаш турли ёмғир қабул қилгичларни қўллаш рухсат этилади.

Тортқич қисмлардаги узунасига қияликдаги ёмғир қабул қилгичларни ётиқ тешиқли қабул қилиш лозим.

4.29. Ётиқ тешиқли ёмғир қабул қилгичлар узунасига кесими аррасимон новларни пасайган ерларида ва узунасига қиялиги 0,005 дан кам бўлган қисмлар кичик тўғри бурчакли ёмғир қабул қилувчи панжара билан жиҳозланади.

Узунасига қиялиги 0,005 ёки ортиқ бўлган кўчалар қисмларидаги ётиқ тешиқли ёмғир қабул қилгичлар тушиш тортқич қисмлари ниҳоясида пасайган ерларда катта тўғри бурчакли панжара билан жиҳозланган бўлиши керак.

4.30. Новнинг узунасига аррасимон кесимидаги ёмғир қабул қилгичлар орасидаги масофа узунасига қиялиги ва узунасига қиялик йўналишини ўзгариш нуқтасидаги ҳамда ёмғир қабул қилгич ёнидаги новдаги сув чуқурлиги қийматига кўра белгиланади.

Бир йўналишли узунасига қиялиқли кўчалар қисмидаги ёмғир қабул қилгич панжаралар орасидаги масофа панжарадан олдинги новдаги оқим кенглиги 2 м дан ошмаслиги шартидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоблар орқали аниқланади.

4.31. Ёмғир қабул қилгичдан кузатув қудуғигача бирлаштириш узунлиги тўплагич зовурларда 40 м дан ошмаслиги керак, бунда биттадан ортиқ бўлмаган оралиқ ёмғир қабул қилгич ўрнатиш рухсат этилади. Бирлаштириш диаметри 0,02 қияликдаги ёмғир қабул қилгичга сувнинг ҳисобий оқими бўйича белгиланади, бироқ 200 мм дан кам бўлмаслиги керак.

4.32. Ёмғир қабул қилгичга бинонинг тарнов қувурларини, худди шундай зовур қувур ўтказгичларини бирлаштиришни эътиборга олиш рухсат этилади.

4.33. Сувоқованинг ярим бўлимли тизимларида чўкиндиқлар учун 0,5-0,7 м чуқурликдаги чуқурчали ва баландлиги 0,1 м дан кам бўлмаган гидравлик тўсиқли ёмғир қабул қилгичларни инобатга олиш жоиз.

4.34. Сувоқованинг бўлимли тизимларида чўкиндиқлар учун чуқурчасиз, силлиқ чизиқли тубли ёмғир қабул қилгичларни эътиборга олиш лозим.

4.35. Ариқларни берк тармоқларга бириктиришни тиндиргич қисмли қудуқлар орқали назарда тутиш жоиз.

Ариқларнинг бошида 50 мм дан ортиқ бўлмаган тешиқли панжараларни эътиборга олиш зарур: бирлаштиргич қувур ўтказгич диаметрини ҳисоб-китоблар бўйича қабул қилиш лозим, бироқ 250 мм дан кам бўлмаслиги керак.

ҚАЙНАМАЛАР

4.36. Қайнамақлар қувурларининг диаметрларини 150 мм дан кам қабул қилинмаслиги лозим.

4.37. Ҳовузлар ва сув оқимлари кесишишидаги қайнамақларни механик шикастланишдан ҳимояланган, кучайтирилган емирилишга қарши ихоталанган иккита ишчи қатордан кам бўлмаган пўлат қувурлар қабул қилиш зарур. Қайнаманинг ҳар бир қаторлари рухсат этилган босимни инобатга олган ҳолда ҳисобий сарфини ўтказишга текширилиши керак.

Икки қатордан бирини ҳисобий тезлигини (2.37 бандга қаралсин) таъминлолмайдиган оқова сувлар сарфида, заҳирага қабул қилиш жоиз (ишчи бўлмаган).

Хўжалиқ-ичимлик сув таъминоти ва балиқчилик хўжалиги мақсадларида фойдаланувчи сув объектлари орқали қайнамақлар лойиҳалари санитария-эпидемиологик хизмати ва балиқ заҳираларини асраш идоралари билан, кемалар сузадиган сув оқимлари орқали – Республика дарё флоти бошқармалари идоралари билан келишилган бўлиши керак.

Жарликлар ва курукроқ ерларнинг кесишишида носозлик ҳолларида бемалол қайнамақларга ўтиш шарти билан қайнамақларни бир-қаторда назарга олиш рухсат этилади.

4.38. Қайнамаларни лойиҳалашда қуйидагиларни қабул қилиш зарур:

кувур ўтказгичнинг лойиҳа белгисидан сув ости қисмида ётқазилиш чуқурлиги ёки қувур тепасигача сув оқимини тубни ювиш мумкинлиги – 0,5 м дан кам эмас, қайнаманинг чиқиш қисмидаги қиялик бурчаги- ётиқ томонга 20° дан ортиқ эмас;

қайнамалар қаторлари орасидаги масофа ёруғда ишни олиб бориш усулларини ҳисобга олган ҳолда 0,7 м дан кам эмас.

4.39. Қайнамаларнинг кириш ва чиқиш бўлмаларида, шунингдек носозлик чиқаришларда тўсқичлар назарда тутилиши керак. Носозлик чиқаришларни ўрнатиш Давлат санитария назорати ва Давлат табиат қўмитасининг маҳаллий идоралари билан келишилган ҳолда рухсат этилади.

Носозлик чиқаришлари тўсқичларида муҳрлаш учун қурилмалар назарга олинган бўлиши керак.

4.40. Сув объектларини қуйи қисмида жойлашган қайнамалар бўлмалари атрофидаги тархлаш белгисини 3% ли таъминланганлик билан сувнинг юқори сатҳидан 0,5 м баланд қабул қилиш лозим.

ЙЎЛДАН ЎТИШЛАР

4.41. Темир йўл ва автоулов йўлларида қувур ўтказгичларни ўтишини ШНК 2.04.02-97* 8.53-8.60 бандларига мувофиқ лойиҳалаш лозим.

ЧИҚАРИШЛАР, ЖАЛА СУВЛАРИНИ ЧЕТЛАТГИЧЛАР ВА ЖАЛА СУВЛАРИНИ ЧИҚАРГИЧЛАР

4.42. Сув объектларига чиқаришларни оқим гирдоблилиги юқори бўлган ерларда жойлаштириш жоиз (торайган жойларда, оқимларда, остоналарда ва бошқалар).

Сув оқимига тозаланган оқова сувларни чиқариш шароитларига кўра қирғоқли, ўзакли ёки тарқатувчи чиқаришларни қабул қилиш лозим. Тозаланган оқова сувларини денгизларга, сув ҳавзаларига чиқаришда, асосан чуқур сувли чиқаришларини эътиборга олиш зарур.

4.43. Ўзакли ва чуқур сувли чиқаришлар қувур ўтказгичларини кучайтирилган ихотали хандақларда ётқазилган пўлат ёки пластмасса қувурлар қабул қилиш зарур. Ўзакли, қирғоқли ва чуқур сувли чиқаришларнинг бош қисмини бетондан тайёрлашни эътиборга олиш жоиз.

Чиқаришлар қурилмаларини кемасозлик, сатҳлар тартиблари, тўлқинлар таъсири, шунингдек геологик шароитлар ва ўзақларни шакл ўзгариши талабларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш зарур.

4.44. Жала сувларини четлатгичлари қуйидаги кўринишларда эътиборга олиш лозим:

девор шаклидаги очқичли бош қисми чиқаришлар мустаҳкамланмаган қирғоқларда; тирагич девордаги тешиклар – соҳиллар мавжудлигида.

Маҳаллий шароитларга кўра сув объектларида сув сатҳининг даврий кўтарилиши ҳолларида ҳудудларни сув босишини олдини олиш учун махсус тўсқичлар назарга олиш зарур.

4.45. Жала сувларини чиқаришни сув сарфларини сув объектларига чиқариб ташланиши ҳисобга олинган тарновли бўлмалар кўринишидаги қурилмаларни қабул қилиш лозим. Тарнов қурилмаси тузилишлари маҳаллий шароитларга кўра аниқланиши керак (бош тўплагич зовур ёки оқимдаги жала сувларини чиқариш ўрин ҳолатлари, сув объектларидаги энг юқори сув сатҳи ва шунга ўхшашлар).

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ СУВОҚОВА ТАРМОҚЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

4.46. Саноат майдонларидаги ишлаб чиқариш сувоқовалари тармоқларининг сонини оқова сувлар таркиби, уларни сарфи ва ҳароратлари, сувни такрор ишлатиш имкониятлари,

маҳаллий тозалашнинг заруратлари ҳамда сув таъминлашнинг оқовасиз тизимларини курилишларига кўра аниқлаш зарур.

4.47. Оқова сувлар таркибига кўра саноат майдонларида сувоқова қувур ўтказгичларни очиқ ва ёпиқ сунъий ариқларда, новларда, ер ости йўлакларида, шунингдек эстакадаларда ётказиш рухсат этилади.

4.48. Таркибида емирувчан, учувчан захарли (ҳавога нисбатан газ ва буғнинг солиштирма оғирлиги 0,8 дан кам) ва портлаш хавфи бўлган моддалар оқова сувларни четлатувчи қувур ўтказгичлардан ер остидан ўтиш ташқи деворигача 3 м дан кам бўлмаган масофада қабул қилиш лозим.

Емирувчан оқова сувларни нақлиётловчи босимли қувур ўтказгичларни ташқарида ётказишда, уларни ўтишлар шамоллатиладиган ва ярим ўтишли сунъий ариқларда ётказиш керак. Ўтишсиз сунъий ариқларда кузатув қудуқлари ўрнатилган ҳоллардагина ётказиш рухсат этилади.

4.49. Таркибида учувчан захарли ва портлаш хавфи бўлган оқова сувлар қувур ўтказгичлардаги тўсқичлар, текширувчи ҳамда бирлаштирувчи қурилмалар учун кучайтирилган зичликни назарга олиш зарур.

4.50. Таркиби ва қуюқлиги, шунингдек ҳароратига кўра емирувчан ишлаб чиқариш оқова сувларини нақлиётлаш учун нақлиётланаётган моддалар таъсирига чидамли қувурларни қўллаш зарур.

4.51. Емирувчан оқова сувларни четлатиш учун мўлжалланган учи кенгайган қувурлар чокларини маҳкамлашни ушбу суюқлик таъсирига чидамли ашёларни назарда тутиш лозим. Маҳкам чокли қувур ўтказгичлар учун чўкиш имконияти бартараф этилган асосларни эътиборга олиш зарур.

4.52. Емирувчан оқова сувлар сувоқова тармоқларидаги иншоотлар суюқликлар ва уларнинг буғларини емирувчан таъсирдан муҳофазаланган бўлишлари керак.

4.53. Туршли оқова сувлар учун қудуқлар новларини туршга чидамли ашёлардан инобатга олиш лозим; бундай қудуқларда металл ҳалқалар ва нарвонлар ўрнатиш рухсат этилмайди.

Диаметри 500 мм гача бўлган қувур ўтказгичларда тўғри чизикли новларни ярим сопол қувур билан қоплашни кўриб чиқиш зарур.

4.54. Таркибида осон аланга олувчи ёнилғи ва портлашдан хавfli моддалар бўлган оқова сувларни бинолардан чиқишида гидравлик тўсқичли бўлмаларни эътиборга олиш зарур.

4.55. Ифлосланган оқова сувларни тартибли чиқариб ташлаш билан боғлиқ бўлмаган ёнилғилар, осон аланга олувчи ва захарли суюқликлар, туршлар, ишқорлар ва шунга ўхшашлар сақланадиган очиқ сифимлар майдонларидан ёмғир сувларини четлатишни меъёрий шароитларда сувни ёмғир сувоқова тизимларига йўналтиришга имкон берувчи, зулфинли тақсимлагич қудуқ орқали, сифим-сақлагичларда оқиш пайдо бўлганда эса, омбор хўжаликлари таркибига кирувчи технологик носозликларни қабул қилувчиларга йўналтиришни инобатга олиш жоиз.

ТАРМОҚЛАРНИ ШАМОЛЛАТИШ

4.56. Маиший ва умумий қотиштиргич сувоқовалари тармоқларини тортиб шамоллатишни бинонинг ички сувоқовалари қувурлари (мўрилари) орқали эътиборга олиш лозим.

4.57. Қайнамалар кириш бўлмаларида, кузатув қудуқларида (диаметри 400 мм дан ортик бўлган қувурларда сув оқими тезлигини кескин пасайган ерларида) ва оқова сув сарфи 50 л/с дан юқори ҳамда сатҳ фарқлари баландлик бўйича 1 м дан юқори поғонали қудуқларда маҳсус тортиш қурилмаларини назарда тутиш жоиз.

4.58. Айрим ҳолларда хос асосларга биноан тармоқларни сунъий тортиш шамоллатишларни лойиҳалаш рухсат этилади.

4.59. Таркибида учувчан захарли ва портлашдан хавfli моддалар бўлган оқова сувларни четлатувчи ташқи тармоқларни табиий тортиш шамоллатиш учун бинонинг ҳар бир чиқаришида 200 мм дан кам бўлмаган диаметрли тортиш мўриларини биноан иситиладиган

қисмларида эътиборга олиш зарур, бунда улар гидравлик тўсқичли ташқи бўлмаси билан боғлиқ бўлиши керак ҳамда томнинг энг баланд нуқтасидан 0,7 м дан кам бўлмаган баландликка чиқарилиши керак.

Чиқаришлар бирлашмайдиган тармоқлар қисмида тортиш мўриларини 250 м дан кам бўлмаган ораликда инобатга олиш зарур. Бинолар бўлмаганда мўриларни диаметрини 300 мм ва баландлигини 5 м дан кам қабул қилмаслик лозим.

4.60. Кавлаш ёки тоғли усуллар билан ётқазиладиган сувоқованинг тўплагич зовурларини шамоллатишни, асосан кон ўзаги устига ўрнатиладиган шамоллатиш бўлмалари орқали инобатга олиш лозим.

Шамоллатгич бўлмаларини кузатув кон кудуқлари устига ўрнатиш рухсат этилади.

ҚУЙИШ СТАНЦИЯЛАРИ

4.61. Сувоқовалаштирилмаган ҳудудлардан оқова сувларни қабул қилиш қуйиш станциялари орқали амалга оширилади.

4.62. Қуйиш станцияларини сувоқова тозалаш иншоотлари майдонлари билан бирга қўшилган ҳудудларда ёки диаметри 400 мм дан кам бўлмаган сувоқованинг тўплагич зовурлари яқинига жойлаштириш лозим, бунда қуйиш станциясидан тушаётган оқова сув миқдори тўплагич зовур бўйича умумий ҳисобий сарфни 20% дан ошмаслиги керак, оқова сувнинг ҳаракат тезлиги 0,7 м/с дан кам бўлмаслиги керак.

4.63. Қуйиш станциясидан келувчи оқова сув таркибида йирик механик аралашмалар, кум ва КБЭ _{тўлик} 1000 мг/л дан юқори бўлмаслиги керак.

4.64. Қўшимча сув миқдорини суяқ чиқиндилар миқдорига нисбатини 1:1 қабул қилиш жоиз. Қўшилган сувни умумий сарфидан қуйидагиларни назарга олиш лозим: 30% - наклиёт воситаларини брендспойтлар билан ювишга, 25% - сунъий ариқдаги қабул қилгич воронкада чиқиндиларни аралаштиришга ва 45% - панжаралар бўлимларига ҳамда қопламаларини барпо қилишга.

Сув қувур тармоқларидан сув узлукли оқим билан узатилиши керак.

5. НАСОС ВА ҲАВОПУРКАГИЧ СТАНЦИЯЛАРИ.

УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

5.1. Насос ва ҳаво пулкагич станциялари ишининг мустаҳкамлиги бўйича 20 жадвалда кўрсатилгандек уч тоифага бўлинадилар.

20 жадвал

Ишларини мустаҳкамлиги тоифалари	Насос станциялари иш тартибининг тавсифи
Биринчи	Оқова сувларни узатишда узилиш ёки пасайишларга йўл қўймайдиган: ҳаво пулкагич станциялар
Иккинчи	Оқова сув узатишда 6 соатдан ортиқ бўлмаган узилишга рухсат этувчи
Учинчи	Оқова сув узатишда бир кеча-кундуздан ортиқ бўлмаган узилишга рухсат этувчи.
*Эслатма. Ишлаб чиқариш технологик шароитларининг 1.8 банд талабларини ҳисобга олишда ёки 5000 кишилиқ аҳолиси бўлган аҳоли яшайдиган жойларда бир кеча-кундуздан ортиқ бўлмаган вақт ичида сув таъминотини тўхтатилиши, насос станциялари ишларидаги узилиш иккинчи ва учинчи тоифали бўлиши мумкин.	

5.2. Насос ва ҳаво пуркагич станцияларини йиғиш, машиналар залларини ўлчамларини аниқлаш, кўтарма-нақтиёт жиҳозлари, насос агрегатларини, ўзакларини ҳамда қувур ўтказгичларни жойлаштириш, машиналар залларини сув босишига қарши тадбирларига талабларни ШНК 2.04.02-97* га биноан қабул қилиш жоиз.

5.3. Таркибида ёнилғи, осон аланга олувчи, портлашдан хавfli ва захарли моддалар бўлган ишлаб чиқариш оқова сувларини тортиб олиш учун насос станцияларини лойиҳалашда ушбу меъёрдан ташқари мувофиқ равишда тармоқлар меъёрлари, кўрсатмалари, қўлланмалари, шунингдек электр қурилмаларини тузилиши қоидаларини (ЭҚТК) инобатга олиш лозим.

НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ

5.4. Насослар, ускуналар ва қувур ўтказгичларни оқова сувларнинг ва чўкиндиларнинг ҳисобий оқими ҳамда физик-кимёвий ҳусусиятлари, кўтарилиш баландликларига кўра ҳамда насослар ва қувур ўтказгичлар тавсифини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек объектни ишга туширилиш кетма-кетлигини инобатга олган равишда танлаш лозим. Заҳира насослар сонини 21 жадвал бўйича қабул қилиш жоиз.

***Эслатмалар.** 1. Ёмғир сувларини тортиб чиқариш учун насосларнинг қувватини тармоқларнинг белгиланган бир қарра тўлиб-тошиш даврида ва оқимни созлашда пасайган ҳудудларни сув босмаслигини инобатга олиб, қабул қилиш зарур.

2. Сувоқова балчиқларини, чўкиндиларини ва кумларни тортиб чиқариш учун гидроэлеватор ҳамда эрлифт қурилмаларини қўллаш рухсат этилади.

3. Биринчи тоифа насос станцияларида икки манбадан электр билан таъминлаш имкониятлари бўлмаса, ишлаб чиқариш сувларини тортиб чиқариш учун ички ёнув иссиқлик двигателли заҳира насос агрегатлари ва шу кабиларни ўрнатиш рухсат этилади.

4. Чуқурлаштирилган насос станциялари қувватлари келажакда оширилиш зарурати бўлганда, насосларни катта қувватли насослар билан алмаштириш имкониятларини ёки қўшимча насослар учун эҳтиёт пойдеворлар ўрнатишни эътиборга олиш рухсат этилади.

21 жадвал

Маиший ва таркиби бўйича унга яқин ишлаб чиқариш оқова сувлари				Емирувчан оқова сувлар	
Насослар сони					
ишчи	Насос станциялари ишларининг қуйидаги мустаҳкамлик тоифаларидаги заҳиралари			ишчи	Насос станциялари ишларининг мустаҳкамлигини барча тоифаларидаги заҳиралар
	биринчи	иккинчи	учинчи		
1	омборда 1 ва 1	1	1	1	омборда 1 ва 1
2	омборда 1 ва 1	1	1	2-3	2
3 ва ундан ортиқ	2	2	омборда 1 ва 1	4	3
–	–	–	–	5 ва ундан ортиқ	50% дан кам эмас

***Эслатмалар.** 1. Ёмғир сувоқоваларининг насос станцияларида, асосан, носозликдаги ёмғир сувларини сув объектларига чиқариб ташлаш имкони бўлмаган ҳоллардан ташқари, заҳира насосларини эътиборга олиш талаб этилмайди.
2. Қувватни ошиши билан боғлиқ бўлган қайта тиклашларда маиший ва таркиби бўйича унга яқин ишлаб чиқариш оқова сувларини тортиб чиқариш учун учинчи тоифали насос станцияларида заҳира агрегатларини ўрнатмаслик рухсат этилади, бунда уларни омборларда сақлашни эътиборга олинади.

5.5. Маиший ва юза оқова сувларини тортиб чиқариш насос станцияларини алоҳида қурилган биноларда жойлаштириш лозим.

Ишлаб чиқариш оқова сувларини тортиб чиқариш насос станцияларини ишлаб чиқариш бинолари блокида ёки ишлаб чиқариш хоналарида жойлаштириш рухсат этилади. Насос станцияларининг умумий машиналар залида таркибида ўт олувчи, енгил алангаланувчи, портлашдан хавфли ва учувчан захарли моддалар бўлган оқова сувлардан ташқари турли тоифали оқова сувларни тортиб чиқариш учун насосларни ўрнатишни эътиборга олиш рухсат этилади.

Оқова сувларни тозалаш станцияларининг ишлаб чиқариш хоналарида маиший оқова сувларини тортиб чиқариш насосларини ўрнатиш рухсат этилади.

5.6. Насос станцияларининг улагич тўпловчи зовурларида ер юзасидан бошқариладиган симли тўсқич қурилмаларини эътиборга олиш лозим.

5.7. Асосан, ҳар бир насосга мустақил сўрувчи қувур ўтказгични назарда тутиш жоиз

5.8. Биринчи тоифали насос станцияларидан босимли қувур ўтказгичлар сонини иккитадан кам қабул қилинмаслиги зарур, улар орасида ўчириб-ёқиш қурилмалари зарур бўлган ҳолларда оралиғидаги масофани носозлик шароитида биттасидан ҳисобий сарфини 100% ни ўтишини таъминланиш шартига кўра аниқлаш лозим, бунда захира насосларидан фойдаланишни эътиборга олиш жоиз.

Иккинчи ва учинчи тоифали насос станциялари учун битта босимли қувур ўтказгични инobatга олиш рухсат этилади.

5.9. Насосларни, асосан, қуйилишлар остига ўрнатиш зарур. Насос қобиғини сиғимдаги оқова сув ҳисобий сатҳидан юқори жойлашган ҳолларда насосни ишга туширишни таъминловчи тадбирларни кўриб чиқиш лозим. Шлам ва балчиқларни тортиб чиқариш насосларини фақат қуйилиш остига ўрнатишини назарда тутиш жоиз.

5.10. Сўрувчи ва босимли қувур ўтказгичлардаги оқова сувлар ёки чўкиндилар ҳамда балчиқлар ҳаракатининг тезлиги муаллақларни чўкишини бартараф этиш керак. Маиший оқова сувлар учун 2.34 банддаги, чўкиндилар ва балчиқлар учун 2.38 банддаги талабларга мувофиқ кичикроқ тезлик қабул қилиш лозим.

5.11. Шламлар ёки балчиқлар учун насос станцияларида ютувчи ва босимли қувур ўтказгичларни ювиш имкониятларини кўриб чиқиш зарур.

Айрим ҳолларда шлам ўтказгичларни механик тозалаш воситаларини эътиборга олиш рухсат этилади.

5.12. Насос станцияларининг қабул қилиш сиғимларида насосларни ифлосланишдан муҳофазалаш зарурати бўлганда, механизациялаштирилган ҳаскашли панжаралар ёки майдалагич-панжараларни назарда тутиш лозим.

Чўкиндилар миқдори $0,1 \text{ м}^3/\text{сут}$ дан кам бўлганда, қўлда тозаланадиган панжарадан фойдаланиш рухсат этилади. Панжара тирқишининг кенглигини ўрнатилаётган насослар ўтиш кесим диаметридан 10-20 мм кам қабул қилиш зарур.

Механизациялаштирилган ҳаскашли панжараларни ёки майдалагич-панжараларни ўрнатишда захирадаги панжаралар сонини 22 жадвал бўйича қабул қилиш зарур.

22 жадвал

Панжаралар тури	Панжаралар сони	
	ишчи	захира
Механизациялаштирилган ҳаскашли ва тирқишлар кенглиги, мм: 20 дан юқори	1 ва ортиқ	1
	3 гача	1
	3 дан юқори	2
Майдалагич-панжаралар: қувур ўтказгичда ўрнатиловчи:	3 гача	1 (қўлда тозалаш)

Сунъий ариқларда	3 гача 3 дан юқори	1 2
Қўлда тозалаш билан	1	—

5.13. Майший оқова сувлардан панжараларда тутилиб қоладиган чиқиндилар миқдорини 23 жадвал бўйича қабул қилиш лозим. Чиқиндиларнинг ўртача зичлиги – 750 кг/м^3 , соатдаги келиб тушиш нотекислиги коэффиценти - 2.

23 жадвал

Панжара тирқишининг кенглиги, мм	1 кишига панжарадан олиб ташланадиган чиқиндилар миқдори, л/йил
16-20	8
25-35	3
40-50	2,3
60-80	1,6
90-125	1,2

5.14. Энг катта оқимда панжара тирқишларидаги оқова сув ҳаракатининг тезлигини механизациялаштирилган панжара тирқишларида $0,8-1 \text{ м/с}$, майдалагич-панжаралар тирқишларида – $1,2 \text{ м/с}$ қабул қилиш лозим.

5.15. Механизациялаштирилган панжараларда чиқиндиларни майдалайдиган қурилмаларда майдаланган чиқиндиларни олдин ёки 6.19 банд талабларига биноан зич беркитилган қутилар қурилмаларидан олдин узатишни назарда тутиш зарур.

Чиқиндилар миқдори 1 т/сут дан юқори бўлганда ишчи панжарадан ташқари, эҳтиёт панжараларини инобатга олиш керак.

5.16. Панжаралар атрофи қуйидаги кенгликлардан кам бўлмаган ўтиш билан таъминланган бўлиши керак:

механизациялаштирилган ҳаскашли – $1,2$ (олд томонда – $1,5$);

қўл билан тозалашда – $0,7$;

сунъий ариқларда ўрнатиладиган майдалагич панжараларда – 1 .

Чуқурлаштирилган насос станцияларда қувур ўтказгичларда майдалагич-панжараларни деворга $0,25 \text{ м}$ дан кам бўлмаган масофада ўрнатиш рухсат этилади.

5.17. Машиналар зали билан бир бинода биргаликда қабул қилгич сиғим ва панжаралар яхлит сув ўтказмайдиган пардевор билан ажратилган бўлиши керак. Машиналар зали ва панжаралар хоналари орасидаги эшик билан боғланиш, фақат бинони чуқурлаштирилмаган қисмида, тармоқларни сув босганда машиналар залига панжаралар хонасидан оқова сувларни оқиб киришини баргараф этувчи тадбирлар таъминланганда рухсат этилади.

5.18. Насос станцияларининг қабул қилиш сиғимларининг ҳажмини оқова сувлар оқими, насослар қуввати ва электр ускуналари ёқилгандаги рухсат этилган тебранишларга кўра аниқлаш жоиз, бироқ насослардан бирининг энг катта 5 дақиқали қувватидан кам бўлмаслиги лозим.

100 минг.м³/сут дан юқори қувватли насос станцияларининг қабул қилувчи сиғимларида умумий ҳажми оширмасдан, икки бўлимни эътиборга олиш зарур.

Изчил ишловчи насос станцияларининг қабул қилиш сиғимлари ҳажмини уларни биргаликда ишлаш шароитларига кўра аниқлаш лозим. Айрим ҳолларда бу ҳажмини босимли қувур ўтказгични бўшатиш шароитларига кўра аниқлаш рухсат этилади.

5.19. Оқова сувларни тозалаш станциялари чегарасидан чўкиндиларни тортиб чиқаришда балчиқли станциялар сиғимларининг ҳажмини, насосни 15 дақиқали тинимсиз иш шароитларига кўра аниқлаш зарур, бунда насосни иш вақтида тозалаш иншоотларидан тўхтовсиз тушаётган чўкиндилар ҳисобига уни камайтириш рухсат этилади.

Балчиқ насос станцияларининг қабул қилиш сиғимларини балчиқ ўтказгичларни ювадиган сув учун сиғим сифатида улардан фойдаланиш имкониятларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш рухсат этилади.

5.20. Қабул қилгич сиғимларда чўкиндиларни лойқалатиш ва сиғимларни ювиш қурилмаларини эътиборга олиш жоиз. Сиғим тубининг чуқурча томонига қиялигини 0,1 дан кам қабул қилинмаслиги лозим.

5.21. Аралашаишда заҳарли газлар, чўкувчан моддалар пайдо бўлиши мумкин бўлган ёки турли ифлосланганликлари билан оқова сувлар оқимини сақлаш зарур бўлган оқова сувларни қабул қилиш учун сиғимларда ҳар қайси оқим учун мустақил бўлимларни инобатга олиш лозим.

5.22. Таркибида ёнилғилар, осон оланга олувчи ва портлашдан хавfli ёки учувчан заҳарли моддалар бўлган ишлаб чиқариш оқова сувлари сиғимлари алоҳида қурилган бўлиши керак. Ушбу сиғимлар ташқи деворлардан насос станциялари биносигача масофа – 10 м дан бошқа ишлаб чиқариш биноларигача – 20 м дан умумий биноларгача – 100 м дан кам бўлмаслиги керак.

5.23. Ишлаб чиқариш емирувчан оқова сувларининг сиғимлари, асосан алоҳида қурилган бўлиши керак. Уларни машиналар залига жойлаштириш рухсат этилади. Оқова сувларни узлуксиз оқимида сиғимлар сони иккитадан кам бўлмаслиги керак. Даврий чиқаришларда битта сиғим эътиборга олиш рухсат этилади, бунда даврий чиқаришлар муддати таъмирлаш ишларини олиб бориш имкониятини таъминлаши керак.

5.24. Ишлаб чиқариш емирувчан оқова сувлари учун насос станциялари бинолари ва сиғимлар орасида сўрувчи қувур ўтказгичларни ётқизиш сунъий ариқлар ёки ер ости йўлақларида инобатга олиш лозим.

5.25. Оқова сувларини тортиб чиқарувчи насос станцияларида қувур ўтказгичлар ва ўзакларни асосан, пол юзаси устида ётқизишни назарга тутиш зарур.

Нақлиётланадиган емирувчан оқова сувларнинг қувур ўтказгичларини сунъий ариқларда ётқизиш рухсат этилмайди. Тўсқич ўзаклар сонини энг кам қабул қилиш жоиз.

5.26. Насос станцияларида, асосан маиший хоналарни (обжўйли ҳожатхоналар, душхоналар, кийим алмаштиргич хоналар) хизматчи ходимлар сонига ва ишлаб чиқариш жараёнлари гуруҳларига, шунингдек 24 жадвал бўйича ёрдамчи хоналарга кўра СНиП 2.09.04-87* га мувофиқ назарга олиш жоиз.

24 жадвал

Қуввати, м ³ /сут.	Хоналар юзаси, м ²		
	хизматхоналар	устахоналар	омборхоналар
5000 гача	–	–	–
5000 дан 15 000 гача	8	10	6
15 000 дан 100 000 гача	12	15	6
100 000 дан юқори	20	25	10

*Эслатмалар. 1. Корхоналар ва тозалаш иншоотлари майдонларида жойлашган насос станцияларидаги маиший ва ёрдамчи хоналар таркибини яқиндаги биноларда айрим ўхшаш хоналар мавжудлигига кўра аниқлаш лозим. Санитария маиший хоналарига эга

бўлган ишлаб чиқариш биноларидан насос станциялари 50 м дан ортиқ масофада жойлашган ҳолларда санитария бўлмаларини эътиборга олиш жоиз.
2. Доимий хизматчи ходимисиз бошқариладиган насос станцияларида хизматчилар хонасини инобатга олмаслик рухсат этилади.

ҲАВО ПУРКАГИЧ СТАНЦИЯЛАРИ

5.27. Оқова сувларни шамоллатиш учун ҳаво пуркагич станцияларини сиқилган ҳаво билан таъминловчи ва электр тақсимлаш қурилмаларига бевосита яқин ерлардаги тозалаш иншоотлари ҳудудларига жойлаштириш лозим.

5.28. Ҳаво пуркагич ускуналари иншоотларни шамоллатишни сиқилган ҳавога майдон эҳтиёжлари ва бошқалар инобатга олинган технологик ҳисоб-китоблари асосида танлаш керак.

5.29. Соатига 5000 м³ дан юқори ҳаво станциясининг қувватида ишчи агрегатлар сонини иккитадан кам қабул қилмаслик жоиз, кам қувватда битта ишчи агрегат қабул қилиш рухсат этилади.

Заҳира агрегатлар сонини ишчилар сони учтагача бўлганда – битта, тўртта ва ундан ортиғида иккита қабул қилиш лозим.

5.30. Ҳаво пуркагич биноларида ҳавони тозалаш ускуналари, тозалаш станцияларини ўз эҳтиёжлари учун насослар, шунингдек марказий бошқарув бўлимлари, тақсимлагич қурилмалар, трансформатор кичик станциялари, ёрдамчи ва маиший хоналарни жойлаштиришни назарда тутиш рухсат этилади.

5.31. Машиналар зали бошқа хоналардан ажратилган ва бевосита ташқарига чиқиш йўлига эга бўлиши керак.

Машиналар залининг тархдаги ўлчамларини ШНК 2.04.02-97*га биноан аниқлаш лозим.

5.32. Муҳит ҳавосини йиғиш учун қурилмаларни СНиП 2.04.05-91 га мувофиқ эътиборга олиш зарур.

Ҳавони тозалашни ўрамли ва бошқа сизгичларда назарга олиш лозим. Сизгичларни йиғиш қайта тикланишда айрим сизгичларни ўзгартириш учун ўчириш имконини таъминлаши керак.

Ишчи сизгичлар сони учтагача бўлганда битта заҳира, учтадан ортиқ бўлганда-иккита заҳира сизгич эътиборга олиш зарур.

Аэротенкларда тешиксимон қувурлардан фойдаланилганда, ҳавони тозаламасдан узатиш рухсат этилади.

5.33. Ҳаво ҳаракати тезлигини қуйидагича қабул қилиш жоиз, м/с: сизгичлар бўлимларида – 4 гача, туташув сунъий ариқларида – 6 гача, қувур ўтказгичларда 40 гача.

5.34. Ҳаво ўтказгичларни ҳисоб-китобини сиқилган ҳавони, уни ҳароратини ошишини ва иншоотларнинг айрим бўлимларида босимнинг энг кам фарқини таъминлаш заруратини эътиборга олган ҳолда ҳисоблаш лозим.

Аэротенкларди босим йўқолишини ҳисобий катталикларини қуйидагича қабул қилиш жоиз (ишлатиш давомида қаршилиқни ошишини ҳисобга олган ҳолда), кПа (м сув. уст.):

майда пуфакли аэраторлар учун – 7 (0,7) дан ортиқ эмас;

ўртача пуфакли, 3 м дан ортиқ чуқурлаштирилганлар учун, – 1,5 (0,15);

паст босимли аэрацияларда – 0,15-0,5 (0,015-0,05).

5.35. Тўрттадан ортиқ бўлимли аэротенкларда ҳаво пуркагич станцияларидан ҳаво узатишни иккитадан кам бўлмаган ҳаво ўтказгичлар бўйича эътиборга олиш зарур.

6. ТОЗАЛАШ ИНШООТЛАРИ

УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

6.1. Оқова сувларни тозалаш даражасини маҳаллий шароитларга кўра ва тозаланган оқова сувлардан ҳамда ишлаб чиқариш ёки қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун юза оқимларидан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш зарур.

Сув объектларига чиқариб ташланадиган оқова сувларнинг тозаланиш даражаси “Юза сувларини ифлосланишдан муҳофазалашнинг санитария қоидалари ва меъёрлари” ва “Юза сувларини оқова сувлар билан ифлосланишдан муҳофазалаш қоидалари”, санитар-гигиеник, шунингдек истеъмолчининг технологик талабларига жавоб бериши керак.

Худди шундай зарарсизлантирилган чўкинди оқова сувларидан ўғитлар ва бошқа мақсадлар учун фойдаланиш имкониятларини яратиш зарур.

Сув объектлари суви билан оқова сувларни аралаштириш ва қориштириш даражасини “Юза сувларни оқова сувлар билан ифлосланишдан муҳофазалаш қоидаларини қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар”га биноан аниқлаш лозим.

6.2. Майший ва ишлаб чиқариш оқова сувлар аралашмасидаги асосий ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган куюқлиги биологик тозалаш иншоотларига (ўртача кеча-кундузги намуна), шунингдек тозаланиш жараёнида уларни йўқотиш даражасини «Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли яшаш жойларида коммунал сувоқова тизимида ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрдан ортиқ ташлаганлиги учун товон тўлашни ҳисоблаш тартиби» (Вазирлар Маҳкамасининг 3.02.2010й. 11-сонли қарорига 1 илова) га биноан қабул қилиш лозим.

***Эслатмалар.** 1. Тозалаш иншоотларига тушувчи сув объектлари сувлари билан ифлослантирувчи моддаларни аралаштириш даражаси ва тозалаш самарадорлигини инобатга олган ҳолда сув объектлари сувида ифлослантирувчи моддаларни чегаравий рухсат этилган куюқлигини (ЧРЭК) таъминлаш имкони бўлмаса, маҳаллий тозалаш иншоотларини қуриш ҳисобига пасайтириш жоиз.

2. Майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларининг аралашмаси ичида биологик тозалаш иншоотларига кеча-кундузнинг ҳар қандай вақтида тушишида қуйидагилар бўлмаслиги зарур:

- водород ионининг (рН) куюқлиги 6,5дан кам ва 8,5 дан юқори;

- ҳарорати 6°Сдан паст ва 30°С дан юқори;

- сув манбаларига чиқарилувчи эриган тузлар умумий куюқлиги рухсат этилган чегарада аниқланган ҳисобидан ортиқ;

- Биологик тозалаш иншоотлари таркибига кўра КБЭ_{тўлик} 250-500 мг/л дан юқори (майший оқова сувлар учун КБЭ_{тўлик} қийматини КБЭ₂₀ тенг қабул қилиш жоиз);

- аралашмаган ёғлар, шунингдек қора мойлар ва катронлар;

- биологик қаттиқ ЮЖМ (биологик тозалаш иншоотларида амалий жиҳатдан оксидланмайдиган).

3. Ҳар бир 100 мг/л КБЭ_{тўлик} га биоген унсурлар таркиби 1 мг/л фосфорлар ва 5 мг/л азот N дан кам бўлмаслиги керак.

6.3. Кўп таркибли аралашмаларни оксидлашни ўртача тезлигини тажрибага оид маълумотлар бўйича қабул қилиш рухсат этилади.

6.4. Бир киши учун сувни ифлослантирувчи моддалар миқдорини майший оқова сувдаги уларни куюқлигини 25 жадвал бўйича қабул қилиш зарур. Ифлослантирувчи моддалар куюқлигини бир кишига солиштирма сув четлатишдан келиб чиққан ҳолда аниқлаш жоиз.

6.5. Оқова сувлар таркибидаги ифлослантирувчи моддалар куюқлигини сув қувурлар дастлабки сувдаги улар миқдорини, шунингдек оқова сувлар чўкиндиларини қайта ишлаш бўйича иншоотлардан ифлослантирувчи моддалар, чуқур тозалаш иншоотларини ювилган сувлардан ва шунга ўхшашларни ҳисобга олиш зарур.

25 жадвал

Кўрсаткич	Бир кишига ифлослантирувчи моддалар миқдори, г/сут.
Муаллақ моддалар	65
Тингдирилмаган суюқликнинг КБЭ _{тўлик}	75
Аммоний тузли азот N	8
Фосфатлар P ₂ O ₅	3,3
Жумладан ювувчи моддалардан	1,6
Хлорлар Cl	9
Сульфатлар	3,1

Юзаки фаол моддалар (ЮФМ)	2,5
ККЭ	87
Темир	0,7
Мойлар	20
Алюминий	0,1
Нефт маҳсулотлари	1,0
<p>*Эслатмалар. 1. Сувоковалаштирилмаган ҳудудларда яшовчи аҳолидан ифлослантувчи моддалар миқдорини 25 жадвалда кўрсатилган 33% қийматида ҳисобга олиш жоиз.</p> <p>2. Аҳоли яшайдиган жойлар сувоковасига саноат корхоналарининг маиший оқова сувларини чиқариб ташлашда, ишловчи ходимлардан қўшимча ифлослантувчи моддалар миқдори ҳисобга олинмайди.</p>	

6.6. Ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш ва уларни чўкиндиладини қайта ишлаш учун иншоотлар ҳисоб-китобларини ушбу меъёр, саноат тармоқларининг мувофиқ корхоналари, бинолари ва иншоотлари қурилишларини лойиҳалаш меъёрлари, илмий-тадқиқот институтларининг маълумотлари ҳамда ишлаётган иншоотлардан фойдаланиш тажрибаларига асосланиб бажариш лозим.

6.7. Оқова сувларни ҳисобий сарфини, тозалаш иншоотларига оқимни ҳудди насослар орқали узатгандек, шундай ўзи оқиб тушишини жадвалий йиғиндиси бўйича аниқлаш зарур.

6.8. Оқова сувларни биологик тозалаш иншоотларини ҳисоб-китобларини КБЭ_{тўлик} ифодаланган органик ифлосланганликни йиғиндисини келтириб чиқариш жоиз.

6.9. Ишлаб чиқариш ва маиший оқова сувларни биргаликда биологик тозалашда уларни ҳудди биргаликдагидек, шундай алоҳида механик тозалаш каби назарга олиш рухсат этилади.

Ишлаб чиқаришнинг портлашдан хавfli оқова сувлари учун, шунингдек ишлаб чиқариш оқова сувларини кимёвий ёки физик-кимёвий тозалаш зарурати бўлганда ва ишлаб чиқариш ҳамда маиший оқова сувлари чўкиндиладини турли усулларда қайта ишлашда, алоҳида механик тозалашни қўллаш жоиз.

6.10. Иншоотлар таркибини тозалашга келиб тушадиган оқова сувларининг тавсифи ва миқдори, уларни тозалашда талаб этиладиган даражалар, чўкиндиладини қайта ишлаш усуллари ҳамда маҳаллий шароитларга кўра танлаш лозим.

Механик тозалаш иншоотлари муаллақ чўкиндила умумий миқдорини 40-45% га, КБЭ_{тўлик} бўйича эса – на 20% га камайишини имконини беради. Аэротенк олди иншоотлари ва биокоагулянтларни қўллаганда ифлослантувчиларни тутиб қолиш самарадорлиги 20-25% га ортади.

Биологик тозалаш иншоотлари ифлослантувчилар куюқлигини:

- муаллақ чўкиндила бўйича 20 мг/л гача;
- КБЭ_{тўлик} бўйича 25-15 мг/л гача камайириш имконини беради;

Чуқур тозалаш иншоотлари ифлослантувчилар куюқлигини:

- муаллақ чўкиндила бўйича 6-3 мг/л гача;
- КБЭ_{тўлик} бўйича 4-6 мг/л гача пасайириш имконини беради.

6.11. Оқова сувларни тозалаш иншоотлари майдонларида асосан турар жой иморатларига нисбатан йилнинг илиқ давридаги ҳукмрон шамол учун шамол эсувчи томондан ва сув оқими бўйича аҳоли яшайдиган жойлардан қуйида жойлаштириш жоиз.

6.12. Майдонда иншоотларнинг жойлашиши қуйидагиларни таъминлаши керак:

- иншоотларни келгусида кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни оқилона ишлатишни ва қурилишларни навбатма-навбат амалга ошириш имкониятини;
- босимнинг барча йўқотишларини ва жойнинг қиялигидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда иншоотлар орқали ўтувчи оқова сувларнинг асосий оқимини ўз оқими билан ўтишини;
- ерости сувларини оқова сувлар билан ифлосланишини олдини олиш мақсадида оқова сувларни сизилишини кузатиш учун назорат қудуқларини жойлаштириш.

6.13. Тозалаш иншоотлари таркибида қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- иншоотларнинг айрим унсурлари орасида оқова сувлар ва чўкиндиларни бир текис тақсимлаш учун, шунингдек иншоотлар, сунъий ариқлар, қувур ўтказгичларни таъмирлашга ўчириш учун, бўшатиш ҳамда ювиш учун қурилмалар;

- оқова сувлар ва чўкиндиларни сарфларини ўлчаш учун қурилмалар;

- келиб тушувчи ва тозаланган оқова сувлар сифатини назорат қилиш учун аппаратлар ҳамда лаборатория жиҳозлари.

6.14. Сувоқованинг тозалаш иншоотларидаги барча технологик қувур ўтказгичлар ва новларни энг катта оний сарфини 1,4 коэффиценти билан ҳисоблаш лозим.

6.15. Ёрдамчи лаборатория хоналарини таркиби ва юзаларини 26 жадвал бўйича қабул қилиш зарур.

Кийим алмаштириш хоналари, душхоналар, санитария бўлмалари ва бошқалар таркиби ҳамда юзаларини хизматчи ходимлар сонига ва ишлаб чиқариш жараёнларини санитария гуруҳнинг тавсифларига кўра, ШНК 2.09.04-09 га биноан қабул қилиш жоиз.

26 жадвал

Хоналар	Тозалаш иншоотларининг қувватида минг.м ³ /сут, хоналар юзаси м ² .				
	1,4 дан 10 гача	10 дан 50 гача	50 дан юқори 100 гача	100 дан юқори 250 гача	250 дан юқори
Оқова сувларни назорати бўйича физик-кимёвий лаборатория:	20	25	25	40 (иккита хона 20 дан)	50 (иккита хона 25 дан)
Оқова сувлар чўкиндилари	–	–	15	15	20
Бактериологик лаборатория	–	20	22	33 (2 та хона 18 и 15 дан)	35 (2 та хона 20 ва 15дан)
Ўлчаш хонаси	–	6	8	10	12
Ювиш ва автоклав хонаси	–	10	12	15	15
Идишлар ва реактивлар сақлаш учун хоналар	6	6	12	15	20
Лаборатория мудирининг хонаси	–	10	12	15	20
Синов ашёлари учун хона	–	–	6	8	8
Маҳаллий бошқарув бўлими	Бошқарув ва автоматлаштириш тизимларига кўра белгиланади				
Станция бошлигининг хонаси	10	15	15	25	25
Техника ходими учун хона	10	15	20	25 (2 та хона 10 ва 15дан)	30 (2 та хона 15 дан)
Навбатчи ходим хонаси	8	15	20	25	25
Майда ускуналарни	10	15	20	25	25

жорий таъмири учун устахона					
Асбоблар устахонаси	15	15	15	20	20
Кутубхона ва архив	–	–	10	20	30
Хўжалик асбоб-ускуналари учун хона	–	–	6	8	8

***Эслатмалар.** 1. Ёрдамчи хоналарни бир бинога жойлаштириш жоиз.
 2. Насос ва ҳаво пуркагич станциялари биносига лабораторияларни жойлаштириш, бинолар деворига ускуналардан узатиладиган тебранишларни бартараф этиш чоралари қабул қилинган шароитлардагина рухсат этилади.
 3. Қуввати 1,4 минг. м³/сут дан кам станциялар учун хоналар таркиби ва юзаси маҳаллий шароитларга кўра белгиланади.

ОҚОВА СУВЛАРНИ МЕХАНИК ТОЗАЛАШ УЧУН ИНШООТЛАР

Панжаралар

6.16. Тозалаш иншоотлари таркибида 16 мм дан ортиқ бўлмаган тирқишли, тўғри бурчакли шаклдаги ўзақли панжаралар ёки майдалагич-панжараларни инobatга олиш лозим.

***Эслатма.** Тозалаш иншоотларига насослар олдида 16 мм дан ортиқ бўлмаган тирқишли панжаралар ёки майдалагичлар-панжаралар ўрнатилган насослар билан оқова сув узатиш ҳолларида панжараларни эътиборга олмаслик рухсат этилади, бунда;

босимли қувур ўтказгич узунлиги 500 м дан ошмаслиги керак;

насос станцияларидан панжараларда тугилиб қолган чиқиндиларни ташиб чиқариш назарда тутилади.

6.17. Панжаралар ва майдалагич-панжаралар сони, суюқликни тирқишдан ўтишдаги тезлиги, чиқиндиларни олиб ташлаш меъёрлари, ўрнатиладиган жиҳозлар орасидаги масофа ва шунга ўхшашларни 5.12-5.16 бандларга мувофиқ аниқлаш лозим.

6.18. Панжараларни чиқиндилардан тозалашни механизациялаш ва уларни майдалагичларга нақлиётлаш чиқиндилар миқдори 0,1 м³/сут ва ундан ортиқ бўлганда эътиборга олиш керак. Ундан кам миқдордаги чиқиндиларда панжараларни кўлда тозалаш қурилмалари билан ўрнатиш рухсат этилади.

6.19. Асосланган ҳолларда панжаралардан чиқиндиларни зич беркиладиган қопқоқли юк қутиларга йиғиш ва маиший ҳамда саноат қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлаш жойларига чиқариб ташлаш рухсат этилади.

6.20. Майдаланган чиқиндиларни тозалаш иншоотлари чўқиндилари билан бирга қайта ишлаш учун йўналтириш тавсия этилади.

6.21. Майдалагич-панжаралар биносиз сунъий ариқларда ўрнатиш рухсат этилади.

6.22. Панжаралар биноларига узатиш ва четлатиш сунъий ариқлари орқали хоналарга совуқ ҳаво киришини олдини олувчи тадбирлар кўриб чиқиш зарур.

6.23. Панжаралар бинолари полини сунъий ариқдаги оқова сувнинг ҳисобий сатҳидан 0,5 м дан кам бўлмаган равишда юқори жойлаштириш жоиз

6.24. Панжаралардаги босим йўқотишларни тоза панжаралардагидан 3 баробар кўп қабул қилиш лозим.

6.25. Панжаралар, майдалагичлар ва бошқа ускуналарни йиғиш ҳамда таъмирлаш учун ШНК 2.04.02-2014. га биноан кўтарма-нақлиёт қурилмаларини ўрнатишни инobatга олиш зарур.

Юк қутиларини силжитиш учун кўтарма-нақлиёт қурилмалари электр юритгичли бўлиши керак.

Қум тутқичлар

6.26. Тозалаш иншоотларининг қуввати 100 м³/сут дан юқори бўлганда қум тутқичларни эътиборга олиш зарур. Қум тутқичлар ва қум тутқичлар сонини иккитадан кам қабул қилинмаслиги жоиз, бунда барча қум тутқичлар ёки қум тутқич бўлимлари ишчи бўлиши керак.

Қум тутқичлар турларини (ётиқ, тангенциал, шамоллатишувчи) тозалаш иншоотларининг қуввати, оқова сувларни тозалаш тарзлари ва чўкиндиларни қайта ишлаш, муаллақ чўкиндилар тавсифи, йиғиш ечимлари ва шунга ўхшашларни инобатга олган ҳолда танлаш зарур.

6.27. Ётиқ ва шамоллатилувчи қум тутқичларни ҳисоб-китобларида улар узунлигини L_s , м, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$L_s = \frac{1000 K_s H_s v_s}{u_0}, \quad (18)$$

бу ерда: K_s – 27 жадвал бўйича қабул қилинувчи коэффициент;

H_s – қум тутқичнинг ҳисобий чуқурлиги, м, шамоллатувчи қум тутқичлар учун умумий чуқурликнинг ярмига тенг қабул қилинади;

v_s – 28 жадвал бўйича қабул қилинувчи оқова сув ҳаракатининг тезлиги, м/с;

u_0 – қумнинг гидравлик йириклиги, мм/с, тутилган қум зарраларини талаб этилувчи диаметрларига кўра қабул қилинади.

27 жадвал

Тутилувчи қум зарраларининг диаметри, мм	Қумнинг гидравлик йириклиги u_0 , мм/с	Қум тутқич турлари ва шамоллатилувчи қум тутқич кенглигини B чуқурлигига H нисбатига кўра K_s қиймати			
		ётиқ	шамоллатилувчи		
			$B:H = 1$	$B:H = 1,25$	$B:H = 1,5$
0,15	13,2	–	2,62	2,50	2,39
0,20	18,7	1,7	2,43	2,25	2,08
0,25	24,2	1,3	–	–	–

28 жадвал

Қум тутқич	Қумнинг гидравлик йириклиги u_0 , мм/с	Қуйилишда оқова сув ҳаракатининг тезлиги v_s , м/с,		Чуқурлиги H , м	Тутилувчи қум миқдори, л/киши.-сут.	Қум намлиги, %	Чўкинди таркибидagi қум, %
		энг кичик	энг катта				
Ётиқ	18,7-24,2	0,15	0,3	0,5-2	0,02	60	55-60
Шамоллатилувчи	13,2-18,7	–	0,08-0,12	0,7-3,5	0,03	–	90-95
Тангенциал	18,7-24,2	–	–	0,5	0,02	60	70-75

6.28. Қум тутқичларни лойиҳалашда 28 жадвал бўйича қум тутқичларни турли турлари учун умумий ҳисобий ўлчамларини қабул қилиш лозим:

а) ётиқ қум тутқичлар учун – энг кўп оқимда оқова сувлар оқиш давомийлиги 30 с дан кам эмас;

б) шамоллатилувчи қум тутқич учун:

тешикли қувурлардан шамоллатгичлар ўрнатиш-қум йиғиш учун новлар устидаги деворлардан бирининг узунлиги бўйича 0,7 H_s чуқурликда;

шамоллатиш жадаллиги – 3-5 куб.м/(кв.м-ч);

қум новига томон тубнинг кўндаланг қиялиги – 0,2-0,4;

сув қуйиш – қум тутқичда сув айланиши йўналиши билан мос тушиши;

чиқариш – сувга ботирилган;

бўлим кенглигини чуқурлигини чуқурликка нисбати – $B:H = 1:1,5$;

в) тангенциал қум тутқич учун:

кучлар – энг кўп сув оқимида 110 куб.м/(м²-с);

сув қуйиш – барча ҳисобий чуқурлиги бўйича тегиниш;

чуқурлиги – диаметрининг ярмига тенг;
диаметр –6 м дан ортиқ эмас.

6.29. Барча тур кум тутқичларда тутилган кумларни йўқотишда қуйидагиларни назарга олиш лозим:

қўлда – унинг ҳажми $0,1 \text{ м}^3/\text{сут}$ гача бўлганда;

механик ёки гидромеханик усуллар билан кумни чуқурчага нақлиётлаш ва изчил гидроэлеваторлар, кум насослари ва бошқа усуллар билан кум тутқич доирасидан четга чиқариб ташлаш-унинг ҳажми $0,1 \text{ м}^3/\text{сут}$ дан юқори бўлганда.

6.30. Кумни гидромеханик йўқотишда, ишлаб чиқариш сувларининг сарфи q_h , л/с, (кумли новга ётқазиладиган пурковчи қувур ўтказгич ёрдамида сув билан ювиш), қуйидаги ифода бўйича аниқлаш зарур:

$$q_h = v_h l_{sc} b_{sc}, \quad (19)$$

бу ерда: v_h – новда ювилган сувни чиқишдаги тезлиги, $0,0065 \text{ м/с}$ га тенг қабул қилинади;

l_{sc} – кум новининг узунлиги, кум тутқич узунлигидан кумли чуқурча узунлигини айириб ташлангандаги узунлигига тенг, м;

b_{sc} – кумли новнинг кенглиги, $0,5 \text{ м}$ га тенг.

6.31. Маиший оқова сувлари учун кум тутқичларда тутиб қолиндиған кумлар миқдорини $0,02 \text{ л/киши-сут}$, кум намлигини 60% , ҳажмий оғирлигини $1,5 \text{ т/м}^3$ қабул қилиш жоиз.

6.32. Кумли чуқурча ҳажмини кум тушишини икки кеча-кундузги ҳажмида ортиқ қабул қилинмайди, чуқурчанинг қия деворининг ётиқ томонга қиялиги - 60° дан кам эмас.

6.33. Кум тутқичдан узатилувчи кумларни қуритиш учун, $1-2 \text{ м}$ баландликдаги ғўлачалар билан тўсилган майдончаларни эътиборга олиш зарур. Майдончага тушадиган кучни, қуритилган кумки йил давомида даврий равишда ташиб туриш шароитларида йилига $3 \text{ м}^3/\text{м}^2$ дан ортиқ инобатга олинмаслиги лозим.

Йилига 3 м гача қалинликда кум тўкиладиган йиғичлардан фойдаланиш рухсат этилади. Кум майдончаларидан чиқадиган сувларни тозалаш иншоотлари бошланишига йўналтириш зарур.

Кумли майдончаларга нақлиётлар кириши учун $0,12-0,2$ қияликда нишаб йўл ётқазилар жоиз.

6.34. Кумни ювиш ва сувсизлантириш учун кумни изчил ташийдиган нақлиётга ортиш учун мослаштирилган ҳампалар ўрнатишни эътиборга олиш рухсат этилади. Ҳампаларни сифими $1,5-5$ -кеча-кундузги кум сақлашга ҳисобланиши керак. Кумларни ювиш самарадорлигини ошириш учун ҳампаларда диаметри 300 мм босимли сув циклонлари ва сув циклонли олдида босимли қуйқалар $0,2 \text{ Мпа}$ (2 кгс/см^2) аралашмаслигини қўллаш лозим. Кумли ҳампалардан чиқадиган зовур сувлари кум тутқичлар олдидаги сунъий ариқларга қайтарилиши керак.

Иқлимий шароитларга кўра ҳампалардан чиқадиган зовур сувлари кум тутқичлар олдидаги сунъий ариқларга қайтарилиши керак.

Иқлимий шароитларга кўра ҳампалар иситиладиган биноларга жойлаштирилиши ёки уни иситишни эътиборга олиш лозим.

6.35. Ётиқ кум тутқичлардаги оқова сувларни кум тутқичлардан чиқишидаги ҳаракат тезлигини доимий сақлаб қолиш учун кенг бўсағали тарновларни инобатга олиш жоиз.

Ўртачалаштиргичлар

6.36. Ишлаб чиқариш оқова сувларининг таркиби ва сарфларини ўртачалаш зарурати бўлса, ўртачалаштиргичларни эътиборга олиш жоиз.

6.37. Ўртачалаштиргичлар турларини (барботажли, механик қориштиргичли, қўп сунъий ариқли) ифлослантирувчи моддалар (даврийлик, ихтиёрий тебранишлар ва бир йўла

тўқишлар), қуюқлигининг тебранишлари тавсифларини, шунингдек муаллақ чўкиндилар хиллари ва миқдорини ҳисобга олган ҳолда танлаш лозим.

6.38. Ўртачалаштиргичлар бўлимлари сонини иккита кам қабул қилмаслик зарур, иккаласи ҳам ишчи бўлиши керак.

Оқова сувларда муаллақ чўкиндилар мавжуд бўлганда, уларни ўртачалаштиргичларда чўқишини бартараф этиш бўйича тадбирлар кўриб чиқиш лозим.

6.39. Барботирлаш ёки механик қориштиргичли ўртачалаштиргичлардаги оқовалар таркибида енгил учувчан захарли моддалар мавжуд бўлганда, оралиқ ёппа ва шамоллатиш тизимларини эътиборга олиш жоиз.

6.40. Барботаж турли ўртачалаштиргични таркибида гидравлик йириклиги 10мм/с гача бўлган, исталган тартибда қуйилишида 500 мг/л гача муаллақ чўкиндилар оқова сувларни ўртачалаштириш учун қўллаш зарур.

6.41. Бир йўла тўқишда ўртачалаштиргич ҳажмини W_z , м³, қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаш лозим:

$$W_z = \frac{1,3q_w t_z}{\ln \frac{K_{av}}{K_{av} - 1}} \quad K_{av} \text{ 5 гача}; \quad (20)$$

$$W_z = 1,3q_w t_z K_{av} \quad K_{av} = 5 \text{ ва ортиқ} \quad (21)$$

бўлганда

бу ерда: q_w – оқова сув сарфи, м³ /с;

t_z – бир йўла тўқиш давомийлиги, соат;

K_{av} – ўртачалаштириш учун талаб этилувчи коэффицент:

$$K_{av} = \frac{C_{max} - C_{mid}}{C_{adm} - C_{mid}}, \quad (22)$$

Бу ерда C_{max} – бир йўла тўқишдаги ифлосланиш қуюқлиги;

C_{mid} – оқова сувларини ифлосланганликнинг ўртача қуюқлиги;

C_{adm} – иншоотлар изчил ишлари шароитлари бўйича рухсат этиладиган қуюқлиги.

6.42. Даврий тебранишларда ўртачалаштиргич ҳажмини W_{cir} , м³, қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаш жоиз:

$$W_{cir} = 0,21q_w t_{cir} \sqrt{K_{av}^2 - 1} \quad K_{av} \text{ 5 гача}; \quad (23)$$

$$W_{cir} = 1,3q_w t_{cir} K_{av} \quad K_{av} = 5 \text{ ва ортиқ}, \quad (24)$$

бўлганда

бу ерда: t_{cir} – даврий тебранишлар вақти, соат;

K_{av} – (22) ифода бўйича аниқланувчи ўртачалаштирувчи коэффицент.

6.43. Ихтиёрий тебранишларда ўртачалаштиргич ҳажмини W_{es} , м³, қадамба-қадам ҳисоб-китоблари билан (изчил яқинлашиш усули билан) аниқлаш қуйидаги ифода бўйича амалга оширилади:

$$W_{es} = \frac{q_w (C_{en} - C_{ex}) \Delta t_{st}}{\Delta C_{ex}}, \quad (24)$$

бу ерда: Δt_{st} – 1 соатдан ортиқ қабул қилинмайдиган, вақтинча қадам ҳисоби;

ΔC_{ex} – жорий қадам ҳисобида ўртачалаштиргич чиқишида қуюқликни ўсиши (мусбат бўлгани каби манфий ҳам бўлиши мумкин), г/м³.

Ҳисоб-китобларни соатлар бўйича тебранишлар жадвалининг ноқулай қисмидан бошлаш лозим.

Агар ҳисоб-китоблар натижасида ҳосил бўлган Саҳ қаторлари технологик талабларини (масалан C_{ex} нинг энг катта қиймати бўйича), қондирмаса, ҳисоб-китобларни W_{es} ни орттирилган қийматида такрорлаш лозим. W_{es} ни бошланғич қийматини тахминлаш C_{ex} ни киришдаги тебранишларни умумий тавсифини баҳолашдан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур. Ўртачалаштиргичга киришда C_{en} тебранишлар жадвали ҳақиқий (берилган ишлаб чиқариш ёки айнан ўхшаш бўйича) ёки технологик топшириқ бўйича қабул қилиниши керак.

6.44. Барботаж турли ўртачалаштиргич юзаси бўйича оқова сувларни новлардаги оқим тезлиги 0,4 м/с дан кам бўлмаганда тешикли тублар ёки учбурчак тарновлар билан сунъий ариқлар ва узатувчи новлар тизимларидан фойдаланилган ҳолда энг текис тақсимланиши керак.

6.45. Барботирлаш сиғим узунасига қатъий ётиқ ётқазиладиган тешикли қувурлар орқали амалга ошириш лозим. Барботерларни девор олдида жойлашишида улардан қаршидаги деворгача бўлган масофани 1-1,5h, барботерлар оралиғини – 2-3h, ораликда жойлашишда барботер билан деворгача оралиқ 1-1,5h, қабул қилиш зарур, h барботерни ботирилганлик чуқурлиги. Ўртачалаштиргичда сувни чуқурлиги ўзгарувчанлигида h ни энг чуқур сатҳ бўйича қабул қилиш лозим.

6.46. Ҳисоб-китобларда қуйидагиларни қабул қилиш зарур:

девор олди барботерларда барботирлаш жадаллиги (бир айланма оқим яратувчи) – 1 м гача 6 м³/с, оралиқларида (икки айланма оқим яратувчи) – 1 м га 12 м³/соат;

девор олди барботерларда муаллақлар чўкишини олдини олиш учун барботирлаш жадаллиги 1 м га 12 м³/с гача, оралиқларида – 1 м га 24 м³/с гача;

барботер тешиқларида босим тушишлари – 1-4 кПа (0,1-0,4 м сув. ус.).

6.47. Механик қориштиргичли ўртачалаштиргични 500 мг/л дан юқори муаллақ чўкиндиляри бўлган оқоқа сувлар таркибини уларни исталган тартибда келиб тушишида ўртачалаштириш учун қўллаш лозим. Узатиш ўртачалаштиргич айланмаси бўйича тарновларда амалга оширилади.

6.48. Механик қориштиргичли ўртачалаштиргич ҳажми айнан барботаж турли ўртачалаштиргич сингари ҳисобланиши керак.

6.49. Сунъий ариқлар бўйича оқова сувларни берилгандек тақсимланишли кўп сунъий ариқли ўртачалаштиргичларни гидравлик йириклиги 5 мм/с гача бўлган, 500 мг/л гача куюқликдаги муаллақ чўкиндиляри оқова сувларни бир йўла тўкишни текислаш учун қўллаш жоиз.

6.50. Кўп сунъий ариқли ўртачалаштиргич ҳажмини W_{av} , м³, юқори куюқликдаги оқова сувларни бир йўла тўкишда, қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаш лозим:

$$W_{av} = \frac{q_w t_z K_{av}}{2}, \quad (26)$$

бу ерда: q_w – оқова сувлар сарфи, м³/с;

t_z – бир йўла тўкиш давомийлиги, соат;

K_{av} – ўрталаштирувчи коэффицент.

6.51. Тозалаш иншоотларига келиб тушадиган оқова сувларни ҳисобий сарфларини камайтириш учун, созловчи сиғимлар ўрнатиш руҳсат этилади.

6.52. Созловчи сиғимларни ўртачалаштиришни оширувчи ажратувчи сарфни бўлимли бўлма орқали оқова сувларни панжара ва кум тўскичга узатишдан олдин жойлаштириш жоиз.

6.53. Созловчи сиғимлар қурилмаларини энг кам қуйилиш соатларида тиндирилган сувни изчил иншоотга тозалаш учун чиқариб бериш ва чўкиндилярини йўқотиш учун хос қурилмалари бўлган бирламчи тиндиргичларга айнан ўхшаш қабул қилиш лозим.

6.54. Созланган энг мувофиқ ҳисобий сарф қийматини созлашдан кейинги нотекислик коэффиценти K_{reg} , созловчи сиғим ҳажмлари ва оқова сувларни тозалаш иншоотлари ва ёрдамчи иншоотлар (ҳаво пуркагич ва насос станциялари ва шунга ўхшашлар) ҳажмларининг қатор қийматларини танлай бориб, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари билан аниқлаш зарур.

6.55. Созлашдан сўнг нотекислик коэффиценти K_{reg} , қийматини танлаш, созлагич сиғим ҳажмини W_{reg} қуйидаги нисбат бўйича бажариш лозим:

$$\gamma_{reg} = \frac{K_{reg}}{K_{gen}}; \quad (27)$$

$$\tau_{reg} = \frac{W_{reg}}{q_{mid}}, \quad (28)$$

бу ерда: K_{gen} – оқова сувларни киришдаги нотекислигининг умумий коэффициенти;
 q_{mid} – оқова сувларни ўртача соатий сарфи.
 γ_{reg} ва τ_{reg} орасидаги боғлиқликни 29 жадвал бўйича қабул қилиш рухсат этилади.

29 жадвал

γ_{reg}	1	0,95	0,9	0,85	0,8	0,75	0,67	0,65
τ_{reg}	0	0,24	0,5	0,9	1,5	2,15	3,3	4,4

6.56. Оқова сувлар сарфини ва қуюқлигини ўртачалаштириш зарурати бўлганда, ўртачалаштиргич ҳажми ҳамда ифлослантирувчи чиқиндилар қуюқлигини кадамба-кадам ҳисоб-китоблар бўйича аниқлаш зарур.

Сув оғирлиги ҳажмини ΔW , м³, ва қуюқлигини ΔC , г/м³, ўсишида, навбатдаги кадамдаги ҳисоб-китобни қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$\Delta W = (q_{en} - q_{ex}) \Delta t; \quad (29)$$

$$\Delta C = \frac{q_{en} (C_{en} - C_{ex}) \Delta t}{W_{av}}, \quad (30)$$

Бу ерда: q_{en} , q_{ex} , C_{en} , C_{ex} – олдинги кадамдаги ҳисоб-китоблардаги оқова сувлар сарфи ва чўкиндилар қуюқлиги;

W_{av} – ҳисоб-китоб онидаги ўртачалаштириш ҳажми, м³.

Тиндиргичлар

6.57. Тиндиргичлар турини (тик, радиал, айланма йиғма-тақсимлагич қурилмалари, ётиқ, икки поғонали ва бошқалар) қабул қилинган оқова сувларни тозалаш, уларнинг чўкиндиларини қайта ишлашнинг технологик тарзлари, иншоотлар қувватлари, қурилишлар кетма-кетлиги, ишлатилаётган қувватлар сони, майдончанинг тузилиши ва юза шакли, геологик шароитлар, сизот сувлари сатҳи ва шу кабиларни инобатга олган ҳолда танлаш зарур.

6.58. Тиндиргичлар сонини қуйидагича қабул қилиш лозим: бирламчилар – иккитадан кам эмас, барча тиндиргичлар ишчи ҳисобланган шароитда энг кам сониде уларнинг ҳисобий ҳажмини 1,2-1,3 марта ошириш зарур.

6.59. Биологик тозалашдан кейинги иккиламчи тиндиргичлардан ташқари, тиндиргичларни ҳисоб-китобларини муаллақ чўкиндиларнинг тиндирилиш самараларини зарурлигини инобатга олган ҳолда, кинетик чўкиши бўйича олиб бориш жоиз, бунда:

Биологик тозалаш иншоотларига узатилувчи тиндирилган оқова сувлардаги муаллақ чўкиндиларнинг қуюқлиги 150 мг/л дан ошмаслиги керак; икки босқичли аэротенклар ва тўлиқ маъданланган балчикли аэротенкларга узатилувчи тиндирилган оқова сувлардаги қуюқлик меъёрланмайди;

Оқова сувларда 300 мг/л дан ортиқ муаллақ чўкиндилар мавжудлигида бирламчи тиндиришни жадаллаштиришни назарда тутиш жоиз.

Икки қаватли тиндиргичлар новларини 1,5 соат давомийлигида тиндирилиш шароитидан келиб чиқиб ҳисоблаш лозим.

Иккиламчи тиндиргичларни 6.170 бандга асосан ҳисоблаш жоиз.

6.60. Гидравлик йириклигини u_0 , мм/с, ҳисобий қийматини қуйидаги ифода бўйича тиндиргичнинг оқувчан қисми чуқурлигига тенг қатлам баландлигини лаборатория шароитида тажрибалардан келтириб чиқарилган тиндириш кинетик эгри чизиғи $\Theta = f(t)$, бўйича аниқлаш зарур:

$$u_0 = \frac{1000 H_{set} K_{set}}{t_{set} \left(\frac{K_{set} H_{set}}{h_1} \right)^{n_2}}, \quad (31)$$

бу ерда: H_{set} – тиндиргичдаги оқувчан қисм чуқурлиги, м;

K_{set} – тиндиргичдаги оқувчан қисм ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти;

t_{set} – тиндирилиш давомийлиги, лаборатория цилиндри қатлаидан h_1 олинган тозалаш самарасини берилганга мувофиқлиги билан, шаҳар оқова сувлари учун берилган қийматни 30 жадвал бўйича қабул қилиш рухсат этилади;

n_2 – даража кўрсаткичи, чўкиш жараёнида муаллақ чўкиндини агломерациясига боғлиқ, шаҳар оқова сувлари учун 2 чизма бўйича аниқлаш лозим.

***Эслатмалар.** 1. Таркибидаги ифлослантирувчи моддалар сувдан енгил (нефт маҳсулотлари, ёғлар, мойлар ва шунга ўхшашлар) бўлган оқова сувлар учун тиндиргичларни ҳисоб-китобларини қалқувчи заррачаларнинг гидравлик йириклигини ҳисобга олган ҳолда бажариш лозим.

2. Сувда мавжуд заррачалар сувдан оғир ва енгил бўлганда, ҳисобий қилиб энг кичик гидравлик йирикликдаги қабул қилинади.

3. Ишлаб чиқариш шароитларида оқова сув ҳарорати сув ҳароратидан фарқ қилан ҳолларда, қайсики кинетик тиндирилиш аниқланганда, тузатиш киритиш зарур:

$$u_0^t = \frac{\mu_{lab}}{\mu_{pr}} u_0, \quad (32)$$


бу ерда: μ_{lab} – лаборатория шароитида мувофиқ сув ҳароратида сувни ёпишқоқлиги;

μ_{pr} – ишлаб чиқариш шароитида мувофиқ сув ҳароратида сувни ёпишқоқлиги;

u_0 – заррачаларни гидравлик йириклиги, (31) ифода бўйича аниқланган, мм/с.

30 жадвал

Тиндирилиш самараси, %	Муаллақ чўкиндилар куюқлигида, мг/л, $h_1 = 500$ мм қатламда тиндирилиш давомийлиги t_{set} , с,		
	200	300	400
20	600	540	480
30	960	900	840
40	1440	1200	1080
50	2160	1800	1500
60	7200	3600	2700
70	—	—	7200



2 чизма. 1 – $\mathcal{E} = 50\%$; 2 – $\mathcal{E} = 60\%$; 3 – $\mathcal{E} = 70\%$ даги шаҳар оқова сувларидаги муаллақ чўкиндиларнинг дастлабки куюқлигига кўра даража кўрсаткичи n_2 нинг боғлиқлиги.
6.61. Тиндиргичларни асосий ҳисобий ўлчамларини 31 жадвал бўйича аниқлаш жоиз.

31 жадвал

Тиндиргич	Ҳажмдан фойдаланиш коэффициенти K_{set}	Тиндиргич қисмини ишчи чуқурлиги H_{set} , м	Эни B_{set} , м	Ишчи оқим тезлиги v_w , мм/с	Балчиқ чуқурлиги томон тубнинг қиялиги
Ётиқ	0,5	1,5-4	$\frac{2H_{set}}{5H_{set}}$	5-10	0,005-0,05
Радиал	0,45	1,5-5	–	5-10	0,005-0,05
Тик	0,35	2,7-3,8	–	–	–
Айланувчан йиғма-тақсимлагичли қурилмалари билан	0,85	0,8-1,2	–	–	0,05
Кириб чиқмайдиган оқим билан	0,65	2,7-3,8	–	$2u_0 - 3u_0$	–
Юпқа қаватли блоклар билан: оқимга қарши (тўғри оқимли)	0,5-0,7	0,025-0,2	2-6	–	–
Кесишув ишлари тарзи	0,8	0,025-0,2	1,5	–	0,005

***Эслагмалар.** 1. Коэффициент K_{set} тиндиргични гидравлик самарадорлигини белгилайди ва сув тақсимлагичлар ҳамда сув йиғич қурилмаларига боғлиқ; ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан кўрсатилади.
 2. Гирдобилик катталигини ташкил этувчи v_{tb} , мм/с, ишчи оқимга v_w мм/с, боғлиқлигида 32 жадвал бўйича аниқлаш жоиз.

32 жадвал

v_w , мм/с	5	10	15
--------------	---	----	----

v_{tb} , мм/с	0	0,05	0,1
-----------------	---	------	-----

6.62. Бир тиндиргични қувватини $q_{set}, m^3/соат$, иншоотларнинг берилган геометрик ўлчамлари ва оқова сувларни талаб этилган тиндириш самараларига кўра қуйидаги ифодалар бўйича аниқлаш лозим:

а) ётиқ тиндиргичлар учун

$$q_{set} = 3,6 K_{set} L_{set} B_{set} (u_0 - v_{tb}); \quad (33)$$

б) радиал, тик ва айланувчан йиғма тақсимлагич қурилмалари тиндиргичлар учун

$$q_{set} = 2,8 K_{set} (D_{set} - d_{en})(u_0 - v_{tb}); \quad (34)$$

в) кириб-чиқмайдиган оқимли тиндиргичлар

$$q_{set} = 1,41 K_{set} D_{set}^2 u_0; \quad (35)$$

г) кесишувишлари тарзида юпқа қават блокли тиндиргичлар учун

$$q_{set} = \frac{7,2 K_{set} H_{bl} L_{bl} u_0}{K_{dis} h_{ti}}; \quad (36)$$

д) худди шундай, оқимга қарши тарзда

$$q_{set} = 3,6 K_{set} H_{bl} B_{bl} v_w, \quad (37)$$

бу ерда: K_{set} – 31 жадвал бўйича қабул қилинувчи ҳажмдан фойдаланиш коэффициентини;

L_{set} – бўлимлар, бўлимлари узунлиги, м;

L_{bl} – юпқа қаватли блок (модули) узунлиги, м;

B_{set} – бўлимлар, бўлимлари эни, м;

B_{bl} – юпқа қаватли блок эни, м;

D_{set} – тиндиргич диаметри, м;

d_{en} – қуйишдаги қурилма диаметри, м;

u_0 – тутилган заррачаларнинг гидравлик йириклиги, мм/с, (31) ифода бўйича аниқланади;

v_{tb} – гирдобли ташкил этувчи, мм/с, тиндиргичдаги оқим тезлигига v_w , мм/с, кўра 32 жадвал бўйича қабул қилинади;

H_{bl} – юпқа қаватли блок баландлиги, м;

h_{ti} – юпқа қаватли блок (модули) қаватининг баландлиги, м;

K_{dis} – ажратилган заррачаларни бузиш коэффициентини, текис қатламларда 1,2 га, рифел қатламларда 1га тенг қабул қилинади.

6.63. Асосий қурилмалар ўлчамларини қуйидагича қабул қилиш лозим:

а) ётиқ ва радиал тиндиргичлар учун:

дастлабки сувни киритиш ва тиндирилганларни йиғиш – эни (айланмаси) бўйича киритиш ва йиғиш қурилмалари тиндиргичлар;

бирламчи тиндиргич учун аралашмас қатлам баландлиги – тубдан 0,3 м юқори (тиндиргичдан чиқишда), иккиламчи учун – 0,3 ва балчиқ қатлами чуқурлиги 0,3-0,5 м;

балчиқли чуқурчани нишаб деворининг бурчаги – 50-55°;

б) тик тиндиргичлар учун:

марказий қувурнинг узунлиги тиндириш минтақаси чуқурлигига тенг;

марказий қувурдаги ишчи оқим ҳаракатининг тезлиги – 30 мм/с дан ортиқ эмас;

оғзи кенгайган қувур диаметри – 1,35 қувур диаметрига тенг;

акс эттиргич диаметри – 1,3 оғзи кенгайган қувур диаметрига тенг;

акс эттиргич конуслигининг бурчаги – 146°;

оғзи кенгайган қувур ва акс эттиргич орасидаги ишчи оқим тезлиги 20 мм/с дан ортиқ эмас – бирламчи тиндиргичлар учун ва 15 мм/с дан ортиқ эмас – иккиламчи тиндиргичлар учун;

аралашмас қатлам баландлиги билан акс эттиргич пасти оралиғи ва чўкинди сатҳи – 0,3 м;

конусли тубни қиялик бурчаги – 50-60°;

в) кириб-чиқмайдиган кўтариладиган оқимли тиндиргичлар учун:

кириб-чиқмайдиган оқим минтақасининг майдони – кўтарилиш минтақаси майдонига тенг;

минтақаларни ажратиш турувчи пардеворлар баландлиги– $2/3H_{set}$ га тенг;

пардевор четининг юқори сатҳи – сув сатҳидан 0,3 м юқори, бироқ тиндиргич деворидан юқори эмас;

ўзгарувчан кесимли тақсимлагич нов-ажратувчи пардевор ичида. Новнинг бошланғич кесимини ҳисобий сарфни 0,5 м/с дан кам бўлмаган тезлик билан ўтишга, кесимни охирида эса – 0,1 м/с дан кам бўлмаган тезлик билан ўтишга ҳисобланиши лозим..

Сувни бир текисда тақсимланиши учун тақсимлагич тарнов четини учбурчакли тарнов кўринишида 0,5 м ораликда бажариш жоиз;

г) юпқа қатлам блокли тиндиргичлар учун – пластинкаларни қиялик бурчаги 45° дан 60° гача.

6.64. Тозалаш даражасини ошириш учун ёки фойдаланилаётган станциялар қувватини ошириш имкониятларини таъминлаш учун мавжуд тиндиргичлар (ётиқ, радиал, тик) юпқа унсурлардан ташкил бўлган блоklar билан тўлдирилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда блоklarни тиндиргичдан сув чиқишида, сув йиғич новдан олдинда жойлаштириш зарур.

6.65. Тиндирилишда ажраладиган чўкинди Q_{mud} , миқдорини келиб тушадиган сувдаги Сеп муаллақ чўкиндилар қуюқлигига ва тиндирилган сувдаги Сех муаллақ чўкиндилар қуюқлигига кўра аниқлаш жоиз:

$$Q_{mud} = \frac{q_w (C_{en} - C_{ex})}{(100 - \rho_{mud}) \gamma_{mud} \cdot 10^4}, \quad (38)$$

бу ерда: q_w – оқова сувлар сарф, м³/соат;

ρ_{mud} – чўкинди намлиги, %;

γ_{mud} – чўкинди зичлиги, г/см³=1.0

6.66. Ҳосил бўлган чўкинди ҳажми ва уни тиндиргичдаги йиғиш минтақасининг сигимида кўра чўкиндиларни ортиш вақти оралиғини аниқлаш лозим. Чўкиндиларни гидростатик босим остида йўқотишда бирламчи ва иккиламчи тиндиргичлар чуқурларини сигими биосизгичдан кейинги 2 кеча-кундузгидан ортиқроқ даврда ажралган чўкинди ҳажмига тенг, иккиламчи тиндиргич аэротенкдан кейинги чуқурча сигими – чўкиндини икки соатдан ортиқроқ туриб қолишига тенглигини инобатга олиш жоиз.

Чўкиндиларни механизациялашган равишда йўқотишда уни йиғиш минтақасининг сигими бирламчи тиндиргичларда 8 соатдан ортиқ бўлмаган давр ичида чўккан чўкинди миқдори бўйича қабул қилиш жоиз.

6.67. Чуқурчаларга чўккан чўкиндиларни кўчиришни механик усул билан ёки мувофиқ қия девор пайдо қилиш билан (50° дан кам эмас.) эътиборга олиш лозим.

6.68. Тиндиргич чуқурчасидан чўкиндиларни ўзи оқар, гидростатик босим остида, таркибидан кўп миқдорда муаллақ чўкиндилар бўлган суюқликни чиқариб бериш учун мўлжалланган насослар, сув элеваторлари, эрлифтлар, чўмичли элеваторлар, грейферлар ва шу кабилар билан йўқотишни назарда тутиш жоиз.

Маиший оқова сув тиндиргичларидан чўкиндиларни йўқотишда гидростатик босимни кПа (м сув.уст.) дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш зарур: бирламчиларда – 15 (1,5), иккиламчиларда – 12 (1,2) биосизгичлардан сўнг ва 9 (0,9) – аэротенклардан сўнг.

Маиший оқова сувлар чўкиндиларининг намлигини барча турдаги бирламчи тиндиргичлар учун ўзи оқиб йўқотишида 95% га ва плунжер насослар ёрдамида йўқотишда 93,5-94% га тенг қабул қилиниши лозим.

Ишлаб чиқариш оқова сувлари чўкиндиларининг намлигини тажрибалар маълумотлари бўйича қабул қилиш лозим.

Иккиламчи тиндиргичлар учун гидростатик босим баландлигини ўзгартириш имкониятларини кўриб чиқиш тавсия этилади.

Чўкиндиларни йўқотиш учун қувурлар диаметрини 200 мм дан кам қабул қилмаслик зарур.

6.69. Сув йиғгич қурилмасидан олдин қалқувчан ифлослантиргич моддаларни тутиб қолиш учун ярим ботирилган пардеворлар ва сув юзасида йиғилган моддаларни йўқотишни эътиборга олиш лозим.

Пардеворлар ботирилган чуқурлиги сув сатҳидан 0,3 м дан кам бўлмаган ҳолда паст бўлиши керак.

Тиндиргич ён деворларининг баландлиги сув юзасидан 0,3 м юқори қабул қилиниши жоиз.

6.70. Сув қабул қилгич новлар юпқа деворли тарновлар билан жиҳозланган бўлиши керак. Тарновни новга маҳкамлаш уни баландлик бўйича созлаш имконини таъминлаши лозим. Тарновнинг чети тўғри ёки учбурчак қирқимли бўлиши мумкин. Тарновни 1 м га тушадиган куч 10 л/с дан ошмаслиги керак.

Икки қаватли тиндиргичлар ва тиндиргич-чиритгичлар

6.71. Икки қаватли тиндиргичларни якка ёки жуфт ҳолда эътиборга олиш жоиз. Жуфт тиндиргичлардаги чўкиндилар тарновларида оқова сувлар ҳаракати йўналишларини ўзгартириш имкониятларини таъминлаши лозим.

6.72. Икки қаватли тиндиргичларни 6.57-6.59, 6.65-6.70.бандларга биноан лойиҳалаш жоиз. Бунда қуйидагиларни қабул қилиш лозим:

Чўкиндиларни қалқиб чиқиши учун сув кўзгусида эркин юза – тиндиргични тархдаги юзасини 20% дан кам эмас;

қўшни чўкинди тарновлари деворлари орасидаги масофа – 0,5 м дан кам эмас;

ётиқ томонга чўкинди тарновининг нишаб девори - 50° дан кам эмас; деворлар бири бошқасини 0,15 м дан кам бўлмаган ҳолда беркитиши керак;

чўкиндилар тарновининг чуқурлиги – 1,2-2,5 м, чўкиндилар тарнови тирқишининг кенлиги – 0,15 м;

аралашмайдиган қатламнинг тарнов тирқишидан септик бўлинмасидаги чўкинди сатҳигача баландлиги – 0,5;

септик бўлма тубини конус қиялиги 30° дан кам эмас;

йўқотиладиган чўкинди намлиги – 90%;

кулсиз моддаларни чўкиндига тўкилиши – 40%;

муаллақ чўкиндиларни тутилиш самарадорлиги– 40-50%.

6.73. Икки қаватли тиндиргичларнинг септик бўлмасини сиғимини 33 жадвал бўйича аниқлаш жоиз.

6.74. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 9°C гача бўлганда 500 м³/сут гача ўтказувчанлик қобилияти бўлган икки қаватли тиндиргичлар иситилмайдиган хоналарга жойлаштирилган бўлиши керак.

6.75. Тиндиргич – чиритгичларни табиий шамоллатишли тиндиргичдан ташкил топган, умумий марказга эга бўлган чиритгич ичига жойлаштирилган аралаш иншоотлар кўринишида лойиҳалаш лозим.

33 жадвал

Оқова сувларнинг ўртача қишки ҳарорати, °С	6	7	8,5	10	12	15	20
Септик бўлмаларнинг сиғими, л/киши-йил	110	95	80	65	50	30	15

*Эслатмалар. 1. Икки қаватли тиндиргичларнинг септик бўлмаларини сиғими унга аэротенклардан тўлиқ тозалаш учун балчиқ узатилишида ва юқори тўлдирилганликдаги биосизгичларда 70% га; ҳамда томчили биосизгичлардан ва аэротенклардан сўнг тиндиргичлардан тўлиқсиз тозалашга балчиқ узатишда 30% га оширилиши керак. Балчиқ тарнов тирқишидан 0,5 м паст чуқурликда қуйилиши керак.

2. Икки қаватли тиндиргичларни септик бўлмалари сиғимини оқова сувларни сизгичлаш майдонида

узатишда 20% дан кўп бўлмаган миқдорга камайтириш рухсат этилади.

6.76. Тиндиргичларни ички флокуляция бўлмали, тақсимлагич сиғимдаги ва тиндиргичдаги сув сатҳининг фарқи ҳисобига табиий шамоллатилишли тик тиндиргичлар кўринишида лойиҳалаш лозим.

Тиндиргичларни лойиҳалашда қуйидагини қабул қилиш зарур:

тиндиргич диаметри – 9 м дан ортиқ эмас;

тақсимлагич сиғимдаги ва тиндиргичдаги сув сатҳларининг фарқи – робиталарда босим йўқотишни ҳисобга олмаганда 0,6 м; флокуляция бўлмасининг сиғими – унда оқова сувларни туриш вақти 20 дақиқадан ортиқ эмас;

флокуляция бўлмасининг чуқурлиги – 4-5 м;

тингдирилиш минтақасида сув ҳаракатининг тезлиги – 0,8-1,5 мм/с, марказий қувурда – 0,5-0,7 м/с;

флокуляция бўлмасининг қуйи кесимининг диаметри – ўртача тезликдан келиб чиққан ҳолда 8-10 мм/с;

флокуляция бўлмасининг пастки чети ва балчиқли қисмдаги чўкинди юзаси орасидаги масофа – 0,6 м дан кам эмас;

тиндиргич туби нишаблиги – 50° дан кам эмас;

муаллақ чўкиндилар бўйича ифлослантирувчи моддалар қуюқлигини пасайиши 70% гача ва КБЭ_{тўлик} бўйича – 15% гача.

6.77. Чиритгичларни лойиҳалашда қуйидагиларни қабул қилиш жоиз:

чўкиндиларни юклаш бир кеча-кундузги меъёри бўйича чиритгич сиғими – чўкиндининг намлиги ва оқова сувларни ўртача қишқи ҳароратига кўра;

чўкиндиларнинг бир кеча-кундузги меъёри – 34 жадвал бўйича;

тиндиргичнинг ташқи девори юзаси ва чиритгич деворининг ички юзаси орасидаги доирасимон бўшлиқ энини – 0,7 м дан кам эмас;

туб нишаби – 30° дан кам эмас;

қобикнинг гидромеханик усулда бузилишини – чўкинди юзасига 45° бурчакли нишабда остида найча орқали d чўкиндини босим остидаги доирасимон қувур ўтказгичда узатиш йўли билан.

34 жадвал

Оқова сувларнинг ёки чўкиндиларнинг ўртача ҳарорати, °С	6	7	8,5	10	12	15	20
Чўкиндиларни юклашнинг бир кеча-кундузги меъёри, %	0,72	0,85	1,02	1,28	1,7	2,57	5
<p>*Эслатмалар. 1. Бир кеча-кундузги юклаш меъёри чўкинди 95% намлиги учун кўрсатилан. 95% дан фарқланучи p_{mud} намлигида юклашни бир кеча-кундузги меъёри жадвалдаги қийматни қуйидаги нисбатга кўпайтириш билан аниқлаштирилади.</p> $\frac{5}{100 - p_{mud}}$ <p>2. Ишлаб чиқариш оқова сувлари чўкиндиларини юклашни бир кеча кундузги меъёри тажрибаларда белгиланади.</p>							

Септиклар

6.78. Септикларни ер ости сизишлар майдонларига қум-шағалли сизгичларга, сизгувчи ҳардақларга ва сизгувчи қудуқларга тушувчи оқова сувларни механик тозалаш учун қўллаш жоиз.

6.79. Септикни тўлиқ-ҳисобий ҳажмини қуйидагича қабул қилиш лозим: оқова сувлар сарфи $5 \text{ м}^3/\text{сут}$ гача бўлганда – 3 карра кеча-кундузги қуйилишдан кам эмас, $5 \text{ м}^3/\text{сут}$ дан юқори сарфларда – 2,5 каррадан кам эмас.

Септикларни кўрсатилган ҳисобий ҳажмларини уларни йилда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда тозалаш шартидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиш лозим.

Оқова сувларнинг ўртача кишки ҳарорати 10°C дан юқорилигида ёки бир кишига сув четлатиш меъёри $150 \text{ л}/\text{сут}$ дан юқорилигида септикни тўлиқ ҳисобий ҳажмини 15-20% га камайтириш рухсат этилади.

6.80. Оқова сувларнинг сарфига кўра қуйидагиларни қабул қилиш лозим: бир бўлмали септиклар $1 \text{ м}^3/\text{сут}$ гача оқова сувлар сарфида, икки бўлмали – 10 гача ва уч бўлмали $10 \text{ м}^3/\text{сут}$ дан юқорилигида.

6.81. Биринчи бўлма ҳажмини қуйидагича қабул қилиш лозим: икки бўлмали септикларда – 0,75, уч бўлмалида 0,5 ҳисобий ҳажми. Бунда иккинчи ва учинчи бўлмалар ҳажмини ҳисобий ҳажмининг 0,25 бўйича қабул қилиш жоиз.

Бетон ҳалқалардан йиғилган септиклардаги ҳажмларни тенг қабул қилиш лозим. Бундай септикларда қуввати $5 \text{ м}^3/\text{сут}$ дан юқори бўлганда бўлимсиз бўлмаларни эътиборга олиш жоиз.

6.82. Септиктан чиқаётган оқова сувларни зарарсизлантириш зарур бўлганда, тархдаги ўлчамларини $0,75 \times 1 \text{ м}$ дан кам бўлмаган туташув бўлмаларини қабул қилиш жоиз.

6.83. Туташув қувурлари новлари септикдаги суюқликнинг ҳисобий сатҳидан $0,05 \text{ м}$ дан кам бўлмаган равишда юқори жойлашган бўлиши керак. Сузувчи моддаларни тутиб қолувчи қурилмалар ва табиий шамоллатишни инобатга олиш зарур.

6.84. Бинолардан чиқаришлар септикларга кузатув қудуқлари орқали бириктирилиши керак.

Сув циклонлари

6.85. Оқова сувларни муаллақ чўкиндилардан механик тозалаш учун очиқ ва босимли сув циклонларини қўллаш рухсат этилади.

6.86. Очиқ сув циклонларини дағал майдаланган гидравлик йириклиги $0,2 \text{ мм}/\text{с}$ дан юқори бўлган ва коагулянтланган чўкиндиларни қалқувчан ва чўкувчанларни ажратиш учун қўллаш зарур.

Босимли сув циклонларини оқова сувлардан дағал майдаланган аралашмаларни асосан маъданли келиб чиқишларини ажратиш учун қўллаш лозим.

Сув циклонлари оқова сувларни тиндириш жараёнларида, чўкиндиларни қуюқлатишда, оҳак сутига тўйинтиришда, кумларни органик моддалардан жумладан нефт маҳсулотларидан ювишда фойдаланиш мумкин.

Оқова сувларни кичик ўлчамли аппаратларда тиндиришда тозалашни катта самарасини таъминлайди. Маъданли келиб чиққан чўкиндиларни қуюқлатишда катта диаметрдаги сув циклонларини қўллаш лозим (150 мм дан юқори).

6.87. Солиштирма гидравлик кучни q_{hc} , $\text{м}^3/(\text{м}^2 \cdot \text{ч})$, очиқ сув циклонлари учун қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$q_{hc} = 3,6 K_{hc} u_0, \quad (39)$$

бу ерда: u_0 – талаб этилган самараларни таъминлаш учун ажратиш керак бўлган заррачаларнинг гидравлик йириклиги, $\text{мм}/\text{с}$;

K_{hc} – сув циклони турига кўра мутаносиблик коэффициенти:

ички қурилмасиз – 0,61;

конус қобиқли ва ички цилиндрли – 1,98;

кўп қаватли марказий чиқаришлар билан

$$K_{hc} = \frac{0,75 n_{ti} (D_{hc}^2 - d_d^2)}{D_{hc}^2}, \quad (40)$$

Бу ерда n_{ti} – қаватлар сони;

D_{hc} – сув циклонининг диаметри, м;

d_{en} – оғзи кенгайган қувур билан чиқаришлар жойлашадиган айлана диаметри, м;

кўп қаватли ташқи устни қисмидан тиндирилган сув олиш билан

$$K_{hc} = \frac{1,5 n'_{ti} (D_{hc}^2 - d_d^2)}{D_{hc}^2}, \quad (40)$$

Бу ерда n'_{ti} – жуфт қаватлар сони;

d_d – жуфт қаватлар ўртача қобиклари тешикларининг диаметри, м.

6.88. Бир аппаратнинг қувватини Q_{hc} , м³/с, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$Q_{hc} = 0,785 q_{hc} D_{hc}^2. \quad (42)$$

6.89. Ажратилган чўкиндиларни очик сув циклонларидан гидростатик босим остида, сув элеваторлари ёки механизациялаштирилган воситалар билан узлуксиз йўқотишни эътиборга олиш лозим.

Қалқувчи аралашмалар, ёғлар ва нефт маҳсулотларини ярим ботирилган пардеворлар билан тутиб қолиш зарур.

6.90. Босимли сув циклонларини ҳисоб-китобларини тутиб қолинувчи заррачалар йириклигига δ ва уларнинг зичлигига кўра олиб бориш жоиз.

Сув циклони диаметрини D_{hc} 35 жадвал бўйича аниқлаш лозим.

6.91. Босимли сув циклонининг асосий ўлчамларини тайёрловчи-корхоналар маълумотлари бўйича танлаш лозим.

Босимли сув циклонига киришдаги босимни қуйидагича қабул қилиш жоиз:

0,15-0,4 Мпа (1,5-4 кгс/ см²) – бир босқичли тиндириш ва чўкиндиларни қуюқлаштириш тарзларида ҳамда кўп босқичли узлукли оқимда ишловчи қурилмаларда;

0,35-0,6 Мпа (3,5-6 кгс/ см²) – узлуксиз оқимда ишловчи, кўп босқичли тарзларда.

Захирадаги аппаратлар сонини қуйидагича қабул қилиш лозим:

Оқова сувларни тозалашда ва қаттиқлик ҳолатида қайроқли ҳоссаларига эга бўлмаган чўкиндиларни шиббалашда – 10 тагача ишчи аппаратлар бўлганда битта, 15 тагача иккита ва ҳар ўнта ишчи аппаратга биттадан ишчи аппаратлар 15 тадан ортиқ бўлганда;

Оқова сувларни тозалашда ва чўкиндиларни қайроқ қаттиқ ҳолдалигида – ишчи аппаратлар сонини 25%.

6.92. Сув циклони қувватини Q_{hc} , м³/соат, белгиланган ўлчамларда қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаш лозим:

$$Q'_{hc} = 9,58 \cdot 10^3 d_{en} d_{ex} \sqrt{g\Delta\Delta}, \quad (43)$$

бу ерда: g – оғирлик кучи тезланиши, м/с²;

ΔP – сув циклониди босим йўқотиш, МПа;

d_{en}, d_{ex} – таъминловчи ва қуйилувчи найчалар диаметрлари, мм.

6.93. Талаб этиладиган оқова сувларни тозалаш ва босимли сув циклонларида чўкиндиларни қайта ишлашда қуюқланиш даражасини самарадорлигига кўра узлукли ва узлуксиз оқимли изчил аппаратларни бирлаштириш йўли билан бир, икки ёки уч босқичлигини амалга ошириш мумкин.

Чиқариб ташланаётган чўкиндилар билан бирга сув йўқотишни қискартириш учун биринчи босқичли сув циклониди шламли найни шлам сиғимига зич бириктириш лозим.

D'_{hc} , мм	25	40	60	80	100	125	160	200	250	320	400	500
δ , мм	8-25	10-30	15-35	18-40	20-50	25-60	30-70	35-85	40-110	45-150	50-170	55-200

Биринчи босқичда кейинги босқичлардаги қурилмаларда ишлатиладиган кичик ўлчамли сув циклонларини ифлослантериши мумкин бўлган йирик заррачали аралашмалар ва асосий муаллақ чўкиндиларни тутиб қолиш учун катта ўлчамли сув циклонларидан фойдаланиш лозим.

Центрифугалар

6.94. Узлуксиз ёки даврий ишловчи чўктирувчи центрифугаларни оқова сувлардан майдаланган муаллақ чўкиндиларни реагентлар қўллаб, ажратиш мумкин бўлмаган вақтда, шунингдек чўкиндилардан қимматли маҳсулотларни ажратиш олиб ва улардан қайта фойдаланиш заруратида ажратиш учун қўллаш лозим.

Узлуксиз ишловчи центрифугаларни қачон заррачалар гидравлик йириклиги 0,2 мм/сек (оқимга қарши) ва 0,05 мм/сек (тўғри оқимли) ажратиш талаб этилса, сарфи 100 м³/соат гача бўлган оқова сувларни тозалаш учун қўллаш лозим; гидравлик йириклиги 0,05-0,01 мм/сек заррачаларни ажратиш зарурати бўлганда, сарфи 20 м³/соатдан ошмайдиган оқова сувларни тозалаш учун – даврий ишловчи центрифугаларни қабул қилиш лозим.

Механик ифлослантериувчи чўкиндилар қуюқлиги 2-3 г/л дан ошмаслиги керак.

6.95. Чўктирувчи центрифугаларнинг ўлчам турларини танлаш зарурлигида талаб этиладиган ажратиш омили F_r , ва центрифугалаш давомийлиги t_{cf} , с, катталиклари бўйича олиб бориш зарур ҳамда лаборатория шароитида олинган тажрибалар натижалари маълумотлари бўйича аниқлаш лозим.

6.96. Центрифуганинг ҳажмий қуватини Q_{cf} , м³/с, қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаш жоиз:

$$Q_{cf} = \frac{3600 W_{cf} K_{cf}}{t_{cf}}, \quad (43)$$

бу ерда: W_{cf} – центрифуга ваннасининг ҳажми, м³;

K_{cf} – центрифуга ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти, 0,4-0,6га тенг қабул қилинади..

Флотация қурилмалари

6.97. Флотация қурилмалари сувдан муаллақ чўкиндиларни, ЮЖМ, нефт маҳсулотларини, мойлар, қатронлар ва бошқа чўктириш кам самарали чўкиндиларни йўқотиш учун қўллаш жоиз.

6.98. Флотация қурилмаларини худди шундай қуйидагича қўллаш рухсат этилади:
биологик тозалашдан олдин сувлардан ифлослантериувчи моддаларни йўқотиш учун;
иккиламчи тиндиргичларда жадал балчиқни ажратиш учун;
биологик тозаланган оқова сувларни чуқур тозалаш учун;
коагулянт ва флокуляциянтларни қўллаш билан физик-кимёвий тозалашда;
тозаланган сувлардан такрор фойдаланиш тарзларида.

6.99. Босимли, ҳавосиз бўшлиқли, босимсиз, электр флотация қурилмаларини таркибидаги муаллақ чўкиндилар 100-150 мг/л дан юқори бўлган (коагулянтни қўшганда ҳосил бўладиган каттиқ даврини ҳисобга олиш билан) оқова сувларни тозалашда қўллаш жоиз. Таркибидаги муаллақлар камлигида ЮЖМ, нефт маҳсулотлари ва бошқаларни кўпикда саралаш учун ва кўпикли сепарациялаш импеллер, пневматик ҳамда оддий ашёлар орқали ҳавони диспергирлаш қурилмаларни қўллаш мумкин.

6.100. Босқичларга бўлиш жараёнини амалга ошириш учун тўғри бурчакли (сувнинг ётиқ ва тик ҳаракати билан) ва думалоқ (сувнинг радиал ва тик ҳаракати билан) флото бўлмаларни қўллаш рухсат этилади. Флото бўлмалар ҳажми: ишчи минтақалари (чуқурлиги 1,0-3,0 м), шаклландуриш ва кўпиклар йиғувчи

2. Ўртача йиллик муҳит намлиги миқдори 500-700 мм бўлган ҳудудларда 15-25% га; 700 мм дан юқорисида -25-30 % га камайтириш зарур, бунда катта фоиз куч камайтиришлар енгил қумли лойларда, кичик фоизлар эса – қумли тупроқларда қабул қилиниши жоиз.
3. Ўртача йиллик муҳит намлиги миқдори 300 мм гача бўлган ҳудудлар учун кучларни ҳар қайси ҳолларга алоҳида, тупроқлар ва тупроқ шароитларига кўра 20-30 % га ошириш лозим.

Оқова сувларнинг сизилиш катталигини уларни музлаш даврида 54 жадвалда келтирилган коэффицент қийматига камайтириш билан аниқлаш зарур.

54 жадвал

Тупроқлар	Музлатиш даврида сизиш катталигини камайтириш коэффиценти
Енгил қумли лойлар	0,3
Лойли қумлар	0,45
Қумлар	0,55

6.192. Заҳира хариталарини эътиборга олиш зарур, қайсики майдони ҳар қайси алоҳида ҳоллар учун асосланган бўлиши керак ва сизиш далаларининг фойдали юзасидан ошмаслиги керак, %;

III ва IV иқлимий ҳудудларда – 10;

II иқлимий ҳудудда – 20.

6.193. Тармоқлар, йўллар, тўсувчи ғўлалар ўрнатиш, дарахтлар экиш учун қўшимча майдонларни сизиш далалари майдони 1000 га дан юқори бўлганда 25% гача ўлчамда ва уларнинг майдони 1000 га ҳамда ундан кам бўлганда 35% гача қабул қилиш рухсат этилади.

6.194. Сизиш далалари хариталарининг ўлчамларини маҳаллий ер тузилиши, далаларнинг умумий иш майдони, тупроқни қайта ишлаш усулларида кўра аниқлаш жоиз. Тракторлар билан қайта ишлашда бир харита майдони 1,5 га дан кам бўлмаслиги керак.

Карта энини узунасига нисбатини 1:2 дан 1:4 гача қабул қилиш лозим; асосланганда карта узунлигини узайтириш рухсат этилади.

6.195. Оқова сувларни музлатиш учун мўлжалланган сизиш далалари хариталарида эриган сувларни заҳира хариталарига чиқаришни назарда тутиш лозим.

6.196. Сизот сувлари хариталар юзасидан 1,5 м дан кам бўлмаган чуқурликдаги, тупроқ тавсифидан қатъий назар, шунингдек сизот сувларини янада чуқурроқдалигида, тупроқнинг ноқулай сизиш хусусиятларида, қачонки қуритиш ариқлари (берк зовурлар ўрнатмасдан) зарурий сатҳгача сизот сувларини пасайтиришни таъминламаганда сизиш далаларида албатта зовурлар (очик ёки берк) ўрнатиш зарур.

6.197. Сизиш далаларида душхоналар, махсус кийимларни қуритиш учун хоналар, дам олиш ва озик-овқай қабул қилиш хоналарини эътиборга олиш жоиз. Ҳар қайси 75-100 га

сизиш далалари майдонига хизматчи ходимлар исинишлари учун уйчаларни инобатга олиш лозим.

Ер ости сизиш далалари

6.198. Ер ости сизиш далаларини қумли ва лойли қум тупроқларда, суғориш қувурлари сизот сувлари сатҳларидан 1 м дан кам бўлмаган ҳолда юқори ва уларни чуқурлиги 1,8 м дан ортиқ ҳамда ер юзидаги 0,5 м дан кам бўлмаган равишда жойлашганда қўллаш лозим. Суғориш қувурларини 20-50 см қалинликдаги шағаллар, майда қозонхона шлакларини, чақик тошлар ёки йирик заррачали қум тўкмалари устига ётқизиш тавсия этилади.

Ер ости сизиш далалари олдига септиклар ўрнатишни назарда тутиш жоиз.

6.199. Суғориш қувурларининг умумий узунлигини тушадиган кучлар бўйича 55 жадвалга мувофиқ аниқланади. Суғориш қувурлари узунлигини 20 м дан ортиқ қабул қилинмаслиги лозим.

6.200. Ҳаво оқими учун диаметри 100 мм суғориш қувурлари мўриларини ер сатҳидан 0,5 м баландда эътиборга олиш лозим.

55 жадвал

Тупроқлар	Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати, °С	Новдан энг юқори сизот сувлари чуқурлигига, м, кўра ер ости сизиш далалари суғориш қувурларининг 1 м га тушадиган кучлар, л/сут		
		1	2	3
Қумлар	9 гача	16	20	22
	9 дан 11гача	20	24	27
	11,1дан юқори	22	26	30
Лойли қумлар	9 гача	8	10	12
	9 дан 11гача	10	12	14
	11,1дан юқори	11	13	16

*Эслатма. 1. Кучлар ўртача йиллик муҳит намлиги миқдори 500 мм гача бўлган ҳудудлар учун кўрсатилган.
 2. Кучларни қуйидагиларда камайтириш зарур: ўртача йиллик муҳит намлиги миқдори 500-600 мм бўлган ҳудудлар учун – 10-20 %, 600 мм дан юқори бўлганда – 20-30 % га. Бунда пасайтиришнинг катта фоизини лойли қум тупроқларда, кичигини – қумли тупроқларда қабул қилиш жоиз.
 3. 20-50 см қалинликдаги йирик донали тўкмалар мавжудлигида 1,2-1,5 коэффициенти билан қабул қилиш лозим.
 4. Солиштирма сув четлатиш бир кишига ёки мавсумий объектлар учун 150 л/сут дан юқори бўлганда кучларнинг меъёрий таъсирини 20 % га ошириш лозим.

Қум-шағалли сизгичлар ва сизувчи хандақлар

6.201. Оқова сувлар миқдори 15 м³/сут дан ортиқ бўлмаганда қум-шағалли сизгичлар ва сизувчи хандақларни сув ўтказмайдиган ҳамда суст сизувчи тупроқларда энг юқори сизот сувлари сатҳи четлатувчи зовурлар номларидан 1 м қуйидалигида лойиҳалаш лозим.

Иншоотлар сувини йиғгичга йиғиш (улардан суғориш мақсадларида фойдаланиш учун) ёки Сан ҚваМ № 0172-06 “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юза сувлар муҳофазасига гигиеник талаблар” га риоя қилган ҳолда сув объектларига чиқариб ташлаш лозим.

Сизгич хандақлар ҳисобий узунлигини оқова сувлар сарфи ва суғориш қувурларига тушувчи кучларга кўра қабул қилиш лозим, бироқ 30 м дан ортиқ, хандақнинг туби бўйича эни – 0,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

6.202. Қум-шағалли сизгичларни бир ёки икки босқичда лойиҳалаш жоиз. Бир босқичли сизгичлар учун юклама ашёси сифатида йирик ва ўртача донали қумлар ҳамда бошқа ашёларни қабул қилиш лозим.

Икки босқичли сизгичларнинг биринчи босқичида юклама ашёлар шағаллар, майда тошлар, қозонхона шлаклар ва бошқа йириклиги 6.122 бандга мувофиқ қабул қилинувчи ашёлар бўлиши мумкин, иккинчи босқичда айнан бир босқичли сизгичлар сингари қабул қилинади.

Сизгуччи ҳандақларда юклама ашёлар сифатида йирик ва ўртача донали қумлар ва бошқа ашёларни қабул қилиш лозим.

6.203. Қум-шағалли сизгичлардаги ва сизувчи ҳандақлардаги суғориш қувурларига тушувчи кучларни, шунингдек юкламалар қатлами қалинликларини 56 жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

56 жадвал

Иншоот	Юкламалар қатлами баландлиги, м	Суғориш қувурларига тушувчи кучлар, л/(м·сут)
Қум-шағалли бир босқичли сизгич ёки икки босқичли сизгичнинг иккинчи босқичи	1-1,5	80-100
Икки босқичли сизгичнинг биринчи босқичи	1-1,5	150-200
Сизувчи ҳандақлар	0,8-1	50-70
<p>*Эслатмалар. 1. Кичик кучлар кичик баландликка хос. 2. Кучлар ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 9°C гача бўлган ҳудудлар учун кўрсатилган. 3. Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 9°C дан юқори бўлган ҳудудлар учун кучларни 20-30% га ошириш лозим 4. Солиштирма сув четлатиш 150 л/(киши.-сут.) дан юқори бўлганда кучларни 20-30% га ошириш лозим.</p>		

Сизувчи қудуқлар

6.204. Сизувчи қудуқларни фақат қумли ва лойли қум тупроқларда, оқова сувлар миқдори 1 м³/сут дан ортиқ бўлмаганда ўрнатиш жоиз. Қудуқнинг туби сизот сувлари сатҳидан 1 м дан кам бўлмаган ҳолда юқори бўлиши керак.

***Эслатмалар.** 1. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти учун ер ости сувларидан фойдаланишда сизгич қудуқлар ўрнатиш имкониятлари гидрогеологик шароитларига кўра ва геология Вазирлиги ҳамда санитария эпидемиология хизмати идоралари билан келишилганлик бўйича ҳал этилади.

2. Қудуқлар олдида септикларни эътиборга олиш зарур.

6.205. Сизгуччи қудуқларни темир бетон ҳалқалардан, кучли куйдирилган ғиштлар ёки ҳарсанг тошлардан лойиҳалаш лозим.

тархдаги ўлчамлари 2x2 м дан ортиқ бўлмаслиги, чуқурлиги -2,5 м бўлиши керак.

уланувчи қувурлар пастида қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

баландлиги 1 м гача бўлган тубли сизгич, қудуқ ичи-майда тошлардан, шағаллардан, куйган шлаклардан ва бошқа ашёлардан;

қудуқ ташки деворлари атрофида – ўша ашёлардан тўкмалар;

қудуқ деворларида – сизилган сувларни чиқиб кетиш учун тешиқлар.

Қудуқ ёпмасида 700 мм диаметрли қопқоқ ва 100 мм диаметрли шамоллатгич қувур эътиборга олиш жоиз.

6.206. Қудуқнинг ҳисобий сизиш юзасини туб юзаси ва қудуқ деворлари юзасини сизгич баландлигига йиғиндилари сифатида аниқлаш жоиз. 1 м² сизувчи юзага тушувчи кучни қумли тупроқларда 80 л/сут ҳамда лойли қумларда 40 л/сут қабул қилиниши керак.

Кучларни қуйидагиларда:

Ўртача ва йирик донали қумларда ёки қудуқ туби ҳамда сизот сувлари сатҳи оралиғидаги масофа 2 м дан юқори бўлганда сизгич қудуқларни ўрнатишда – 10-20 % га; солиштира сув четлатиш 150 л/ (киши.сут.) ва оқова сувларнинг ўртача қишки ҳарорати 10°C дан юқори бўлганда 20% га ошириш лозим.

Мавсумий объектлар учун кучлар таъсири 20 % га оширилган бўлиши мумкин.

Биологик ҳовузлар

6.207. Биологик ҳовузларни таркибида органик моддалар бўлган шаҳар, ишлаб чиқариш ва юза оқова сувларини тозалаш учун қўллаш жоиз.

6.208. Биологик ҳовузларни ҳудди табиий каби, шундай сунъий шамоллатиш (пневматик ёки механик) билан лойиҳалаш рухсат этилади

6.209. Оқова сувларни биологик ҳовузларда тозалашда табиий шамоллатишли ҳовузлар учун КБЭ_{тўлик} 200 мг/л дан, сунъий шамоллатишли ҳовузлар учун 500 мг/л дан юқори бўлмаслиги керак.

КБЭ_{тўлик} 500 мг/л дан юқори бўлганда оқова сувларни олдиндан тозалашни инобатга олиш лозим.

6.210. Чуқур тозалаш учун ҳовузларга оқова сувларни биологик тозалашдан сўнг, КБЭ_{тўлик} табиий шамоллатишли ҳовузлар учун - 25 мг/л дан, сунъий шамоллатишли ҳовузлар учун 50 мг/л дан ортиқ бўлмаслиги керак. Сунъий шамоллатишли ҳовузлардан кейин тозаланган сувларни 2-2,5 соат давомида тиндиришни назарда тутиш лозим.

6.211. Табиий шароитлардаги иншоотларда оқова сувларни тозалаш жараёни қуйидагича амалга оширилади:

Механик тозалаш – майдалагич-панжараларда ва тиндиргич-чиритгичларда.

Тиндиргич ҳовуз - чиритгич, блокнинг механик тозалаш ролини бажаради ва кейинчалик биоқайта ишлашдан олдин оқова сувларни дастлабки тозалашга хизмат қилади.

Биологик тозалаш ўз ичига ҳовуз-култиваторни, бунда бир неча кеча-кундуз давомида биофитоннинг юқори жадал биоачитгичи етилиши содир бўлади. Биофитоннинг юқори жадал биоачитгичини ҳовуз-чиритгичга ва ҳовуз-биокоагуляторга узатишга мўлжалланган. Ҳовуз - биокоагулятор биологик тозалаш ролини бажаради, навбатдаги тозалаш босқичига келаётган гидробионитлар биомассаларини сезиларли камайтиради.

Юқори сув ўсимликлари билан охиригача тозалаш – ҳовуз, бу оқувчи сув ҳавзалари бўлиб туби бўйлаб оқимга қўндаланг чўктирилган ажратувчи дамбалар билан тўсилган бўлади, унга юқори сув ўсимликлари туширилади (ингичга баргли шакарқамиш) ва бу оқова сувлардаги ифлосланган қолдиқларни чиқариб олишга хизмат қилади.

6.212. Биологик ҳовузларни сизмайдиган ёки суз сизувчи тупроқларда ўрнатиш лозим. Сизувчанликка нисбатан ноқулай тупроқларда сизишга қарши тадбирларни амалга ошириш лозим.

6.213. Биологик ҳовузларни турар жой иморатларига нисбатан йилнинг илиқ даврида шамол эсиш йўналиш томонида жойлаштириш лозим.

Ҳовузда сув ҳаракатининг йўналиши ушбу шамол йўналишига тик ҳолатда бўлиши керак.

6.214. Табиий шамоллатиш қуввати 10 минг.м³/сут гача (ўзи ҳам қўшилади) бўлган биологик ҳовузларни тозалашда ёки исталган ҳовузни, бошқаларининг ишига путур етказмасдан, профилактик таъмирлашда ажратиб қўйиш имкониятини берувчи икки қисмли қилиб лойиҳалаш мумкин.

6.215. Қуввати 10,0 минг.м³/сут.дан юқори бўлган биологик ҳовузларни исталган қисмини тозалаш ёки бошқаларининг ишига путур етказмасдан, профилактик таъмирлаш учун ажратиб қўйиш имкониятини берувчи камида иккита мувозий қисмларли қилиб лойиҳалаш лозим.

6.216. Табиий шамоллатишда ҳовузнинг узунасини энига нисбати 2 дан кам бўлмаслиги зарур. Бунда киритиш ва чиқариш қурилмалари тузилиши сувни ҳовузнинг барча тирик юзаси бўйлаб ҳаракатланишини таъминлаб бериши лозимлигини назарда тутиш керак.

6.217. Сунъий шамоллатишли ҳовузларнинг бўлимлари томонларини нисбати исталганда бўлиши мумкин, бунда шамоллатиш қурилмалари ҳовузнинг исталган нуқтасида сув ҳаракатини 0,05 м/с дан кам бўлмаган тезликни таъминлаши керак. Ҳовузнинг тархдаги шакли шамоллатгичлар турига боғлиқ: пневматик ёки механик ҳовузлар учун тўғри бурчакли, ўзи ҳаракатланувчи механиклар учун – думалоқ бўлиши мумкин.

6.218. Бир босқичдан бошқасига ўтказувчи қувурлар новининг белгиси сув сатҳидан 0,5-1,0 м паст бўлиши керак.

Тозаланган сувларни чиқариш ҳовуздаги сув сатҳидан 0 дан 1 м гача паст чуқурликда жойлашган йиғма қурилмалар орқали амалга ошириш лозим.

6.219. Оқимни зарарсизлантириш одатда ҳовуздан кейин амалга оширилади. Хлорнинг сув билан бирикиши алоҳида сиғимда амалга оширилади. Бирикиш сиғими оқова суюқликни 30 дақиқа бўлишига ҳисоб қилинади.

Туташувдан кейин сувдаги қолдиқ хлор қуюқлиги 0,25-0,5 г/м³ дан ошмаслиги керак.

6.220. Ҳовузнинг иш ҳажмини ундаги оқова сувларни ўртача бир кеча-кундузги сарфини туриб қолиш вақти бўйича аниқлаш жоиз.

6.221. Табиий шамоллатишли ҳовузнинг ҳисобий чуқурлигини H_{tag} , м, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$H_{lag} = \frac{K_{lag} (C_a - C_{ex}) r_a t_{lag}}{C_a (L_{en} - L_{ex})}. \quad (88)$$

Иссиқ иқлим шароитларида табиий шамоллатишли биологик ҳовузларнинг энг кам чуқурлиги камида 1,5 м, энг кўпи 5,0 м гача ни ташкил қилиш керак. Қишда ҳовузнинг музлаши мумкин бўлганда, чуқурлиги 0,5 м га оширилиши зарур.

6.222. Сунъий шамоллатишли ҳовузларда чуқур тозалашларда сувни туриб қолиш вақтини t_{lag} , сут, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$t_{lag} = \frac{N}{2,3 k_d} \left(N \sqrt{\frac{L_{en}}{L_{en} - L_{fin}}} - 1 \right), \quad (89)$$

бу ерда: k_d – кислородга эҳтиёж тезлигининг динамик ўзгармас миқдори,

$$k_d = \beta_1 k, \text{ га тенг} \quad (90)$$

бу ерда β_1 – лабиринт туридаги йўлақлар бўйича сув силжиши ёки шамоллатиш қурилмалари пайдо қилувчи ҳовуздаги сув ҳаракати тезлигига v_{lag} , м/с, боғлиқ бўлган коэффициент;

β_1 катталиги қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$\beta_1 = 1 + 120 v_{lag}. \quad (91)$$

ТОЗАЛАНГАН ОҚОВА СУВЛАРНИ КИСЛОРОДГА ТЎЙИНТИРИШ УЧУН ИНШОТЛАР

6.223. Тозаланган оқова сувларни сув объектларига чиқариб ташлашдан олдин уларни кўшимча кислород билан тўйинтириш зарурати бўлганда махсус қурилмаларни: тозалаш иншоотлари майдонлари билан сув объектидаги сув сатҳи орасидаги эркин сатҳлар фарқи мавжудлигида – кўп босқичли шамоллатгич – тарновлар, тезкор оқимлар ва бошқалар, қолган ҳолларда – барботаж иншоотларни эътиборга олиш лозим.

6.224. Шамоллатгич – тарновларни лойиҳалашда қуйидагиларни қабул қилиш лозим:

тарнов тешиклари – тишли қопқоқли тишли юпқа девор кўринишида (девор ва қопқоқ тишлари бир-бирига учли томони билан қаратилган);

тишлар баландлиги – 50 мм, юқорисидаги бурчаги – 90°;

тишлар учи орасидаги тешиклар – 50 мм;

қуйи бьеф қудуғининг узунлиги – 4м, чуқурлиги – 0,8;
сувнинг солиштирма сарфи – $q_w = 120-160$ л/с тарновнинг 1 м узунлигига;
тарновдаги сув босими h_w , м (ўртача тишли тешикдан), – ифода бўйича:

$$h_w = \left(\frac{q_w}{225} \right)^2. \quad (92)$$

6.225. Сув объектларига чиқариладиган оқова сувлардаги эҳтиёжий кислород қуюқлигини C_{ex} , мг/л таъминлаш учун зарур бўлган шамоллатгич – тарновлар сонини N_{wa} ва ҳар қайси босқичдаги сатҳлар фарқининг катталиклари z_{st} , м қуйидаги ҳолатлардан изчил тиклаш билан аниқланади.

$$\frac{C_a - C_{ex}}{C_a - C_s} = \varphi_{20} N_{wa} K_T K_3, \quad (93)$$

бу ерда: C_a – 6.156 банд бўйича аниқланувчи, суюқликда кислороднинг аралашувчанлиги;
 C_{ex} – сув ҳавзасига чиқарилишида тозаланган оқова суюқлигидаги таъминланган бўлиши керак бўлган кислород қуюқлиги;

C_s – тўйинтирувчи иншоотдан олдин оқова сувдаги кислород қуюқлиги; маълумотлар бўлмаганда $C = 0$;

N_{ws} – тарновлар босқичлари сони;

K_T, K_3 – 6.156 банд бўйича қабул қилинувчи коэффициентлар;

φ_{20} – сатҳлар фарқига кўра тарновлардаги шамоллатиш самарадорлигини инобатга олувчи ва 57 жадвал бўйича қабул қилинувчи коэффициент.

57 жадвал

$z_{st}, \text{ м}$	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8
φ_{20}	0,71	0,65	0,59	0,55	0,52

6.226. Барботаж иншоотларини лойиҳалашда қуйидагиларни қабул қилиш жоиз:
босқичлар сони – 3-4;

шамоллатгичлар – майда пуфакчали ёки ўртача пуфакчали;

шамоллатгичларнинг жойлашиши – иншоот туби бўйича бир текисда;

шамоллатиш жадаллиги – $100 \text{ м}^3/(\text{м}^2\text{-соат})$ дан ортиқ эмас..

6.227. Барботаж иншоотларида ҳавонинг солиштирма сарфини q_b , $\text{м}^3/\text{м}^3$ қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$q_b = \frac{N_b}{K_1 K_2 K_3 K_T} \left[\left(\frac{C_a - C_{ex}}{C_a - C_s} \right)^{1/N_b} - 1 \right], \quad (94)$$

бу ерда: N_b – шамоллатгич босқичлари сони;

C_a, K_1 – 6.156 банд бўйича қабул қилиш лозим;

$K_2, K_3, K_T, C_{ex}, C_s$ – 6.226 банд бўйича қабул қилиш лозим..

ОҚОВА СУВЛАРНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

6.228. Маиший ва уларни ишлаб чиқариш аралашмалари бўлган оқова сувларни зарарсизлантиришни сув ҳавзаларига чиқариб ташлашдан олдин уларни тозалангандан кейин олиб бориш лозим.

Маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини алоҳида механик тозалаш бўйича уларни биргаликда тозалашда, асосланган ҳолларда фақат маиший сувларни биологик тозалаш иншоотларига уларни қайтадан хлорлаш билан механик тозалаб, зарарсизлантиришни эътиборга олиш рухсат этилади.

6.229. Оқоваларни зарарсизлантиришни суюқ хлор, натрий гидроклориди, хлорли оҳак ёки оқова сувларни тўғри электролиз билан олиб бориш лозим.

6.230. Жадал хлорнинг ҳисобий меъёрини қуйидаги қабул қилиш лозим, $\text{г}/\text{м}^3$:

механик тозалашдан кейин – 10;

тиндирилиш самарадорлиги 70% лигида механик-кимёвий тозалаш ва тўлиқсиз биологик тозалашдан кейин – 5;

биологик, физик-кимёвий ва чуқур тозалашдан кейин - 3.

***Эслатмалар.** 1. Жадал хлор меъёрини фойдаланиш жараёнида аниқлаш жоиз, бунда зарарсизлантирилган сувдаги қолдиқ хлор миқдори туташувдан кейин 1,5 г/ м³ дан кам бўлмаслиги керак.

2. Тозалаш иншоотларининг хлор хўжаликлари реагент учун омборлар сифимларини ўзгартирмасдан хлорнинг ҳисобий меъёрини 1,5 марта ошириш имконини таъминлаши керак.

6.231. Тозалаш иншоотларидаги хлор хўжаликлари ва электролизли қурилмаларни ШНК 2.04.02-97* га мувофиқ лойиҳалаш лозим.

6.232. Асосланган ҳолларда тўғри электролиз қурилмаларидан оқова сувларни биологик ёки физик-кимёвий тозалашдан сўнг фойдаланиш рухсат этилади.

6.233. Электр ускуналари ва бошқарув жавонларини тозалаш иншоотларининг бошқа хоналар билан блоклаш имконини берувчи иситиладиган хоналарга жойлаштириш лозим.

6.234. Оқова сувларни хлор билан қориштириш учун қориштиргичларни исталган турини қўллаш лозим.

6.235. Сифимларда ёки четлатувчи новларда ва қувур ўтказгичларда оқова сувларни хлор ёки гипохлоритлар билан туташув давомийлигини 30 дақиқа қабул қилиш жоиз.

6.236. Туташув сифимларини кураксиз бирламчи тиндиргич сифатида лойиҳалаш зарур; сифимлар сони – иккитадан кам эмас 0,5м³/(м².соат) жадалликда сиқилган ҳаво билан сувни барботажлашни эътиборга олиш рухсат этилади.

6.237. Биологик ҳовузлардан кейин оқова сувларни зарарсизлантиришда оқова сувларни хлор билан туташтириш учун бўлинмага ажратиш лозим. Хлорнинг сув билан бирикиши алоҳида сифимда амалга оширилади.

6.238. Туташув сифимларида чўкувчи чўқиндилар миқдорини 98% намликда 1м³ оқова сувга, л қабул қилиш лозим:

механик тозалашдан кейин – 1,5;

аэротенкларда ва биосизгичларда биологик тозалашдан сўнг– 0,5.

ОҚОВА СУВЛАРНИ ҚАЙТА ТОЗАЛАШ УЧУН ИНШООТЛАР

Умумий кўрсатмалар

6.239. Биологик тозалашдан ўтган шаҳар ва ишлаб чиқариш оқова сувлари ва уларнинг аралашмаларини, шунингдек сув объектларига чиқариб ташлашдан ёки улардан ишлаб чиқаришда ёки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш оқова сувларини механик, кимёвий ёки физик кимёвий тозалашдан сўнг янада чуқурроқ тозалашни таъминлаш учун иншоотлар мўлжалланган.

6.240. Оқова сувларни чуқурроқ тозалаш учун иншоотлар сифатида турли тузилишдаги донали юкламали сизгичлар, турли чамбарак сизгичлар, биологик ҳовузлар, юксак сув ўсимликлари (ЮСЎ) бўлган биологик ҳовузлар, оқова сувларни кислород билан тўйинтириш учун иншоотлар қўлланилиш мумкин.

Иншоотлар турини танлашни оқова сувларни дастлабки сифати, уларни тозалаш даражасига қўйиладиган талаблар, сизувчи ашёлар мавжудлиги ва шунга ўхшашларни инобатга олган ҳолда олиб бориш жоиз.

6.241. Сувни КБЭ_{тўлиқ} 4-6 мг/л гача қайта тозалаш ва унинг таркибидаги биоген унсурларни (азот ва фосфор) пасайтириш учун ҳовузларда ЮСЎ – қамишлар, чипталар, қўғалар ва бошқаларни қўллаш тавсия этилади. ЮСЎ ни экиш учун ҳовуз четларини сувга ботирилган пўтармалардан таглик билан жиҳозлаш ҳовузлар тузилишининг хусусиятлари бўлиб ҳисобланади (рухсатнома эгасининг тавсиялари бўйича Ўзбекистон Республикасининг рухсатномаси – 326).

Биокимёвий тозаланган оқова сувни туриш вақти – 1 кеча-кундуздан кам эмас.

Биоҳовузуларга оқова суюқлигини узатиш ҳовузнинг қисқа томонидан бир текис ва бир томонга йўналтирилган бўлиши керак.

Биоҳовузулар барча бўлимлари тубларидан 0,15 м чуқурликкача сувни чиқариб ташлашни назарда тутиш лозим, бунинг учун кўтарма танасида ҳар қайси бўлимдан қувурлар ётказилади.

Ҳовузда қайтадан тозаланиб ўтган сувни тўплашни сув сатҳидан 0,1 м чуқурликдаги бир текисда бўлиб-бўлиб қўйилган қурилмалар орқали амалга ошириш мумкин.

6.242. Биологик ҳовузуларни 6.207-6.222 бандларга мувофиқ лойиҳалаш лозим.

Донали юкламали сизгичлар

6.243. Донали юкламали сизгичларни қуйидаги тузилишда тавсия этилади: бир қатламли ва синчтўкмали (СТС).

Тузилиши ва иқлимий шароитларига кўра сизгичларни очиқ ҳавода ёки хоналарда жойлаштириш лозим. Сизгичларни очиқ ҳавода жойлаштиришда қувур ўтказгичлар, тўсқич ўзақлар, насослар ва бошқа робиталар ўтувчи ер ости йўлакларидан жойлаштириш керак.

6.244. Сизгич ашё сифатида кварцли қум, шағал, гранитли чакиқ тошлар, доналанган домна ўчоғи шлаклари, антрацит, керамзит, полимерлар, шунингдек зарур технологик хусусиятларга, кимёвий чидамликка ва механик мустаҳкамликка эга бўлган бошқа донали юкламалардан фойдаланиш рухсат этилади.

6.245. Сизгичларнинг қурилмалари унсурларини ҳисоб-китобларини КМК 2.04.02-97 ва ушбу меъёрга биноан олиб бориш жоиз.

6.246. Шаҳар ва таркиби жиҳатдан унга яқин бўлган ишлаб чиқариш оқова сувларини биологик тозалашдан сўнг чуқурроқ тозалаш қурилмалари унсурларини ҳисобий ўлчамларини 58 жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

Сизгич юзасини ҳисоб-китобини рухсат этилган нотекисликни айириб ташлаган ҳолда бир соатдаги энг кўп қуйилиш бўйича, 15% га тенг, олиб бориш жоиз.

6.247. Донали юкламали сизгичларни лойиҳалашда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

Оқова сувларни биологик тозалашдан кейин узатишда – сизгичдан олдин чамбаракли тўрлар ўрнатиш (СТС дан ташқари);

бир қатламли учун сув-ҳаволи ювиш, сувли – икки қатламли учун, сув-ҳаволи ёки сувли – синч – тўкмалисизгичлар учун; бунда ювишни тиндирилган сувни хлорсиз амалга ошириш лозим;

оқова сувларни ҳаводаги (такомиллашган қурилмали СТС) кислород билан тўйинтиришни юклама қатламига ҳаво юбориш йўли билан таъминлаш (жадаллиги 0,4-1 м³/соат- м²). Ушбу мақсадда тақсимлагич қурилмалари инобатга олинадилар (қумли тўкмани юқори чегарасидан 40-60 мм юқорида).

Ювилган сувлар ва сизгичлар ювилган ифлос оқова сувлар сифимларининг сифимлилиги – икки бор ювишдан кам эмас;

Ифлос ювиладиган сувлар ифлос ювилган сувлар сифимларига ёки тиндиргичларга чиқарилади, бунда уларни тиндириб, чўкиндиларни йўқотиш эътиборга олинадилар. Тиндирилган сув иккиламчи тиндиргич олдидаги новга, чўкинди эса чўкиндиларни қайта ишлаш бўйича иншоотларга чиқарилади.

Тиндирилиш вақти 1-1,5 соат.

Зарурат бўлганда – сизилган сувларни 6.223-6.227 бандларга мувофиқ кислород билан тўйинтирилади;

катта қаршилиқдаги найсимон тақсимлагич зовур тизимлари;

сувни юқоридан пастга узатишли сизгичлар учун – юкламани юқори қатламини гидравлик ёки механик юмшатиш қурилмалари.

58 жадвал

Сизгич	Сизувчи юкламалар ўлчамлари				Қатлам баландлиги, м	Тартибда сизиш тезлиги, м/соат		Ювилиш жадаллиги, л/(с·м ²)	Ювилиш босқичнинг давомийлиги, дақиқа	Тозаланганлик самараси, %	
	Сизувчи ашё	Юкламани доналаштирилиш тавсифи <i>d</i> , мм				меъёрий	Жадаллашган			КБЭ _{тўлик} бўйича	Муаллақ чўкиндилар бўйича
		Энг кам	Энг кўп	Муқобил							
Бир қатламли майда донали сувни юқоридан пастга узатиш	Кварцли кум	1,2	2	1,5-1,7	1,2-1,3	6-7	7-8	Ҳаво (18-20)	2	50-60	70-75
	Тутиб турувчи	2 5	5 10	– –	0,15-0,2 0,1-0,15			Ҳаво (18-20) и вода (3-5)	10-12		
	қатлам –шағал	10 20	20 40	– –	0,1-0,15 0,2-0,25			Сув (7)	6-8		
Ўртача донали	Майда тошли шағал	1,6	3	2,1	1,2	16	18	Ҳаво (16)	3		
								Ҳаво (16) ва сув (10)	4		
								Сув(15)	3		
Йирик донали	Майда тошли шағал	3	10	5,5	1,2	16	18	Ҳаво (16)	3		
								Ҳаво(16) и вода (10)	4		
								Сув(15)	3		
Синч-тўкма (СТС)	Кварцли кум	0,8	1,2	-	0,9	10	15	Ҳаво (16-18)	2	70	70 - 80
	Шағал-синч	40	60		1,8			Ҳаво (16-18) ва сув (8-10)	6		
	Тутиб турувчи қатлам шағал	5	10		0,1			Сув (14-16)	2		
		2 5 5 10 20	5 10 10 20 40		0,1 0,1 0,1 0,1 *						

*) – тақсимлагич тизимлар тешигидан юқори қатлам чегараси 100 мм юқори

6.248. Донали юкламали сизгичларни биологик ўсимталар билан ўсиб кетишини олдини олиш учун келиб тушувчи оқова сувларни олдиндан 2 мг/л гача меъёрда хлорлаш ва 24 соатли туташувда хлорли сув таркибидаги хлор 150 мг/л гачалигида сизгичларни даврий қайта ишлашни (йилига 2-4 марта) назарда тутиш зарур.

6.249. Ишлаб чиқариш оқова сувларини чуқур тозалаш учун донали юкламали сизгичларни лойиҳалашни технологик тадқиқотлар маълумотлари бўйича олиб бориш лозим.

Полимер юкламали сизгичлар

6.250. «Полимер» сизгичларини ишлаб чиқариш оқова сувлари таркибида мустаҳкам эмульсия кўринишида бўлмаган ёғлар ва нефт маҳсулотларидан тозалаш учун қўлланилади. Сизгичларни ёмғир сувларини тозалаш учун қўллаш рухсат этилади.

6.251. Дастлабки сувдаги ёғлар ва нефт маҳсулотларини рухсат этилган қуюқлиги 150 мг/л гача, муаллақ чўкиндилар 100 мг/л гача. Тозаланган сувдаги моддалар қуюқлиги – 10 мг/л гача (бирок ёғлар ва нефт маҳсулотларида 140% дан ортиқ эмас).

6.252. Юклама сифатида 20x20x20 мм йирикликдаги 30-50 кг/ м³ зичликдаги, қатлам баландлиги 2 м бўлган пенополиуритаци кабул қилиш жоиз. Сизиш тезлиги 25 м/соат гача.

6.253. Сизгичларни ҳаво ҳарорати 5°C дан паст бўлмаган биноларда жойлаштириш лозим.

Тўрсимон чамбаракли сизгичлар

6.254. Тўрсимон чамбаракли сизгичларни ишлаб чиқариш оқова сувларини механик тозалаш учун, оқова сувларни чуқур тозалашга сизгичлар олдида ўрнатиш учун (чамбаракли тўрларни), шунингдек чуқур тозалашни (кичик сизгичлар) мустақил иншоотлари сифатида қўллаш лозим.

Тўрсимон чамбаракли сизгичларда эришиладиган оқова сувларни тозаланиш даражаси 59 жадвал бўйича рухсат этилади.

59 жадвал

Тўрсимон чамбаракли сизгичлар	Таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни камайтириш, %	
	Муаллақ чўкиндилар бўйича	КБЭ _{тўлик} бўйича
Микрофилтрат	50-60	25-30
Барабаные сетки	20-25	5-10

6.255. Оқова сувларни механик тозалаш учун чамбаракли тўрлардан фойдаланилганда дастлабки сувда тўрларни ювишни қийинлаштиручи моддалар (қора мойлар, ёғлар, мойлар, нефт маҳсулотлари ва бошқалар) мавжуд бўлмаслиги, таркибидаги муаллақ чўкиндилар эса 250 мг/л дан ошмаслиги керак.

Шаҳар оқова сувларини чуқур тозалаш учун кичик сизгичлардан фойдаланилганда, дастлабки сув таркибидаги муаллақ чўкиндилар 40 мг/л дан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.256. Тўрсимон чамбаракли сизгичларни захирадаги сонини 60 жадвал бўйича кабул қилиш жоиз.

60 жадвал

Чамбаракли сизгичлар	Сони	
	ишчи	захира
Кичик сизгичлар	4 гача	1
	4 дан юқори	2
Чамбарак тўрлари	6 гача	1
	6 дан юқори	2

6.257. Тўрсимон чамбаракли сизгичларни қўллашда қуйидагилар жоиз:

қуввати ва тузилишини тайёрловчи-корхонанинг хужжатий маълумотлари бўйича ёки илмий-тадқиқот ташкилотларининг тавсиялари бўйича қабул қилиш;

тўрсимон чамбаракли сизгичлардан 0,15 МПа (1,5 кгс/ см²) босимда ўтгандан кейин сув билан ювишни эътиборга олиш;

кичик сизгичлар учун доимий сарфланувчи қурилмалар ҳисобий қувватини 3-4%, оқова сувларни механик тозалаш учун чамбаракли тўрлар -1-1,5%;

оқова сувларни бир кеча-кундузда 8-12 марта ювиш билан чуқур тозалаш тарзида чамбаракли тўрлар учун даврий бўлган ювиш давомийлиги 5 дақиқа, чамбаракли тўрларнинг ҳисобий 0,3-0,5% ювилган сув сарфи билан.

ОҚОВА СУВЛАРНИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ УЧУН ИНШОТЛАР

Оқова сувларни аралашмайдиган қилиш

6.258. Аҳоли яшайдиган жойлар сувоқовасига ёки сув объектларига чиқарилишидан олдин рН катталиги 6,5 дан паст ёки 8,5 дан юқори бўлган оқова сувларни аралашмайдиган қилиш зарур.

Аралашмайдиган қилишни туршли ва ишқорли оқова сувларни аралаштириш, реагентлар киритиш ёки уларни аралаштирмайдиган ашёлар орқали сизиш билан амалга ошириш лозим.

6.259. Реагентлар меъёрини оқова сувлар таркибидаги туршлар ёки ишқорларни тўлиқ аралашмайдиган қилиш шароитларига ва мувофиқ таъсирлар тенгламалари бўйича оғир металллар бирикмаларини чўкиндига ажралишига кўра аниқлаш жоиз. Реагентларнинг ортиқчалиги ҳисобий миқдорнинг 10% ни ташкил этиши керак.

Реагентлар меъёрларини аниқлашда туршлар ва ишқорларнинг, шунингдек маиший оқова сувлар ёки ҳовузлар (сув оқими) ишқорий захираларини ўзаро аралашмаслигини инобатга олиш зарур.

6.260. Туршли оқова сувларни аралашмайдиган қилиш учун реагентлар сифатида кальций гирооксиди (сўндирилган оҳак) жадал кальций оксиди бўйича 5% кўринишдаги оҳак сути ёки ишқорлар чиқиндиларини (ўювчан натрий ёки кальций) қўллаш лозим.

Оҳак сутини тайёрлаш учун қурилмаларни лойиҳалаш КМК 2.04.02-97га биноан бажариш жоиз.

6.261. Ишқорий оқова сувларни туршлаш ва аралашмайдиган қилиш учун техника олтингугурт туршини қўллаш тавсия этилади.

6.262. Чўкиндиларни ажралиши учун оқова сувлар тиндиргичларда 2 соат давомида туриб қолишини эътиборга олиш лозим.

6.263. Таркибида эркин олтингугурт турши ва оғир металл тузлари бўлган, 1 м³ оқова сувни аралашмайдиган қилишда ҳосил бўлган чўкиндининг қуруқ моддалари миқдорини М, кг/м³, қуйидаги ифода орқали аниқлаш жоиз:

$$M = \frac{100 - A}{A} (A_1 + A_2) + A_3 + (E_1 + E_2 - 2), \quad (95)$$

бу ерда: А – қўлланилаётган оҳак таркибидаги жадал СаО, %;

A₁ – металлларни чўктириш учун зарур жадал СаО миқдори, кг/м³;

A₂ – эркин олтингугурт туршини аралашмайдиган қилиш учун зарур бўлган жадал СаО миқдори, кг/м³;

A₃ – сувда ҳосил бўладиган металл оксидлари, кг/м³;

E₁ – металл чўкишида ҳосил бўладиган кальций сульфат миқдори, кг/м³;

E₂ – эркин туршларни аралашмайдиган қилишда ҳосил бўладиган кальций сульфат миқдори, кг/м³.

*Эслатма. Агар ифодадаги учинчи аъзо қиймати манфий бўлса, ҳисобга олинмайди.

6.264. 1 м³ оқова сувни аралашмайдиган қилишда ҳосил бўладиган чўкинди ҳажмини W_{mud}, %, қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$W_{\text{mud}} = \frac{10M}{100 - P_{\text{mud}}}, \quad (96)$$

бу ерда: P_{mud} – чўкинди намлиги, %.

Чўкинди намлиги фоизларда ифодаланган қуруқ моддалар миқдорини 100 дан айирмасига тенг ёки ундан кичик бўлиши керак.

6.265. Тиндиргичларда ажралган чўкиндиларни шлам майдончаларида, ҳавосиз сизгичларда ёки зичлагичсизгичларда зарарсизлантириш жоиз. Зарарсизлантириш бўйича тиндиргичлар ва иншоотларни ушбу меъёрининг мувофиқ бўлимлари талабларига амал қилиш лозим.

6.266. Емирувчан муҳит билан бевосита тегиб турувчи барча сиғимлар, қувур ўтказгичлар, жиҳозлар мувофиқ ҳимоялагичлар билан муҳофазаланган бўлишлари керак.

Реагент қурилмалари.

6.267. Оқова сувлардан дағал майдаланган, коллоидли ва физик-кимёвий тозалаш жараёнида эриган аралашмаларни чиқариб ташлаш жараёнини жадаллаштириш учун, шунингдек таркибида хром ва циан бўлган оқова сувларни зарарсизлантириш учун реагент қайта ишлашни қўллаш зарур.

Оқова сувлар таркибида биоген унсурлар мавжуд бўлган, қайсики 6.2 бандда кўрсатилган меъёрлардан паст, биологик тозалаш лозим бўлган ҳолларда уларни сунъий тўлдиришни кўриб чиқиш жоиз (биогенли тўлдириш).

6.268. Реагентлар сифатида коагулянтларни (алюминий ёки темир тузлари), оҳак, флокулянтларни (неогенли, анионли ва катионли турдаги сувда эрувчан органик полимерлар) қўллаш лозим.

6.269. Реагент тури ва унинг меъёрини оқова сувларни ифлосланганлик тавсифига, уларни чиқариб ташлашнинг зарурий даражасига, маҳаллий шароитларига ва шунга ўхшашларга боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ташкилотларининг маълумотлари бўйича қабул қилиш жоиз. Саноатнинг баъзи тармоқлари оқова сувлари учун реагентлар меъёрларини 61 жадвал бўйича қабул қилиш рухсат этилади.

6.270. Сувларни коагулянтлар билан қайта ишлашда уни туршлаш ёки ишқорлаш билан рН нинг қулай қийматида тутиб туриш зарур.

Шаҳар сувлари учун рН 7,5 гача бўлганда алюминий тузини, рН 7,5 дан юқори бўлганда темир тузларини қўллаш лозим.

6.271. Оқова сувларга реагентларни тайёрлаш, меъёрлаш ва киритишни КМК 2.04.02-97 га мувофиқ кўриб чиқиш жоиз.

6.272. Реагентларни оқова сувлар билан аралаштиришни гидравлик қориштиргичларда ёки сув келтирувчи қувур ўтказгичларда КМК 2.04.02-97 га мувофиқ эътиборга олиш лозим. Механик қориштиргичларда ёки оқова сувларни тозалаш иншоотларига узатувчи насосларда аралаштиришларни қўллаш рухсат этилади.

Реагентлар сифатида темир купоросидан фойдаланилган ҳолларда шамоллатувчи қориштиргичлардан, шамоллатилувчи қум тутқичлардан ёки темир туршини гидрат оксидига айланишини таъминловчи олдиндан азраторлагичлардан фойдаланиш лозим. Бу ҳолларда қориштиргичларда туриб қолиш вақти 7 дақиқадан кам бўлмаслиги, қайта ишланаётган оқова сувга 1 дақиқада ҳаво узатиш жадаллиги 0,7-0,8 м³/м³, қориштиргич чуқурлиги 2-2,5 м бўлиши керак.

6.273. Палаҳмонланиш бўлмаларида механик ёки гидравлик аралаштиришни қўллаш жоиз.

6.274. Палаҳмонланиш бўлмаларида туриб қолиш вақтини:

Тиндириш билан коагулянтланган муаллақ чўкиндиларни ажралишида коагулянтлар учун 10-15, флокулянтлар учун – 20-30, оқова сувларни флотация билан тозалашда коагулянтлар учун – 3-5, флокулянтлар учун – 10-20 дақиқа қабул қилиш лозим.

6.275. Қориштиргичларда ва палаҳмонланиш бўлмаларида оқова сувларни реагентлар билан аралаштириш жадалигини тезликнинг ўртача градиенти қиймати бўйича, қайсики c^{-1} ни ташкил этувчини баҳолаш лозим:

коагулянтли қориштиргичлар учун – 200, с флокулянтлар билан – 300-500;

палаҳмонланиш бўлмалари учун: тиндирилишда коагулянтлар ва флокулянтлар учун – 25-50; флотациялашда – 50-75.

6.276. Сувдан коагулянтланган аралашмаларни ажратишни ушбу меъёрга биноан лойиҳалаштирувчи тиндирилиш, флотациялаш, центрифугалаш ёки сизиш билан амалга ошириш лозим.

61 жадвал

Оқова сувлар	Ифлослан тирувчи моддалар	Ифлос ланти рувчи моддалар қуюқлиги, мг/л	Реагентлар	Реагентлар меъёри, мг/л				
				оҳак	Алюминий тузи	Темир тузи	Жадал полимер бўйича анионли флокулянтлар	Жадал Полимер бўйича катионли флокулянтлар
Нефтни қайта ишлаш заводлари, нефт тушириш омборлари	Нефт маҳсулотлари	100гача 100-200 200-300	Алюминий тузлари билан бирга анионли флокулянтлар ёки уларсиз катионли флокулянтлар	– – –	50-75 75-100 100-150	– – –	0,5 1,0 1,5	2,5-5 5-10 10-15
Машиналар қурилишлари, кокс-кимё заводлари	Ёғлар	600гача	Алюминий ёки темир тузлари билан бирга анион флокулянтлар ёки уларсиз, катион флокулянтлар	–	50-300	50-300	0,5-2	5-20
Озиқ-овқат саноати, жун ювгич фабрикалари, металлни қайта ишлаш, сунъий толаларни қайта ишлаш заводлари	Ёғлар ва мойлар эмульсиялари	100 300 500 1000	Алюминий ёки темир тузларининг анионли флокулянтлар билан биргалликда ёки уларсиз	– – – –	150 300 500 700	150 300 500 700	– 0,5-3 0,5-3 0,5-3	– – – –
Целлюлоза қоғоз саноати	Рангли лиги (сульфатли лигнин), град ПКШ	950 1450 2250	худди шундай	– – –	250 275 400-500	250 275 400-500	– – –	– – –
	Рангли лиги (лигносульфат), град ПКШ	1000 2000	Оҳак СаО	1000 2500	– –	– –	– –	– –
Кўмир бойитиш фабрикаларининг шламли сувлари, кон сувлари	Кўмир зарачаларининг қуйқалари	100 гача 100-500 500-1000 1000-2000	Анионли флокулянтлар	– – – –	– – – –	– – – –	2-5 5-10 10-15 15-25	– – – –
Қоғоз ва картон фабрикалари	Целлюлоза қуйқалари	1000гача	Алюминий тузлари билан анионли флокулянтлар биргалликда катионли флокулянтлар	– –	50-300 –	– –	0,5-2 –	– 2,5-20

Шахар ва маиший	КБЭ _{тўлик}	300гача	Алюминий тузи билан анионли флокулянтлар биргаликда ёки уларсиз. Катионли флокулянтлар	– –	30-40* 40-50*	– –	0,5-1,0 –	– –
	Муаллақ чўкинди лар	350гача	Темир тузлари билан анионли флокулянтлар биргаликда ёки уларсиз, Катионли флокулянтлар	– – – –	– – – –	40-50** 100- 150*** 50-70*** –	0,5-1,0 0,5-1,0 – –	– – – 10-20
*Эслатма. Реагентлар меъёрлари тайёр маҳсулотлар бўйича, флокулянтлар * – по Al ₂ O ₃ , ** – по FeSO ₄ , *** – по FeCl ₃ лардан ташқари, жадал полимерлар бўйича келтирилган.								

Таркибида циан бўлган оқова сувларни зарарсизлантириш.

6.277. Кучли заҳарли цианидларни (оддий цианидлар, синиль туршлари, рух, мис, никель, кадмий цианидлар мажмуалари) зарарсизлантириш учун уларни таркибидаги жадал хлорнинг қиймати рН 11-11,5 бўлган реагентлар билан туршлашни қўллаш лозим.

6.278. Жадал хлор таркибли реагентларга хлорли оҳак, кальций ва натрий гипохлоритлари, суяқ хлорлар киради.

6.279. Жадал хлор меъёрини 1 мг рух, никель, кадмий, синиль туршлари ва оддий цианидларига 2,73 мг ҳамда мис ортиқчилиги 5 мг/л дан кам бўлмаган цианидлар мажмуаси учун - 3,18 мг/мг ҳисобида қабул қилиш жоиз.

6.280. Реагентлар ишчи эритмаларининг қуюқлиги жадал хлор бўйича 5-10% бўлиши керак.

6.281. Таркибида циан бўлган оқова сувларни қайта ишлаш учун, асосан, иккитадан кам бўлмаган қаршилик бўлмаларидан ташкил топган даврий таъсир қурилмаларини эътиборга олиш лозим.

Оқова сувлар билан реагентларни туташув вақти 5 дақиқа – оддий цианидларни туршлашда ва 15 дақиқа – цианидлар мажмуини туршлашда.

6.282. Оқова сувларни жадал хлор билан қайта ишлангандан кейин уларни рН 8-8,5 гача аралашмайдиган қилиш зарур.

6.283. Икки соатли тиндирилишда намлиги 98% бўлган чўкинди ҳажми қайта ишланаётган сув ҳажмини 5% ни ташкил этади.

Тиндиргичдан олдин полиакриламидни (меъёри 0,1%ли эритмада 20 мг/л) киритишда тиндирилиш вақтини 20 дақиқагача қисқартириш жоиз.

Таркибида хром бўлган оқова сувларни зарарсизлантириш

6.284. Таркибида хром бўлган оқова сувларни зарарсизлантириш учун биосульфит ёки натрий сульфат рН 2,5-3лигини қабул қилиш лозим.

6.285. Натрий биосульфит меъёрини 1 мг олти валентли хромга унинг қуюқлиги 100 мг/л гача қуюқликда 7,5 мг га ва қуюқлиги 100 мг/л дан юқорилигида - 5,5 мг/мг га тенг қабул қилиш жоиз.

6.286. Зарарсизлантирилган оқова сувларни тиндиргичларга узатишдан олдин уларни рН 8,5-9 гача оҳак сути билан аралашмайдиган қилиш лозим.

Биогенли шимдириш.

6.287. Биогенли шимдириш учун биоген қўшимчалар сифатида қуйидагиларни қабул қилиш лозим:

таркибида фосфор бўлган реагентлар – суперфосфат, ортофосфорли туршлар;

таркибида азот бўлган реагентлар – аммоний сульфати, аммиакли селитра, сувли аммиак, карбамид;

таркибида азот ва фосфор бўлган реагентлар – техника диаммоний фосфати, аммофос.

6.288. Ишчи эритмалар қуюқлигини P_2O_5 бўйича 5% гача ва N бўйича 15% гача қабул қилиш жоиз.

ОҚОВА СУВЛАРНИ АДСОРБЦИЯЛИ ТОЗАЛАШ УЧУН ИНШОТЛАР

Умумий кўрсатмалар

6.289. Оқова сувларни эриган ифлослантурувчи органик моддалардан адсорбция усули билан чуқурроқ тозалаш учун сорбент сифатида жадал кўмирдан фойдаланиш жоиз.

6.290. Жадал кўмирни оқова сувдаги зич (ҳаракатланувчи ёки қўзғалмас) бошқа ашёлардан ювилган тўкма ёки қуйқа сифатида қўллаш лозим.

Жадал кўмир юкламасининг зич қатламли адсорберлари

6.291. Адсорберлар сифатида 0,8-5 мм йирикликдаги доналанган кўмирни зич қатлами кўринишидаги юкламали босимсиз очик ва босимли сизгичлар қурилмаларини қўллаш жоиз.

6.292. Адсорберларга келувчи оқова сувлар таркибидаги муаллақ чўкиндилар 5 мг/л дан ошмаслиги керак.

6.293. Адсорбция қурилмаларининг юкламалар юзасини F_{ads} , m^2 қуйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$F_{ads} = \frac{q_w}{v}, \quad (97)$$

бу ерда: q_w – оқова сувларни ўртача соатли сарфи, $m^3/соат$;

v – 12 м/соат дан ортик қабул қилинмайдиган оқим тезлиги.

Бир адсорбер ўчирилганда бошқаларидаги сизиш тезлиги 20% дан ошиб кетмаслиги керак.

6.294. Изчил ишловчи адсорберлар сонини N_{abs} қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаш жоиз:

$$N_{ads} = \frac{H_{tot}}{H_{ads}}, \quad (98)$$

бу ерда: H_{ads} – бир сизгичнинг сорбцияли юклама баландлиги м, тузилиши бўйича қабул қилинади;

H_{tot} – сорбцияли қатламнинг умумий баландлиги, м, қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$H_{tot} = H_1 + H_2 + H_3, \quad (99)$$

бу ерда H_1 – t_{ads} даврида сорбентнинг адсорбцияли сизими K даражасига сарфланувчи сорбцияли қатлам баландлиги, м, қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$H_1 = \frac{D_{sb}^{min} q_w t_{ads}}{F_{ads} \gamma_{sb}}, \quad (100)$$

бу ерда: γ_{sb} – жадал кўмир тўкмасининг оғирлиги, g/m^3 , қўлланмалар маълумотлари бўйича қабул қилинади;

D_{sb}^{min} – сизим бўшатилиш коэффициенти K_{sb} адсорбердан тўкилувчи жадал кўмирнинг энг кичик меъёри, г/л, қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$D_{sb}^{\min} = \frac{C_{en} - C_{ex}}{K_{sb} a_{sb}^{\max}}, \quad (101)$$

бу ерда C_{en} , C_{ex} – сорбцияланувчи модданинг тозаланишгача ва тозаланишидан кейинги куюқлиги, мг/л;

K_{sb} – 0,6-0,8 га тенг қабул қилинади;

a_{sb}^{\max} – жадал кўмирнинг энг катта сорбция сифими, мг/л синовлар орқали аниқланади;

H_2 – ишлатилиш шароитлари бўйича қабул қилинувчи: t_{ads} вақт давомида C_{ex} куюқлигигача қурилма ишини таъминловчи сорбция қатлами юкламасининг баландлиги, куйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$H_2 = \frac{D_{sb}^{\max} q_w t_{ads}}{F_{ads} \gamma_{sb}}, \quad (102)$$

бу ерда: D_{sb}^{\max} – жадал кўмирнинг энг катта меъёри, г/л, куйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$D_{sb}^{\max} = \frac{C_{en} - C_{ex}}{a_{sb}^{\min}}, \quad (103)$$

бу ерда a_{sb}^{\min} – жадал кўмирнинг энг кичик сорбция сифими, мг/л, синовлар орқали аниқланади;

H_3 – H_1 баландликдаги сорбент қатламини қайтадан тўкиш ёки қайта тиклаш вақти давомида қурилма ишларини давомийлигига ҳисобланган сорбент заҳира қатлами, м.

6.295. Юкламалар заррачаларини йириклиги 0,8-5 мм бўлган доналанган кўмир қатламида босим йўқотишни 1 м қатлам юклагага 0,5 м дан ортиқ қабул қилинмаслиги жоиз.

6.296. Адсорбердан жадал кўмирни тушириб олиш 40-45 м/соат тезлик билан оқиб кетишни ҳосил қилувчи, юкламаларини 20-25% га нисбий кенгайишида насослар, гидроэлеваторлар, эрлифтлар ва шнеклар билан амалга оширишни эътиборга олиш лозим.

Босимли адсорберлардан кўмирни 0,3 МПа (3 кгс/см²) дан кам бўлмаган босим остида тушириб олиш рухсат этилади.

6.297. Нам кўмир билан тегиб турувчи металл қурилмалар, қувур ўтказгичлар, ўзаклар ва сифимлар емирилишидан муҳофазаланган бўлишлари керак.

Жадал кўмирнинг шартли суюқлантирилган қатлами адсорберлари

6.298. Адсорберларга келиб тушувчи шартли суюқлантирилган қатламли оқова сувлар гидравлик йириклиги 0,3 мм/с дан ортиқ бўлмаганда таркибидаги муаллақ моддалар 1 г/л дан юқори бўлмаслиги керак.

Адсорбердан чиқариб ташланадиган муаллақ чўкиндилари ва кўмирнинг майда зарраларини адсорберловчи аппаратлардан кейин чиқариб ташлаш жоиз.

6.299. Тўкма оғирлиги 0,7 т/м³ дан юқори бўлган адсорбентларни ҳўл ҳолида меъёрлаш рухсат этилади.

6.300. Адсорбентларнинг 0,5-1,0 м баландлиги бўйича ишчи кесими 10-15% бўлган ва диаметрлари 10-20 мм ли тешилган бўлимларга ажратувчи панжаралар ўрнатиш лозим. Бўлимларнинг самарали сони – уч-тўртта.

6.301. Адсорбердаги чиқишдаги сув оқимининг тезлигини жадал кўмир заррачалари ўлчамлари 1-2,5 мм учун 30-40 м/соат ва кўмир заррачаларининг ўлчамлари 0,25-1 мм учун 10-20 м/соат қабул қилиш жоиз.

6.302. Сувни тозалаш учун жадал кўмир меъёрини тажрибалар орқали аниқлаш лозим.

ОҚОВА СУВЛАРНИ ИОН АЛМАШТИРИБ ТОЗАЛАШ УЧУН ИНШОТЛАР

6.303. Ион алмаштириш қурилмаларини оқова сувларни ионланган маъданли ва органик бирикмалардан чуқур тозалаш учун ҳамда тозаланган сувдан ишлаб чиқаришда такрор фойдаланиш мақсадида уларни тузсизлантириш ва қимматли таркиблардан фойдаланишда қўллаш лозим.

6.304. Қурилмаларга узатиладиган оқова сувлар таркибида: тузлар - 3000 мг/л дан юқори; муаллақ чўкиндилар - 8 мг/л дан юқори; ККЭ (кислородга кимёвий эҳтиёж) - 8 мг/л дан юқори бўлмаслиги керак.

Оқова сувлар таркибида муаллақ чўкиндилар ва ККЭ ортиқ бўлганда уларни олдиндан тозалашни эътиборга олиш зарур.

6.305. Водород катионитли сизгичлардаги катионитлар ҳажмини W_{kat} , м³, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$W_{kat} = \frac{24 q_w (\sum C_{en}^k - \sum C_{ex}^k)}{n_{reg} E_{wc}^k}, \quad (104)$$

бу ерда: q_w – қайта ишланаётган сув сарфи, м³/ч;

$\sum C_{en}^k$ – қайта ишланаётган сувдаги катионлар қуюқлигининг йиғиндиси, г·эқв/м³;

$\sum C_{ex}^k$ – тозаланган сувдаги катионлар қуюқлигининг рухсат этилган йиғиндиси, г·эқв/м³;

n_{reg} – бир кеча-кундуздаги ҳар қайси сизгични қайта тиклашни сони (маълум шароитларга кўра танланади, бироқ иккитадан ортиқ эмас);

E_{wc}^k – катионитнинг ишчи алмашув сиғими, энг кам сорбиланувчи катионит бўйича, г·эқв/м³:

$$E_{wc}^k = \alpha_k E_{gen}^k - K_{ion} q_k \sum C_w^k, \quad (105)$$

бу ерда α_k – тўлиқсиз қайта тикланиш ҳисобга олувчи, қайта тикланиш самарадорлигининг коэффиценти 0,8-0,9 га тенг қабул қилинади;

E_{gen}^k – катионитнинг тўлиқ алмашув сиғими, г·эқв/м³, корхона хужжатлари маълумотлари, ионитлар рўйхати ёки тажрибалар маълумотлари бўйича аниқланади;

q_k – қайта тикланишдан сўнг катионитни ювишга сувнинг солиштирма сарфи, 1 м³ катионитга 3-4 га тенг қабул қилинади;

K_{ion} – ионит турини ҳисобга олувчи коэффицент, катионит учун 0,5 га тенг қабул қилинади;

$\sum C_w^k$ – ювувчи сувдаги катионитлар қуюқлигининг йиғиндиси (катионларни ионланган сувда ювишда).

6.306. Катионли сизгичлар юзасини F_k , м², қуйидаги ифодалар бўйича аниқлаш жоиз:

$$F_k = \frac{W_k}{H_k}; \quad (106)$$

$$F_k = \frac{q_w}{v_f}, \quad (107)$$

бу ерда: H_k – сизгичдаги катионит қатламининг баландлиги 2 м дан 3 м гача бўлган ион алмашув сизгичлар рўйхати бўйича қабул қилинади;

q_w – сув сарфи, м³/ч;

v_f – сизиш тезлиги, м/соат, 6.307 банд бўйича қабул қилинади.

(106) ва (107) ифодалар бўйича ҳисобланган майдонларнинг сезиларли оғишларида (104) ифодадаги қайта тикланиш сонига n_{reg} тузатиш киритиш лозим.

6.307. Сувни сизиш тезлиги v_f , м/соат, биринчи босқич босимли сизгичлар учун сув таркибидаги умумий тузлар қуйидагилардан ошмаслиги керак:

5 мг · экв/л гача – 20;

5-15 " – 15;

15-20 " – 10;

20дан юқори " – 8.

6.308. Биринчи босқичли катионитли сизгичлар сонини қуйидагича қабул қилиш лозим: ишчилар – иккитадан кам эмас заҳирадаги – битта.

6.309. Босимли катионитли сизгичларда босим йўқотишни 62 жадвал бўйича қабул қилиш жоиз.

62 жадвал

Сизиш тезлиги v_f , м/ч	Ионитлар доналарнинг қуйидаги ўлчамларида, мм сизгичда босим йўқотиш, м,			
	0,3-0,8		0,5-1,2	
	юкламалар қатлами баландлигида			
	2	2,5	4	2,5
5	5	5,5	4	4,5
10	5,5	6	5	5,5
15	6	6,5	5,5	6
20	6,5	7	6	6,5
25	9	10	7	7,5

6.310. Катионитни юмшатишда сув узатишнинг жадаллигини 3-4 л/(с- м²) юмшатиш давомийлигини – 0,25 соат қабул қилиш лозим. Қайта тикланишдан олдин катионитни юмшатиш учун катионит ювилган охирги сувдан фойдаланиш лозим.

6.311. Биринчи босқич катионитли сизгичларни қайта тиклашни 7-10% ли туршлаш (олтингугурт, тузли) эритмалари билан олиб бориш жоиз. Катионит қатлами орқали қайта тикловчи туршлар эритмаларини ўтказиш тезлиги 2 м/соат дан ошмаслиги керак. Катионитларни изчил ювиш ионланган сув билан амалга оширилади, катионит қатлами орқали юқоридан пастга томон 6-8 м/соат тезлик билан ўтказилади. Солиштирма сарф 1 м³ сизгич юкласига 2,5-3 м ни ташкил этади.

Ювилган сувни ҳажмининг биринчи ярми қайта тикловчи туршлар эритмалари тайёрланадиган идишга, иккинчи ярми-катионитларни юмшатиш учун сув идишларига қуйилади.

6.312. Иккинчи босқич водород катионитли сизгичларни ишқорий металллар ва аммоний катионитлари қуюқлигига кўра ва 6.305-6.309 бандларга кўра мувофиқ ҳисоблаш лозим.

6.313. Иккинчи босқич катионитли сизгичларни қайта тиклашни 7-10% ли олтингугурт турш эритмаси бажариш лозим. Туршни солиштирма сарфи 1 мг·экв катионитли ишчи алмашув сиғимига кўра 2,5 мг·экв ни ташкил этади.

6.314. Анионитли сизгичлардаги анионит ҳажмини W_{an} , м³, қуйидаги ифода билан аниқлаш жоиз:

$$W_{an} = \frac{24 q_w (\sum C_{en}^{an} - \sum C_{ex}^{an})}{n_{reg} E_{wc}^{an}}, \quad (108)$$

бу ерда: q_w – қайта ишланадиган сув сарфи, м³/соат;

$\sum C_{en}^{an}$ – қайта ишланадиган сувдаги анионлар қуюқлигининг йиғиндиси, мг·экв/л;

$\sum C_{ex}^{an}$ – тозаланган сувдаги анионлар қуюқлигининг рухсат этилган йиғиндиси, мг·экв/л;

n_{reg} – бир кеча-кундуздаги ҳар қайси сизгични қайта тикланиш сони (иккитадан ортик эмас);

E_{wc}^{an} – анионитни ишчи алмашув сиғими, мг·экв/л:

$$E_{wc}^{an} = \alpha_{an} E_{gen}^{an} - K_{ion} q_{an} \sum C_w^{an}, \quad (109)$$

бу ерда: α_{an} – анионитни қайта тиклаш самарадорлигининг коэффициенти, кучсиз асосли анионитлар 0,9 га тенг қабул қилинади;

E_{gen}^{an} – анионитнинг тўлиқ алмашув сиғими, мг·эқв/л, хужжаций маълумотлар, ионитлар рўйхати ёки тажрибалар маълумотларига асосан қабул қилинади;

q_{an} – қатронли қайта тиклашдан сўнг анионитли ювиш учун солиштирма сув сарфи, 1 м³ қатронга 3-4 м³ га тенг қабул қилинади;

K_{ion} – ионит турини ҳисобга олувчи коэффициент, анионит учун 0,8 га тенг қабул қилинади;

$\sum C_w^{an}$ – ювиладиган сувдаги анионлар қуюқлигининг йиғиндиси, мг·эқв/м³.

6.315. Биринчи босқичли анионитли сизгичларнинг сизиш юзасини F_{an} , м² қуйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$F_{an} = \frac{24 q_w}{n_{reg} t_f v_f}, \quad (110)$$

бу ерда: q_w – қайта ишланадиган сув сарфи, м³/соат;

n_{reg} – бир кеча-кундузги анионитли сизгичларни қайти тиклаш сони, иккитадан ортиқ қабул қилинмайди;

t_f – ҳар қайси сизгичнинг қайта тикланиш орасидаги ишининг давомийлиги, соат, қуйидаги ифода бўйича аниқланади

$$t_f = \frac{24}{n_{reg} - (t_1 + t_2 + t_3)}, \quad (111)$$

бу ерда t_1 – анионитни юмшатиш давомийлиги, 0,25 соатга тенг қабул қилинади;

t_2 – қайта тикловчи эритма миқдори ва уни ўтказиш тезлигига (1,5-2 м/соат) кўра аниқланувчи қайта тикловчи эритмани ўтказиш давомийлиги;

t_3 – юувчи сув миқдори ва ювилиш тезлигига (5-6 м/соат) кўра аниқланувчи, қайта тиклашдан сўнг анионитни ювилиш давомийлиги;

v_f – сувни сизилиш тезлиги, м/соат, 8–20 м/соат атрофида қабул қилинади.

6.316. Биринчи босқич анионитли сизгичларни қайта тиклашни 4-6% ли ўювчи натра эритмаси, кальцийланган сода ёки аммиак билан олиб бориш лозим; қайта тиклашга реагентни солиштирма сарфини 2,5-3 мг·эқв сорбирланган анионга тенг (1 мг·эқв анионитни ишчи алмашув сиғимига).

Икки босқичли анионлашни қурилмаларда биринчи босқич анионитли сизгичларни қайта тиклаш учун иккинчи босқич анионитли сизгичларни қайта тиклашда ишлатилган ўювчи натра эритмасидан фойдаланиш лозим.

6.317. Иккинчи босқич анионитли сизгичларни юклашни 1,5-2 м юклаш баландлигида, кучли асосли анионитлар билан амалга ошириш лозим. Иккинчи босқич анионитли сизгичлар ҳисоб-китобларини 6.314 ва 6.315 бандларга мувофиқ бажариш лозим.

Қайта ишланадиган сувни сизилиш тезлигини 12-20 м/соат қабул қилиш жоиз.

6.318. Иккинчи босқич анионитли сизгичларни қайта тиклашни 6-8% ли ўювчи натра эритмаси билан олиб бориш лозим. 1 г·эқв сорбциланган ионларга 7-8 г эқв қайта тиклашни ўтказиш тезлиги тўғри келади (1 г·эқв ишчи алмашув анионит сиғимига).

6.319. Аралаш фаолиятли сизгичларни (АФС) бир ёки икки босқичли ионлангандан кейин сувни чуқур тозалаш ва ионланган сувни рН катталигини созлаш учун эътиборга олиш лозим.

6.320. АФС ни ҳисоб-китоблари 6.307- 6.311, 6.316 ва 6.317 бандларга мувофиқ олиб борилади. Сизиш тезлиги - 50 м/соат.

6.321. Катионитни қайта тиклаш 7-10% ли олтингурут турши эритмаси билан, анионитни 6-8% ўювчи натра эритмаси билан бажариш лозим. Қайта тикловчи эритмаларнинг ўтказувчанлик тезлиги 1-1,5 м/соат ни ташкил этиши керак. Сизгичлардаги ионитларни тузсизлантириш сув билан ювиш зарур. Ионитларни ювиш жараёнида сиқилган ҳаво билан аралаштириш лозим.

6.322. Оқова сувларни ион алмаштириб тозалаш ва тузсизлантириш қурилмаларини ўзаклари, аппаратлари, қувур ўтказгичлари емирилишига қарши тайёрланган бўлиши керак.

6.323. Ионитларни қайта тиклашни элюатларни саралаш билан олиб бориш лозим. Элюатларни 2-3 таркибий қисмларга бўлиш лозим.

Элюатларни саралашда ажратилувчи таркибий қисмининг энг қуюғини зарарсизлантиришга, қайта ишлашга, фойдаланишга, унчалик қуюқмасларини – кейинги қайта тиклашларда тақрор фойдаланишга йўналтириш зарур.

ОҚОВА СУВЛАРНИ ЭЛЕКТР КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ УЧУН ИНШООТЛАР

6.324. Оқова сувларни электр кимёвий тозалаш учун аппаратлар анодлар билан қандай электролитик аралашмайдиган (электролизерлар) бўлса, шундай аралашадиган (электр коагуляторлар) бўлишлари мумкин.

Таркибида циан бўлган оқова сувларни қайта ишлаш учун электролизерлар

6.325. Таркибида циан бўлган оқова сувларни қайта ишлаш учун электролитик аралашмайдиган анодли электролизерларни (графит, металл оксидли қопламали титан ва бошқалар) ва пўлат катодларни қўллаш жоиз.

6.326. Электролизёрларни оқова сувлар сарфи 10 м³/соат гача ва цианидларни дастлабки қуюқлиги 100 мг/л дан кам бўлмаганда қўллаш лозим.

6.327. Электролизер қобиғи ичкарисидан хлор ва уни кислородли бирикмаси таъсирга чидамли ашёлар билан муҳофазаланган, газсимон водород ажралиб чиқишини йўқотувчи шамоллатгич қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

6.328. Ишчи ток I_{cur} , А, катталигини ўзгармас ва даврий таъсирли электролизерлар ишларида қуйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$I_{cur} = \frac{2,06 C_{cn} W_{el}}{\eta_{cur}} \text{ или } I_{cur} = \frac{2,06 C_{cn} q_w}{\eta_{cur}} \quad (112)$$

бу ерда: C_{cn} – оқова сувлардаги цианидларнинг дастлабки қуюқлиги, г/м³;

W_{el} – электролизердаги оқова сув ҳажми, м³;

η_{cur} – оқим бўйича чиқиш, 0,6-0,8 га тенг қабул қилинади;

2,06 – электрни солиштирма сарфи коэффициенти, А·с/г;

q_w – оқова сув сарфи, м³/с.

6.329. Анодларнинг умумий юзасини f_{an} , м², қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$f_{an} = \frac{I_{cur}}{i_{an}}, \quad (113)$$

бу ерда: i_{an} – аноднинг ток зичлиги, 100–150 А/м² га тенг қабул қилинади.

Анодлар умумий сонини N_{an} қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$N_{an} = \frac{f'_{an}}{f_{an}}, \quad (114)$$

бу ерда: f'_{an} – бир анод юзаси, м².

Алюмин электродли электр коагулянтлагичлар

6.330. Ясси алюмин электродли электр коагулянтлагичлар ёғ қуюқлиги 10 г/л дан ортиқ бўлмаган, металлларни қирқиш ва босим билан қайта ишлашда ҳосил бўладиган оқова сувлар таркибидаги ёғ қуюқлигини тозалаш учун (ишлатилган суртиб-совутгич суяқликлар) қўллаш лозим.

Таркибида янада кўпроқ ёғлар бўлган оқова сувларни олдиндан аралаштириб юбориш зарур. Тозаланган оқова сувлардаги қолдиқ ёғлар қуюқлигини 25 мг/л дан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.331. Электр коагулянтлагичларни лойиҳалашда қуйидагиларни аниқлаш зарур:
Электродлар юзасини f_{ek} , м², ушбу ифода бўйича:

$$f_{ek} = \frac{q_w q_{cur}}{i_{an}}, \quad (115)$$

бу ерда: q_w – аппарат қуввати, м³/соат;

q_{cur} – электрни солиштирма сарфи, А·соат/м³, 63 жадвал бўйича қабул қилиш рухсат этилади;

i_{an} – токнинг электрод зичлиги, А/м²; $i_{an} = 80-120$ А/м²;

ток кучини I_{cur} , А, қуйидаги ифода бўйича:

$$I_{cur} = q_w q_{cur}; \quad (116)$$

Электрод блоки қобирғасининг узунлиги l_b , м, қуйидаги ифода бўйича:

$$l_b = 0,1 \sqrt[3]{f_{ek}(\delta + b)}, \quad (117)$$

бу ерда: δ – ясси электрод қалинлиги, мм; $\delta = 4-8$ мм;

b – электродлар аро бўшлиқ катталиги, мм; $b = 12-15$ мм.

Оқова сувни тозалаш учун алюминийни солиштирма сарфини q_{Al} , г/м³, 63 жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

6.332. Оқова сувларни электр кимёвий қайта ишлангандан кейин 60 дақиқа тиндирилиши лозим.

6.333. Оқова сувларни олдиндан тузли (афзалроқ) ёки олтингугурт туршлар билан рН киймати 4,5-5,5 гача туршлаш лозим.

6.334. Ясси электродларни блок шаклида йиғиш лозим. Электр коагулянтлагичлар сув тақсимлагич қурилмалар, кўпик маҳсулотларини чиқариб ташлаш учун мосламалар, тозаланган сув ва шламларни чиқариш учун ускуналар, сув сатҳини назорати учун асбоблар, токни созловчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

*Эслатма. Электр коагулянтлагич токни созловчи қурилма билан фақат доимий ток манбасида у бўлмаган ҳолдагина таъминланади.

6.335. Электрод ашёси сифатида алюминий ёки уни қотишмаси, таркибида мис бўлган қотишмалардан ташқари, қўллаш лозим.

6.336. Тортувчи шамоллатгич тизимлар қувватини ҳисоб-китобларини ажралиб чиқадиган водород микдорига кўра бажариш лозим, бунда шамоллатгич қувватини q_{fan} , м³/соат, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$q_{fan} = (40-50) W_{ek} q_H; \quad (118)$$

бу ерда: q_H – ажралиб чиқадиган водороднинг солиштирма ҳажми, л/м³, 63 жадвал бўйича қабул қилиш рухсат этилади.

63 жадвал

Технологик ўлчамлар	Таркибидаги ёғлар, г/м ³										
	2000	2500	3000	3500	4000	4500	5000	5500	6000	8000	10 000
q_{cur} , А·соат/м ³	180	225	270	315	360	405	430	495	540	720	860
q_{Al} , г/м ³	60	75	92	106	121	136	151	166	182	242	302
q_H , л/м ³	85	95	113	132	151	170	184	208	227	303	368

Пўлат электродли электр коагулянтлагичлар

6.337. Пўлат электродли электр коагулянтлагичларни саноатнинг турли тармоқлари корхоналарининг оқова сувларини олти валентли хромдан ва оқова сувлар сарфи

50 куб.м/соат дан ортик бўлмаган, 6 валентли хром қуюқлиги 100 мг/л гача бўлган бошқа металллардан, дастлабки умумий таркибидаги ионлар (рух, мис, никель, кадмия, уч валентли хром) 100 мг/л гача, ҳар қайси металл ионлари қуюқлиги 30 мг/л гача бўлган рангли металллар, умумий энг кичик таркибидаги тузлар 300 мг/л, муаллақ чўқиндилар қуюқлиги 50 мг/л гача бўлган оқова сувларни тозалаш учун қўллаш лозим.

6.338. Оқова сувларнинг рН катталигини оқова сувларда бир вақтнинг ўзида қуйидагилар мавжудлигида таркиб топиши керак:

олти валентли хромлар, мис ва рух ионлари:

50-100 мг/л хром қуюқлигида 4-6;

20-50 " " " " 5-6;

20 дан кам " " " " 6-7;

Олти валентли хром, никел ва кадмий:

50 мг/л дан юқори хром қуюқлигида 5-6;

50 мг/л дан кам хром қуюқлигида 6-7;

мис, рух ва кадмий ионлари (олти валентли хром бўлмаганда) – 4,5 дан юқори;

никель ионлари (олти валентли хром бўлмаганда) – 7 дан юқори.

6.339. Электр коагулянтлагичлар қобиғи ичидан туршга чидамли ҳимоялар билан муҳофазаланган ва шамоллатгич қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

6.340. Электр коагулянтлагичларни лойихалашда қуйидагиларни қабул қилиш жоиз:

токнинг анодли зичлиги – 150-250 А/ м²;

оқова сувларни электр коагулянтлагичда туриб қолиш вақти – 3 дақиқагача;

қўшни электродлар оралиғидаги масофа – 5-10 мм;

электрод оралиғидаги бўшлиқда оқова сувлар ҳаракатининг тезлиги 0,03 м/с дан кам эмас;

оқова сувлардан 1 г Cr⁶⁺, Zn²⁺, Ni²⁺, Cd²⁺, Cu²⁺ чиқариб ташлаш учун солиштирма электр сарфи оқова сувларда фақат бир таркиб мавжудлигида – мувофиқ равишда 3,1, 2-2,5, 4,5-5, 6-6,5 и 3-3,5 А соат;

оқова сувлардан 1 г олти валентли хромни чиқариб ташлаш учун темир металлининг солиштирма сарфи – 2-2,5 г, 1 г никель, рух, мис, кадмийни чиқариб ташлаш учун темир металлининг солиштирма сарфи – мувофиқ равишда 5,5-6, 2,5-3, 3-3,5 и 4-4,5 г.

6.341. Оқова сувлардаги бир таркиб мавжудлигида ток қийматини I_{cur} , А, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$I_{cur} = q_w C_{en} q_{cur}, \quad (119)$$

бу ерда: q_w – аппарат қуввати, м³/с;

C_{en} – оқова сувлардаги чиқариб ташланадиган таркибнинг дастлабки қуюқлиги, г/м³;

q_{cur} – оқова сувлардан 1 г металл ионини чиқариб ташлаш учун зарур бўлган солиштирма электр сарфи, А·с/г.

Оқова сувларда бир неча таркиб мавжудлигида олти валентли хром қуюқлигининг 50% дан кам оғир металллар ионлари қуюқлигининг йиғиндисиде ток катталигини (119) ифода бўйича аниқлаш жоиз, бунда ифодадаги C_{en} ва q_{cur} қийматларини олти валентли хром учун олиш лозим. Олти валентли хром қуюқлигининг 50% дан юқори оғир металл ионлари қуюқлиги йиғиндисиде (119) ифода бўйича аниқланувчи ток катталигини 1,2 марта ошириш лозим, C_{en} ва q_{cur} қийматларини эса ушбу катталиқлар ҳосиласи каттароқ бўлган таркиблардан бири учун қабул қилинади.

6.342. Анодлар умумий юзасини f_{pl} , м², қуйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$f_{pl} = \frac{I_{cur}}{i_{an}}, \quad (120)$$

бу ерда: i_{an} – токнинг анодли зичлиги, А/м².

Оқова сувлардаги олти валентли хром ва оғир металллар ионлари қуюқлигининг йиғиндиси 80 мг/л, гача бўлганда, 80-100, 100-150 и 150-200 мг/л ораликлардаги токнинг анодли зичлигини мувофиқ равишда 150, 200, 250 и 300 А/м² қабул қилиш лозим.

6.343. Бир электрод юзасини f_{pl} , м², қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$f_{pl} = b_{pl} h_{pl}, \quad (121)$$

бу ерда: b_{pl} – ясси электрод кенглиги, м;

h_{pl} – ясси электроднинг ишчи баландлиги (суюқликка ботирилган ясси электрод қисми баландлиги), м.

6.344. Умумий зарур ясси электродлар сонини N_{pl} қуйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$N_{pl} = \frac{2 f_{pl}}{f_{pl}}. \quad (122)$$

Бир электрод блокадаги ясси электродларнинг умумий сони 30 дан ошмаслиги керак. Ортиқча ҳисобий сонларда бир нечта электрод блокларини эътиборга олиш зарур.

6.345. Электр коагулянтлагичнинг иш ҳажмини W_{ek} , м³, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$W_{ek} = f_{pl} b, \quad (123)$$

бу ерда: b – қўшни электродлар оралигидаги масофа, м.

Оқова сувларни қайта ишлаш учун темир металлининг сарфини Q_{Fe} , кг/сут, уларда фақат битта таркиб мавжудлигида қуйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$Q_{Fe} = \frac{Q_w C_{en} q_{Fe}}{1000 K_{ek}}, \quad (124)$$

бу ерда: q_{Fe} – оқова сувлардан бир таркибни 1 г ни чиқариб ташлаш учун темир металлин солиштирма сарфи, г.;

K_{ek} – 0,6-0,8 га тенг қабул қилинувчи ясси электрод қалинлигига кўра электродлар ашёларидан фойдаланиш коэффициентини;

Q_w – оқова сувлар сарфи, м³/сут.

Оқова сувларда бир вақтнинг ўзида бир неча таркибларнинг мавжудлиги ва оқова сувларни қайта ишлаш учун темир металлининг сарфи олти валентли хром куюқлигининг 50% дан кам бўлган оғир металллар ионлари куюқлигининг йиғиндисиди (124) ифода бўйича аниқлаш жоиз, қайсики q_{Fe} ва C_{en} қийматлари ўрнига олти валентли хром учун қўйилади.

Оқова сувларда бир вақтнинг ўзида бир неча таркибларнинг мавжудлигида ва темир металлининг сарфи олти валентли хром 50% дан кам бўлган оғир металллар ионлари куюқлигининг йиғиндисиди q_{Fe} ва C_{en} қийматларини эса ушбу катталиклар ҳосиласи каттароқ бўлган таркиблардан бири учун нисбатан олиб, 1,2 коэффициентини билан (124) ифода бўйича аниқлаш жоиз.

ОҚОВА СУВЛАР ЧЎКИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН ИНШООТЛАР

Умумий кўрсатмалар

6.346. Оқова сувларни тозалаш (олтингургурт, ортиқча жадал балчиқ ва бошқалар билан) жараёнида ҳосил бўлувчи чўкиндилар улардан фойдаланиш ёки йиғиш имконини берувчи қайта ишлаш керак. Бунда чўкинди ва металл газидан фойдаланиш халқ хўжалигидаги самарадорлигини, фойдаланмайдиган чўкиндиларни тозалашда пайдо бўладиган оқова сувларни тозалашни ташкил этишни инобатга олиш зарур.

6.347. Чўкиндиларни барқарорлаштириш, сувсизлантириш ва зарарсизлантириш усулларини танлаш маҳаллий шароитлар (иқлимий, гидрогеологик, шахарсозлик, қишлоқ хўжалиқ техникалари ва бошқалар), унинг физик-кимёвий ва иссиқлик физикаси тавсиялари, сув бериш қобилиятлари мутахассислаштирилган илмий-тадқиқот ташкилотлари тавсиялари бўйича аниқланиши керак.

6.348. Шаҳар оқова сувлари чўкиндилари хақидаги қоидаларга биноан шаҳар ва таркиби жиҳатдан унга яқин ишлаб чиқаришнинг қайта ишланган оқова сувлар чўкиндиларидан маъданли органик ўғитлар сифатида фойдаланишни эътиборга олиш жоиз.

Бижғитилган ва сувсизлантиришдан олдин чўкиндиларни шиббалагичлар ҳамда қуюқлаштиргичлар

6.349. Чўкинди шиббалагичлар ва балчиқ шиббалагичларни чўкиндиларни изчил қайта ишлаш бўйича иншоотлар қувватини оширишни таъминловчи чўкиндиларни ҳажмини камайтириш учун қўллаш лозим.

Ушбу мақсадлар учун тик ва радиал турдаги гравитацияли балчиқ шиббалагичлар, кориштиргичли чўкинди шиббалагичлар, флораторлар қўлланилади.

Балчиқ шиббалагичлар ўрнига сепараторлардан фойдаланиш мумкин.

Хўл чўкиндилар уларни метантенкларда қайта ишлашга узатишдан олдин гидроциклонлардан сўнг шиббаланиши керак.

Жадал балчиқ қандай мустақил шиббаланса, шундай бирламчи тиндиргич ва чўкиндиларни центрофугалашдан фугатлар билан чўкиндиларни аралашмасида шиббаланиши мумкин.

6.350. Радиал ва ётиқ балчиқ шиббалагичларни лойиҳалашда қуйидагиларни қабул қилиш жоиз:

- шиббаланган чўкиндиларни гидростат босим остида чиқариш 1 м дан кам эмас;
- балчиқ сўргичлар ёки балчиқ кураклари чўкиндиларни чиқариб ташлаш учун;
- аэротенкларга балчиқ шиббалагичлардан балчиқли сувлар узатиш;
- балчиқ шиббалагичлар сони иккитадан кам эмас, иккаласи ҳам ишчи.

6.351. Гравитация балчиқ шиббалагичларни ҳисоб-китоблари учун маълумотларни 64 жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

64 жадвал

Чўкиндилар ва ортиқча жадал балчиқ тавсифи	Чўкинди, шиббаланган балчиқ намлиги, P_{mud} , %		Шиббаланиш вақти, t соат.	
	тик	радиал	тик	радиал
иლა	Шиббалагич			
Гидроциклонлардан кейинги намлиги 98% ли бирламчи тиндиргичлар чўкиндилари	95	–	12 дан ортиқ эмас	–
Хўл чўкиндилари ва 99,2% намликдаги ортиқча балчиқ аралашмаси	95-97	95	6-8	9-10
99,5% намликдаги жадал ортиқча балчиқ	98,2	97,3	6-8	10-12
99,6-99,4% намликдаги аэротенк-тиндиргичларнинг тиндириш минтақаларидан жадал балчиқ	97,0	96,0	10-12	16
98- 98,5% ли барқарорлашган чўкиндилари аралашмаси	97-97,5	–	4-8	–
96% ли биологик сизгичлардан кейинги чўкиндилар (ортиқча биопарда)	92	–	9-11	–

*Эслатмалар. 1. Шиббаланган ортиқча балчиқ намлиги уни шамоллатгичли барқарорлаштиргичга узатиш шартига кўра қабул қилинган.
2. Ишлаб чиқариш оқова сувларини ортиқча балчиқни шиббалаш давомийлигига унинг хусусиятларига кўра ўзгариши рухсат этилади.

Гравитация балчиқ шиббалагичлар

6.352. Балчиқ шиббалагичлар балчиқ сарфини $K=1,3$ билан ҳисоблаш жоиз.

Зарурий тиндириш минтақаси ҳажмини W_{et} , m^3 , қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаш жоиз:

$$W_{et} = \frac{Q_{mud} \cdot T_{et}}{24} \cdot 1,3 \quad (125)$$

бу ерда: Q_{mud} – шиббалашга узатиладиган балчиқ миқдори, $m^3/сут.$;

T_{et} – балчиқли тиндирилиши минтақасида туриб қолиш вақти 3-6 соатга тенг қабул қилинади.

Қаттиқ ҳолатдаги шиббалаш минтақасининг зарурий ҳажми, m^3 , :

$$W_{up} = \frac{Q_3 \cdot T_{et}}{24} \cdot 1,3, \quad (126)$$

бу ерда: Q_3 – шиббалагичлар минтақасидаги балчиқ миқдори, $m^3/сут.$;

T_{up} – қаттиқ ҳолатда шиббалагич минтақасида туриб қолиш вақти, 12 соатдан ортиқ қабул қилинмайди.

Шиббаланган (чўкинди) балчиқ миқдори берилган P_{mud} % намликка кўра (64 жадвалда) аниқланади, $m^3/кеча-кундузда$:

$$Q_{up} = \frac{G \cdot 100}{100 - P_{mud}} \cdot 1,3 \quad (127)$$

бу ерда: G – шиббаланишга (чўкинди) балчиқларни қуруқ ҳолидаги миқдори, т/кеча-кундузда. Қуйилувчи сув миқдори, $m^3/кеча-кундузда$:

$$Q_{si} = Q_{mud} - Q_{up} \quad (128)$$

Қуйилган сув қайта ишлашга йўналтирилган ёки чўкиндиларни центрифугага ёки асосланган ҳолларда бошқа иншоотларга узатишдан олдин аралаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Флотацияли балчиқ шиббалагичлар

6.353. Жадал балчиқни флотацияли қуюклантириш учун думалоқ ёки тўғри бурчак шаклидаги сиғимлардан фойдаланиш билан босимли флотация усулини қўллаш жоиз. Флотация шиббалагични балчиқ ҳажмини ҳаво билан бевосита тўйинтириш каби, шундай тиндирилган сувни айланувчи қисмини ҳам тўйинтириш лозим.

6.354. Тўйинтириш босимли 0,8 Мпа га тенг қабул қилинади.

Балчиқли аралашма ҳажмидан ҳавога тўйинган сув сарфи 10-12% қабул қилинади, $m^3/соат$:

$$G_v = \frac{Q_{mud} \cdot 10(12)}{100 \cdot 24} \quad (129)$$

Балчиқли аралашма ва ишчи сув сарфларини йиғиндиси, $m^3/соат$:

$$G_i = G_v + Q_{mud} \quad (130)$$

Флотациялаш вақтида T_f зарурий флотатор ҳажми, m^3 :

$$W_f = G_i + T_f \quad (131)$$

Флотаторда туриб қолиш вақти 0,7-1,0 соат қабул қилинади.

Шиббаланган балчиқнинг натижадаги намлиги 94,5-95,0%.

Шиббаланган балчиқ ва қуйилиш сувлари миқдорини (127) ва (128) ифодалар бўйича аниқланади.

Метантенклар

6.355. Бижғишдан таркибида метан бўлган газларни олиш ва барқарорлаштириш мақсадида шаҳар оқова сувлари чўкиндиларини анаэроб бижғитиш учун метантенклардан фойдаланиш лозим, бунда чўкиндилар таркибидаги газнинг чиқишига таъсир этувчи ва бижғитиш жараёнини тўхтатувчи моддалар мавжудлигини инобатга олиш зарур.

Метантенкларга сувоқова чўкиндилари билан бирга бошқа бижғувчи органик моддаларни уларни майдалангандан сўнг узатиш рухсат этилади (улардан чиқадиган ахлатлар, панжарадан чиқарилган чиқиндилар. Органик ҳосил бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари ва шунга ўхшашлар).

6.356. Метантенкларда чўкиндиларни бижғиши учун мезофиль ($T = 33^{\circ}\text{C}$) ёки термофиль ($T = 53^{\circ}\text{C}$) тартибни қўллаш рухсат этилади.

6.357. Бижғишни талаб этилган тартибда тутиб туриш учун куйидагиларни эътиборга олиш жоиз:

чўкиндиларни метантенкларга, асосан бир кеча-кундуз давомида бир меъёрда юклаш;

метантенкларни эжектрловчи курилмалар орқали чиқарилувчи ўткир буғ билан иситиш ёки иссиқлик алмашув аппаратларида метантенкларга узатиладиган чўкиндиларни иситиш. Зарурий иссиқлик миқдорини метантенкларни атроф муҳитга иссиқлик йўқотишларини инобатга олган ҳолда аниқлаш лозим.

6.358 Метантенклар сиғимларини аниқлашда 65 жадвал бўйича қабул қилинувчи шаҳар оқова сувлари чўкиндилари учун бир кеча-кундузги юкламалар меъёри бўйича чўкиндиларнинг ҳақиқий намлигига кўра, ишлаб чиқариш оқова сувлари чўкиндилари учун эса – тажрибалари маълумотлари асосида олиб бориш лозим; оқова сувлардаги анионли юзаки фаол моддаларнинг (ЮФМ) мавжудлигида, бир кеча-кундуздаги юкламалар меъёрини 6.359 бандга мувофиқ текшириш жоиз.

65 жадвал

Бижғиш тартиби	Юкланадиган чўкиндилари намлиги куйидагилардан ортик бўлмаганда, % метантенкка юкланадиган чўкиндиларни бир кеча-кундузги меъёри D_{mt} , %				
	93	94	95	96	97
Мезофиль	7	8	8	9	10
Термофиль	14	16	17	18	19

6.359. Оқова сувларда (ЮФМ)мавжудлигида 65 жадвал бўйича қабул қилинган бир кеча-кундузги юкламалар меъёри қийматини D_{mt} , %, куйидаги ифода бўйича текшириш жоиз:

$$D_{mt} = \frac{10 D_{lim}}{C_{dt} (100 - P_{mud})}, \quad (132)$$

бу ерда: C_{dt} – чўкиндилар таркибидаги ЮФМ, мг/г курук чўкиндилари моддаси, тажрибалар маълумотлари ёки 66 жадвал бўйича қабул қилинади;

P_{mud} – юкланувчи чўкиндилари намлиги, %;

D_{lim} – метантенкни ишчи ҳажмини бир кеча-кундузги рухсат этилган чегаравий юкланиши, куйидагича қабул қилинади, г/м³:

40 – тўғри алкил занжирли алкилбензолсульфонатлар учун;

85 – бошқа “юмшоқ” ва оралик ЮФМ анионлар учун;

65 – маиший оқова сувлардаги анионли ЮФМ учун.

Агар (132) ифода бўйича

аниқланган бир кеча-кундузги меъёрининг қиймати 65 жадвалда келтирилган чўкиндиларнинг берилган намлиги учун кам бўлса, унда метантенк сиғимини юклама меъёрини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Агар тенг ёки ортик бўлса – қайта кўриб чиқиш керак эмас.

66 жадвал

Бир кеча-кундузги сувдаги ЮФМ нинг дастлабки қуюқлиги, мг/л	Чўкиндилари курук моддалари таркибидаги ЮФМ, мг/л	
	Бирламчи тиндиргичлардан чўкиндилари	Ортиқча жадал балчиқ
5	5	
10	9	5
15	13	7
20	17	7
25	20	12
30	24	12

6.360. Юкламалар меъёрларига кўра юкланувчи чўкиндилари R_r , % кулсиз моддаларини тарқалишини куйидаги ифода бўйича аниқлаш жоиз:

$$R_r = R_{lim} - K_r D_{mt}, \quad (133)$$

бу ерда: R_{lim} – (134) ифода аниқланувчи юкланувчи чўкиндилари кулсиз моддаларини мумкин бўлган энг катта бижғиши, %;

K_r – чўкинди намлигига боғлиқ бўлган ва 67 жадвал бўйича қабул қилинувчи коэффициентни;

D_{mt} – юкланувчи чўкинди меъёри, %, 6.358 бандга биноан қабул қилинади.

67 жадвал

Бижғитиш тартиби	Юкланувчи чўкиндилари куйидаги намлигида, % K_r коэффициентнинг қиймати				
	93	94	95	96	97
Мезофилъ	1,05	0,89	0,72	0,56	0,40
Термофилъ	0,455	0,385	0,31	0,24	0,17

6.361. Юкланувчи чўкинди кулсиз моддаларини мумкин бўлган энг катта бижғишини R_{lim} , %, чўкиндининг кимёвий таркибига кўра куйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$R_{lim} = (0,92 C_{fat} + 0,62 C_{gl} + 0,34 C_{prt}) 100, \quad (134)$$

бу ерда: C_{fat} , C_{gl} , C_{prt} – 1 г кулсиз моддали чўкиндилари таркибидаги мувофиқ равишдаги мойлар, углеводлар ва оксиллар.

Чўкиндиларнинг кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар бўлмаган ҳолларда R_{lim} қийматини куйидагича қабул қилиш рухсат этилади: бирламчи тиндиргичлардаги чўкиндилари учун – 53%; ортиқча жадал балчиқ учун – 44%; жадал балчиқли чўкиндилари аралашмалари учун – кулсиз моддалар бўйича аралаш таркибларни ўртача арифметик нисбати бўйича.

6.362. Бижғишдан ҳосил бўладиган газнинг оғирлик миқдорини 1 г, газни ҳажмини оғирлигини – 1 кг/м³, иссиқлик қайтариш қобилияти – 5000 ккал/м³ қабул қилиш жоиз.

6.363. Метантенклардан тушириб олинган чўкиндилар намлигини 6.360 бандга биноан аниқланувчи кулсиз моддаларни тарқалишини инobatган олган ҳолда юкланувчи таркибларини куруқ моддалари бўйича нисбатига кўра қабул қилиш лозим.

6.364. Метантенкларни лойиҳалашда куйидагиларни эътиборга олиш жоиз:

жиҳозлар ва хизмат кўрсатиш хоналарини ГОСТ 12.3.006-75 га мувофиқ ёнгиндан портлаш хавфсизлиги бўйича тадбирлар;

5 кПа (500 мм сув. уст.) гача бўлган газнинг ортиқча босимига ҳисобланган метантенкларнинг зич бекитилган сиғимлари;

метантенклар сони – иккитадан кам эмас, бунда барча метантенклар ишчи бўлишлари керак;

метантенк диаметрини уни баландлигига нисбати (тубдан газ йиғич бўйининг асосига) – 0,8-1дан ортиқ эмас;

чўкиндининг статистик сатҳининг жойлашиши – бўйин асосидан 0,2-0,3 м юқори, бўйин юқориси эса чўкиндининг динамик сатҳидан 1,0-1,5 м юқори;

газ йиғич бўйиннинг юзаси – бир кеча-кундузда 1 м² га 600-800 м³ газ ўтказиш шартига кўра;

газли қалпоқдан газни чиқариб юбориш учун қувурларни очиқ учларини жойлашиши – динамик сатҳдан 2 м дан кам бўлмаган баландликда;

чўкиндиларни метантенкни юқори минтақасига юклаш ва пастки минтақасидан тушириб олиш;

метантенкларни сиғимларини бўшатиш тизимларини – пастки минтақасидан юқорисига узатиш имкониятлари билан;

барча қувур ўтказгичларни ювиш имконини таъминловчи ўчириб - ёқишлари;
5-10 соат давомида барча тартибсиз моддаларни ўтказишга ҳисобланган қориштиргич қурилмалари;

зич бекиладиган тушиш туйнуклари; кузатув туйнуклари;

метантенклардан асосий станциялар иншоотларигача, майдон ичи автомобиль ва темир йўлларигача – 20 м дан кам эмас, юқори вольтли тармоқларигача – 1,5 таянч баландлигида кам эмас;

метантенклар ҳудудларини тўсиш.

6.365. Метантенкларда чўкиндиларни бижғиши натижасида олинувчи газлардан тозалаш станцияларининг ва яқин жойлашган объектлар иссиқлик қуввати хўжаликларида фойдаланиш жоиз.

6.366. Метантенклар газ хўжаликларини лойиҳалашни (газ йиғич бўлимлари, газ тармоқлари, газгольдер ва шунга ўхшаш) Ўзбекистон Республикаси Давлат тоғқонназорати ва Ўзбекистон Республикаси Коммуналхизматқўрсатиш Вазирлигининг 1995 й “Ўзбекистон Республикаси газ хўжалигидаги хавфсизлик қоидалари” билан мувофиқ равишда амалга ошириш лозим.

6.367. Газ босимини ростлаш ва газни сақлаш учун сиғими 2-4 соатли газ чиқишига, қалпоқ остидаги газ босими – 1,5-2,5 кПа (150-250 мм сув. уст.) ҳисобланган хўл газгольдерларни эътиборга олиш лозим.

6.368. Асосланган ҳолларда ўртача йиллик ҳарорати 6°C дан паст бўлмаган ҳудудларда ва балчиқли майдончаларни жойлаштириш учун ҳудудларни чегараланганлигида икки босқичли метантенкларни қўллаш рухсат этилади.

6.369. Биринчи босқичли метантенкларни 6.355-6.364 бандларга биноан мезофилли бижғишларида лойиҳалаш жоиз.

6.370. Иккинчи босқичли метантенкларни иситишсиз очиқ сиғимлар қўринишида лойиҳалаш жоиз.

Балчиқли сувларни чиқаришни иншоотнинг баландлиги бўйича турли сатҳларда, чўкиндиларни йиғма чуқурчадан диаметри 200 мм дан кам бўлмаган балчиқ қувурлари бўйича 2 м дан кам бўлмаган гидростатик босим остида чиқариб ташлашни эътиборга олиш лозим.

Иккинчи босқичли метантенклар сиғимини бир кеча-кундузги юклаш меъёрига кўра 3-4% га тенг ҳисоблаш лозим.

Иккинчи босқичли метантенклар йиғилиб қоладиган пўстлоқларни йўқотиш учун механизмлар билан жиҳозлаш лозим.

6.371. Иккинчи босқичли метантенклардан чиқариб ташланадиган чўкиндилар намлигини: чўкиндиларни бирламчи тиндиргичларда бижғишида – 92, чўкиндиларни ортиқча жадал балчиқ билан бирга бижғишида – 94% қабул қилиш лозим.

Шамоллатишли барқарорлаштиргичлар

6.372. Шамоллатишли барқарорлаштиргичларга шиббаланмаган ёки шиббаланган жадал балчиқларни, шунингдек уларни хўл чўкиндилар ёки фугутлар билан аралашмаларини йўналтириш рухсат этилади. Кесиб тушувчи аралашмалар намлиги 98,2% дан ортиқ эмас.

6.373. Для аэробной стабилизации следует предусматривать сооружения типа коридорного аэротенка, секционированного с поперечными перегородками, с водосливами.

Барқарорлаштиргич сони иккитидан кам қабул қилинмаслиги керак.

Шамоллатиш жадаллиги ва катакларнинг нисбий ҳажмлари 68 жадвал бўйича қабул қилиниши лозим.

68 жадвал

Бўлимлар тартиб	Барқарорлаштиргич ҳажмига нисбатан бўлимлар ҳажми, в %	Барқарорлаштиргичга умумий сарфдан % лардаги ҳаво сарфи
-----------------	--	---

рақамлари		
1	2	3
1	25-35	35-40
2	12-20	25-30
3	10-12	10-15
4	10-12	6-10
5	8-10	5
6	8-10	5
7	8-10	5
8	8-10	5

Барқарорлаштиригичдаги шамоллатиш жадаллиги $6 \text{ м}^3/\text{м}^2$ соат дан кам бўлмаслиги керак.

Барқарорлаштиригични ҳар бир катакчасигача ўз ҳаво сарфини созлагичини эътиборга олиш лозим.

Сизгичловчи унсурлар ҳар қайси бўлим туби бўйича девор ёнлаб 2 гуруҳ бўлиб жойланадилар. Сизгичловчи унсурлар кўп бўлган ҳолларда уларни 3 гуруҳли жойлаштириш лозим: 2-девор ёнлаб, 1 –ўртада.

Барқарорлаштиригич шамоллатиш давомийлигини 18°C ҳароратда қабул қилиш жоиз:

- зарарсизлантирилган чўкиндилар (дегельминтизация бўлмаларидан кейин) 3 кеча-кундуз;

- бирламчи чўкинди ва шиббаланган жадал балчиқ аралашмаси – 5,5 кеча-кундуз;

- бижғиган чўкинди ва шиббаланган жадал балчиқ аралашмаси – 3 кеча-кундуз;

- бижғиган чўкинди ва шиббаланган жадал балчиқ ҳамда фугатлар аралашмаси– 4 кеча-кундуз.

Чўкинди ҳароратини ўзгарганида барқарорлаштиригич шамоллатиш давомийлиги T_1 куйидаги ифода бўйича ўзгаради:

$$T_1 = 1,05 \cdot T^{(20-1)}$$

6.374. 1 м^3 чўкиндилар аралашмасини биокимёвий оксидланиши учун зарурий ҳавонинг солиштирма миқдори куйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$D = \frac{q \cdot S_0 \cdot 1000}{K_1 \cdot K_2 \cdot K_T \cdot K_3 \cdot (C_a - C)}$$

бу ерда: D – балчиқ аралашмасининг ҳаво солиштирма сарфи, $\text{м}^3/\text{м}^2$;

q – 1 г аралашмани биокимёвий оксидланиши учун зарурий кислород солиштирма миқдори;

S_0 – барқарорлаштирилишига тушаётган балчиқдаги кулсиз модда куюқлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$;

K_1, K_2, K_T, K_3, C_a – 6.156 бандда келтирилган маълумотлар бўйича;

C – барқарорлаштиригичдаги кислород куюқлиги, 1-2 мг/л.

Ишлаб чиқариш оқова сувларининг чўкиндилари учун жараёнлар давомийлигини тажрибалар орқали аниқлаш жоиз.

6.375. Шамоллатиб барқарорлаштиришга ҳисобий сарфни мувофиқ равишда 98,2-97,5% чўкинди куюқлигига кўра 1 м^3 барқарорлаштиригич сизимига 1-2 $\text{м}^3/\text{соат}$ қабул қилиш лозим

Чўкиндиларни механик сувсизлантириш учун иншоотлар

6.376. Механик сувсизлантириш лозим бўлган шаҳар оқова сувлари чўкиндилари олдиндан қайта ишланишлари шиббаланиши, ювилиши (бижғиган чўкиндилар учун), кимёвий реагентлар билан коагулянтланиши керак. Ишлаб чиқариш оқова сувлари чўкиндиларини олдиндан қайта ишлаш зарурлиги тажрибалар орқали белгиланиши лозим.

6.377. Ҳавосиз бўшлиқ сизгичларда ёки сизгич – зичлагичларда бижғиган чўкиндиларни сувсизлантиришдан олдин уларни тозаланган оқова сувлар билан ювишни эътиборга олиш лозим.

Юувчи сувлар миқдорини куйидагича қабул қилиш лозим, $\text{м}^3/\text{м}^3$:

бижғиган нам чўкиндилар учун – 1-1,5;

мезофиль шароитида бижғиган нам чўкиндилари ва ортикча жадал балчиклар аралашмаси учун – 2-3;

шундай, термофиль шароитларда – 3-4.

Чўкиндининг солиштирма қаршилиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлганда, ювувчи сув сарфини q_{ww} , м³/м³, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$q_{ww} = \lg (r_{mud} \cdot 10^{-10}) - 1,8, \quad (135)$$

бу ерда: r_{mud} – чўкиндининг солиштирма қаршилиги, см/г.

6.378. Ювиш давомийлигини 15-20 дақиқа, чўкиндиларни ювиш учун сифимлар сонини – иккитадан ҳам қабул қилинмаслиги лозим.

Сифимларда қалқиб чиқувчи моддаларни йўқотиш, қориштиргич ва даврий тозалаш учун қурилмаларни эътиборга олиш жоиз.

Ҳаво билан аралаштиришда унинг миқдорини ювиладиган чўкинди ва сувлар аралашмаларини 0,5 м³/м³ ҳисобидан аниқланади.

6.379. Ювилган чўкинди ва сувлар аралашмаларини шиббалаш учун мезофиль тартибидаги биғитилган аралашмаларни уларда 12-18 соат туриб қолишига, термофиль тартибда -20-24 соат туриб қолишига ҳисобланган шиббалаштиргични эътиборга олиш лозим.

Шиббалагичлар сонини иккитадан кам қабул қилмаслик жоиз. Шиббалагичлардан чўкиндиларни плунжер туридаги насослар билан чиқариб ташлашни эътиборга олиш лозим.

Шиббаланган чўкиндилар намлигини дастлабки чўкиндилар ва қўшилган жадал балчиқ миқдорида кўра 94-96% қабул қилиш лозим.

Шиббалагичлардан балчиқли сувларни чиқариб ташлашни қўшимча ифлослантирувчи моддалар миқдорини инобатга олган ҳолда ҳисобланган тозалаш иншоотларида эътиборга олиш жоиз.

Шиббалагичлардан чиқарилган балчиқли сувдаги ифлослантиргич моддалар миқдорини қуйидагича қабул қилиш лозим: муаллақ чўкиндилар бўйича: 1000-1500 мг/л, КБЭ_{тўлик} бўйича – 600-900 мг/л.

Шиббалагичлардан муаллақ моддаларни чиқаришни камайтириш учун ва шиббаланган чўкинди намлигини пасайтириш учун сизгичларни ҳавосиз бўшлиқ сизгичлардан балчиқ шиббалагичларга узатишни, шунингдек ювувчи сувларни 0,1% ли хлорли темир эритмаси билан алмаштиришни, қайсики уни тайёрлаш учун хлорли темирнинг умумий эхтиёжий миқдорини 50% ва ишлатилишини эътиборга олиш лозим.

Балчиқ шиббалагичларида қалқиб чиқувчи чўкиндиларни йўқотиш учун қурилмаларни назарда тутиш жоиз.

6.380. Бирламчи тиндиргичлар чўкиндиларидан йирик чўкиндиларни чиқариб ташлаш учун бўлмали сизгичларда сувсизлантиришдан олдин тешиклари 10 мм ли панжарадар ёки катакчалар ўлчамлари 10x10 мм бўлган тўрли тебратгич сизгич аппаратларини эътиборга олиш лозим.

6.381. Шаҳар оқова сувлари чўкиндиларини коагулянтлашда реагент сифатида хлорли темир ёки олтингургурт туршли темир оксиди ва 10% ли эритма сифатидаги оҳакни қўллаш лозим.

Чўкиндига хлорли ёки олтингургурт туршли темир оксидини киритгандан кейин оҳак қўшишини инобатга олиш жоиз.

Реагент миқдорини FeCl₃ ва CaO ҳисоби бўйича белгилаш лозим, бунда уларни ҳавосиз бўшлиқ сизишда чўкиндининг қуруқ моддаси оғирлигига % да қабул қилиш жоиз:

бирламчи тиндиргичларни бижғиган чўкиндилар учун: FeCl₃ – 3-4, CaO – 8-10;

бирламчи тиндиргичларни ювилган аралашмалари чўкиндилари ва ортикча жадал балчиклари бижғиши учун: FeCl₃ – 4-6, CaO – 12-20;

бирламчи тиндиргичлар нам чўкиндилари учун: FeCl₃ – 1,5-3, CaO – 6-10;

бирламчи тиндиргичлар чўкиндилари аралашмаси ва шибаланган ортиқча жадал балчиқлар учун: FeCl_3 – 3-5, CaO – 9-13;

аэротенклардан шибаланган ортиқча балчиқлар учун: FeCl_3 – 6-9, CaO – 17-25.

*Эслатмалар. 1. Реагент меъёрларини катта қийматларини термофил тартибда бижғиган чўкиндилар учун қабул қилиш жоиз.

2. Шамоллатишли барқарорлаштирилган чўкиндиларни сувсизлантиришда реагент меъёри аралашмаларни мезофил бижғиганлиги учун меъёридан 30%.

3. $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)$, меъёри барча ҳолларда хлорли темир меъёри билан солиштирилганлиги бўйича 30-40% га оширилади.

4. Чўкиндиларни бўлмали сизгичзичлагичларда сувсизлантиришда оҳак меъёри барча ҳолларда 30% дан ортиқ қабул қилинади.

6.382. Реагентларни чўкиндилари билан қориштириш қориштиргичларда назарга олиниши лозим.

Коагулянтланган чўкиндиларни тортиб чиқариш учун марказдан қочма насосларни қўллаш рухсат этилмайди.

6.383. Ҳавосиз бўшлиқ сизгичлар ва сизгич-зичлагичларнинг сизувчи матосини ишлаб чиқаришни суви билан ювишни, шунингдек уларни 8-10 % ли ингибирланган туршлар эритмалари билан даврий қайта тиклашни эътиборга олиш жоиз..

6.384. Ингибирланган тузли туршлар миқдорини 1 м² сизилиш туршларни 20% ли қуюқликдаги бир йилги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда аниқлаш жоиз: 20л ҳавосиз бўшлиқ сизгичлар билан ўхшаш матолар учун ва 50л – бошқа турдаги сизгичлар учун.

6.385. Хлор ёки олтингугурт туршли темир оксиди ва тузли туршли темир оксиди ва тузли туршлар омборларини уларни 20-30 кеча-кундузги заҳираларини, оҳакни -15 кеча-кундузли заҳираларини сақлаш шартидан ҳисоблаш жоиз.

Туршлар ва хлорли темир эритмалари сонини иккитадан кам қабул қилинмаслиги лозим.

Реагентлар темир йўл цистерналарида келтирилган ҳолларда сиғимлар ҳажми цистерналар ҳажмидан кам бўлмаслиги керак.

6.386. Ҳавосиз бўшлиқ сизгичлар, сизгич-зичлагичлар қуввати ва шаҳар оқова сувлари чўкиндиларини сувсизлантиришда кекнинг намлигини 69 жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

Ҳавосиз бўшлиқ сизгичлар ва сизгич-зичлагичлар қувватларини ишлаб-чиқариш оқова сувлари чўкиндиларини сувсизлантиришда тажрибалар маълумотлари бўйича қабул қилиш зарур.

69 жадвал

Қайта ишланадиган чўкиндилар тавсифи	1 соатда 1 м ³ сиғим юзасига кг чўкинди қуруқ модда қуввати		Кекнинг намлиги, %	
	Ҳавосиз бўшлиқ	Сизгич-зичлаштиргич	Ҳавосиз бўшлиқда сизиш	Сизгич-зичлаштиргичларда
Бирламчи тиндиргичдан бижғиган чўкинди	25-35	12-17	75-77	60-65
Бирламчи тиндиргичдан мезофил шароитларида бижғиган чўкинди аралашмалари ва жадал балчиқлардан, шамоллатиб барқарорлаштирилган жадал балчиқ	20-25	10-16	78-80	62-68

69 жадвал давоми				
Қайта ишланадиган чўкиндилар тавсифи	1 соатда 1 м ³ сиғим юзасига кг чўкинди куруқ модда қуввати		Кекнинг намлиги, %	
	Ҳавосиз бўшлиқ	Сизгич- зичлаштиргич	Ҳавосиз бўшлиқда сизиш	Ҳавосиз бўшлиқ
Бирламчи тиндиргич ва жадал балчиқдан термофиль шароитида бижғиган чўкиндилар аралашмалари	17-22	7-13	78-80	62-70
Бирламчи тиндиргич лардан ҳўл чўкиндилар	30-40	12-16	72-75	55-60
Бирламчи тиндиргич ва шиббаланган жадал балчиқдан ҳўл чўкин дилар аралашмалари	20-30	5-12	75-80	62-75
Аҳоли яшайдиган аэрация станциялари нинг шиббаланган жадал балчиқлари	8-12	2-7	85-87	80-83

*Эслатма. Нам чўкиндилари ҳавосиз бўшлиқда сизишлар учун чамбаракли ҳавосиз бўшлиқ сизгичларга ўхшаш матолар билан эътиборга олиш жоиз.

6.387. Ҳавосиз бўшлиқли сизишларда ҳавосизлик қийматини 40-65 кПа (300-500 мм сим.уст.), чўкиндиларни пуркашдаги сиқик ҳаво босимини – 20-30 кПа (0,2-0,3 кг/см²) атрофида қабул қилиш лозим. Ҳавосиз-насослар қувватини 1 м² сизгич юзасига 0,5 м³/дақиқа ҳаво сарфига кўра аниқлаш жоиз, сиқик ҳаво сарфи эса – 0,1 м³/дақиқа 1 м² сизгич юзасига.

Сизиб-зичлашда коагулянтланган чўкиндиларини узатишини 0,6 МПа (6 кгс/см²) дан кам бўлмаган босим остида эътиборга олиш жоиз; 1 м² сизилган юзага чўкиндиларни қуритиш учун сиқилган ҳаво сарфини 0,2 м³/дақиқа, сиқилган ҳаво босимини 0,6 МПа (6 кгс/см²) дан кам бўлмаган; ювадиган сув сарфи 1 м² сизилган юзага - 4 л/дақиқа; ювилган сув босимини - 0,3 МПа (3 кгс/см²) дан кам қабул қилинмаслиги лозим.

6.388. Чўкиндиларни сувсизлантириш учун тўхтовсиз ишлайдиган чўкиндиларни шнекли тушириб олишга чўктирувчи ётиқ центрифугаларни қўллаш рухсат этилади. Дастлабки чўкиндилар бўйича центрифуга қувватини q_{cf} , м³/соат, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$q_{cf} = (15 - 20) l_{rot} d_{rot} \quad (136)$$

бу ерда: l_{rot} , d_{rot} – роторнинг мувофиқ узунлиги ва диаметри, м.

Флокулянтлар билан ишлаганда центрифугалар қувватини 2 марта камайтириб қабул қилиш зарур. Бунда куруқ моддаларни тутиб қолиш самарадорлиги 90-95% га оширилади. Куруқ моддаларни тутиб қолиш самарадорлиги ва кекнинг намлигини 70 жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

Қайта ишланадиган чўкиндилар тавсифи	Қуруқ моддаларни тутилиш самарадорлиги, %	Кекнинг намлиги, %
Бирламчи тиндиргичдан хўл бижғиган чўкинди	45-65	65-75
Бирламчи тиндиргичдан ва жадал бичиқдан анаэроб бижғиган аралашмалар чўкиндилар	25-40	65-75
Бирламчи тиндиргичдан ва жадал балчиқдан аэроб барқарорлаштирилган аралашма чўкиндилар	25-35	70-80
Қуйидаги куллигида хўл жадал балчиқ, %:		
28-35	10-15	75-85
38-42	15-25	70-80
44-47	25-35	60-75
*Эслатма. Жадал балчиқларни центрифугалашни уларни ортикча миқдорини чиқариб ташлаш учун қўллаш мақсадга мувофиқ.		

6.389. Чўкиндиларни центрифугага узатишдан олдин улардан қумларни чиқариб ташлаш, ротор диаметри 0,5 м дан кичик центрифугалар олдида эса майдалагич – панжаралар ўрнатишни эътиборга олиш зарур.

6.390. Тозалаш иншоотларига фугатларни центрифугадан кейин узатишда фугатдаги 1 мг қолдиқ қуруқ моддаларга 1 мг КБЭ_{тўлиқ} ҳисобда қуруқ моддалар тутилиши самарадорлигига кўра КБЭ_{тўлиқ} бўйича уларга кучларни ортишини ҳисобга олиш жоиз.

6.391. Катионлар туридаги юқори молекулали флокулянтлар меъёрини чўкиндиларнинг қуруқ моддаларининг – 2-7 кг/т флокулянтларни катта меъёрини жадал балчиқни, кичигини – нам чўкиндиларни центрифугалашда қабул қилиш жоиз.

Сувсизлантирилган жадал балчиқ намлигини 83-88%, нам чўкиндиларни – 75% қабул қилиш лозим.

Фугатларни қўшимча қайта ишлашсиз тозалаш иншоотларига қайтариш лозим. Бунда тозалаш иншоотларининг ҳажми оширилмайди.

Роторни узунлигини диаметрига нисбати 2,5-4 бўлган центрифугалардан фойдаланишда флокулянтларни қўллаш тавсия этилади.

6.392. Заҳира ускуналар сонини қуйидагича қабул қилиш жоиз:

Ҳавосиз бўшлиқ-сизгичлар ва сизгич-зичлагичларнинг ишчи сони ўртача бўлганда -1, тўртдан ўнгача -2 та;

центрифугалар ишчи сони иккитагача -1 та, учта ва ундан ортиклигида -2 та.

6.393. Чўкиндиларни механик сувсизлантиришни лойиҳалашда чўкиндиларнинг йиллик миқдорини 20% га носозлик балчиқли майдончаларини эътиборга олиш зарур.

Балчиқли майдончалар


6.394. Балчиқли майдончаларни зовурли ва зовурсиз табиий асосларда, зовурли сунъий асфальт бетонли асосларда, тиндиргич шаршарали ва юзаки балчиқли сувларни чиқариб ташлашни шиббалагич-майдонларини лойиҳалаш руҳсат этилади.

6.395. Чўкиндилардан балчиқли майдончаларга бир йилги тушадиган кучни кг/м², ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 9°C бўлган ҳудудларда ва ўртача йиллик муҳит намлиги 500 мм гача бўлганда 71 жадвал бўйича қабул қилиш жоиз.

71 жадвал

Чўкиндилар тавсифи	Балчиқли майдончалар		
	табiiй асосда	Табиий асосда зовурлар учун	Сунъий асфальт бетонли асосда зовурлар учун
Бирламчи тиндиргичдан ва жадал балчиқдан мезофиль шароитларда бижғиган чўкиндилар аралашмалари	36	45	60
Худди шундай, термофиль шароитларида	24	30	45
Бирламчи ва икки қаватли тиндиргичларда бижиган чўкиндилар	60	70	75
Бирламчи тиндиргичларда ёки барқарорлаштирилган жадал балчиқлар чўкиндилари қоришмаларини шамоллатиб барқарорлаштирилган жадал балчиқлар	72	90	120
*Эслатма. Бошқа иқлимий шароитларда балчиқли майдончаларга тушадиган кучни 3 чизмада келтирилган иқлимий коэффициентни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим.			

Илмий-тадқиқот ташкилотларининг тавсиялари мавжудлигида, балчиқли майдончаларга тушадиган кучларни уларнинг маълумотлари бўйича қабул қилинади.



3 чизма. Балчиқ майдончаларига тушувчи куч қийматини аниқлаш учун иқлимий коэффициентлар.

6.396. Балчиқли майдонларида қуритилган чўкиндиларни нақлиётлаш ва ташиш учун йиғиш ишларини механизациялаш мақсадида хариталарга нақлиётлар ҳамда механизация воситаларини киришлари учун йўлларни эътиборга олиш керак. Қуритилган чўкиндиларни йиғиш ва ташиб кетиш учун тупроқ ишларида фойдаланиладиган механизмларни инобатга олиш лозим.

6.397. Балчиқли майдончаларни сизот сувлари хариталар юзасидан 1,5 м дан кам чуқурликдаги шароитларида ва сизилувчи балчиқли сувлар тупроққа чиқариш рухсат этилган ҳоллардагина табиий асосларда лойиҳалаш рухсат этилади.

Сизот сувлари камроқ чуқурликдалигида улар сатҳини пасайтириш ёки балчиқли майдончаларни зовурли сув ўтказмас сунъий асосларда эътиборга олиш лозим.

6.398. Балчиқли майдончалар юзасини (фойдали), га, қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$F = \frac{Q_{up} \cdot 365}{D \cdot 10000}, \quad (137)$$

бу ерда: Q_{up} – шиббаланган (чўкинди) балчиқлар миқдори кг/сут;

365 – йил кунларининг сони;

D – балчиқли майдончаларга тушадиган ўртача йиллик куч, кг/м² йил (66 жадвал маълумотларини инобатга олган ҳолда ёки тавсиялар маълумотлари бўйича қабул қилинади).

Кичик тозалаш иншоотларида фойдаланиш қулайлиги мақсадларида хариталар кенглигини 10 м дан ортиқча қабул қилинмайди.

Ўртача ва катта станцияларда хариталар кенглиги 35-40 м гача оширилиши мумкин. Кенглигини узунлигига нисбати – 1,2-1,25.

6.399. Балчиқли майдончаларни лойиҳалашда қуйидагиларни: хариталар ишчи чуқурлигини – 0,7-1 м; тўсиқ ғўлалар баландлигини ишчи сатҳидан 0,3 м га юқори; ғўлалар юқорисининг кенглигини 0,7 м дан кам бўлмаган; тупроқли ғўлаларни таъмирлаш учун механизмлардан фойдаланишда – 1,8-2 м; тарқатувчи қувурлар ҳисоб-китоблар бўйича қабул қилинади, бироқ 0,01дан кам эмас. Бир балчиқ харитасини ҳажми уни ишчи баландлигининг 3 маротаба тўлдирилишидан ортиқ бўлмаслиги ва 3 кеча-кундузги барқарорлаштирилган чўкиндининг шиббаланган балчиқ ҳажмига мувофиқ бўлиши керак.

Бир тўлдирилиш баландлиги 0,3-0,4 м дан ошмаслиги керак. Балчиқ харитасининг сони ҳисоб-китоблар йўли билан аниқланади, бироқ 8 донадан кам эмас.

6.400. Зовур ҳандақларда 1 м кенликкачи, йириклиги 2-6 мм ли шағал ёки чақиқ тошлар билан тўлдириб ётқазилади. Зовурлар орасидаги масофа 6-8 м. Ҳандақларнинг бошланғич чуқурлиги 0,6 м, қиялиги 3%.

Сунъий зовур матоларидан зовурларни ёпишда фойдаланилган ҳолларда жинслардаги сизгич қатламларини олиб ташлаш мумкин.

6.401. Балчиқ майдончаларидан балчиқ сувларини узатиш тозалаш иншоотларида эътиборга олиш жоиз.

6.402. Асосланган ҳолларда балчиқ майдонларини ювилувчан (тўкма) тупроқда жойлаштириш рухсат этилади.

6.403. Балчиқли майдончаларини тозалаш станциялари ҳудудларидан ташқарида жойлашишида хизматчи ходимлар учун хизмат ва маиший хоналар, шунингдек 5.26 бандга мувофиқ омборхона ҳамда телефон алоқаларини эътиборга олиш лозим.

Чўкиндиларни зарарсизлантириш, белгилаш, иссиқлик билан қуритиш ва ёндириш учун иншоотлар

6.404. Чўкиндиларни суёқ ҳолда ёки балчиқли майдончаларда қуритилгандан кейин, бўлмаса механик сувсизлантирилгандан кейин зарарсизлантириш лозим.

6.405. Нам, мезофилли бижғиган ва шамоллатишли барқарорлаштирилган чўкиндиларни зарарсизлантириш ҳамда дегельминтизациялашни уларни 60°C гача иситиб, ҳисобий ҳароратда 20 дақиқадан кам бўлмаган вақтда тутиб туриш йўли билан амалга ошириш лозим. Сувсизлантириш чўкиндиларни зарарсизлантириш учун дала шароитларида биоиссиқлик каби қайта ишлашни (белгилашни) қўллаш рухсат этилади.

6.406. Чўкиндиларни белгилашни тўлатмалар аралашмалари (қаттиқ маиший чиқиндилар, торфлар, қипиқлар, барглар, сомонлар, майдаланган илдизлар билан) ёки тайёр белгилагичлар билан амалга ошириш лозим. Оқова сувларни сувсизлантирилган чўкиндилар

аралашмаси ва қаттиқ маиший чўкиндиларнинг нисбати оғирлиги бўйича 1:2 ни, бошқа кўрсатилган тўлатмалари билан эса 60% дан ортиқ бўлмаган ҳажми бўйича 1:1 ташкил этади.

6.407. Белгилаш жараёнини тўкма асфальт бетонли майдончаларда механизация ва воситалардан фойдаланиш билан баландлиги 2,5 дан 3 м гача баландликда мажбурий шамоллатишда амалга ошириш лозим.

6.408. Шамоллатишли ғарамларни лойихалашда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур: ҳар бир ғарам асосига 8-10 мм тешикли диаметри 100-200 мм бўлган қувурлар ётқизиш; ҳаво узатиш (чўкиндининг 1 т органик моддаларига – 15-25 м³/соат ҳаво сарфи).

6.409. Белгилаш жараёнининг давомийлигини шамоллатиш усуллари, чўкиндилар таркиби, тўлдирмалар турлари, иқлимий шароитларига кўра ва айнан ўхшаш шароитлардаги ишлатиш тажрибалар ёки илмий-тадқиқот ташкилотлари маълумотлари бўйича қабул қилиш жоиз.

Белгилаш жараёнида аралашмаларни қориштиришни эътиборга олиш зарур.

6.410. Чўкиндиларни иссиқлик билан қуритиш заруратини кейинчалик фойдаланиш ва нақлиётлаш шароитларидан аниқлаш керак.

6.411. Чўкиндиларни иссиқлик билан қуритиш учун турли турдаги қуриткичлардан фойдаланиш лозим.

6.412. Қуриткичларни танлашни жиҳозларнинг ҳужжатий маълумотларини инобатга олган ҳолда бажариш лозим.

6.413. Чўкиндиларни қуриткичларга узатишдан олдин жараённинг электр қувватини пасайтириш мақсадида уларни иложи борича сувсизлантириш зарур.

Қуритилган чўкинди намлигини 30-40% чегарасида қабул қилиш лозим.

6.414. Асосланган ҳолларда кейинчалик фойдаланмайдиган чўкиндиларни турли хилдаги ўчоқларда ёндириш рухсат этилади.

6.415. Қурилмалардан қуритиш ва ёндириш учун чўкиндиларни четлатишлардан олдин муҳитга газларни чиқариб юбориш ҚМ 245-71 талабларига жавоб бериши керак.

6.416. Оқова сувлар чўкиндиларидаги оғир металллар ва захарли органик моддаларни айтарли қуюқликда эмаслигида тиазондан фойдаланиб, зарарсизлантириш мумкин.

Сувсизлантирилган чўкиндининг 60-82% намлигида тиазон меъёрини 0,25% ташкил этади.

Сувсизлантирилган чўкиндилар тиазон билан қориштиргичларда 5-20 дақиқа давомида аралаштирилади ва 6-8 кеча-кундуз давомида тиндириш учун майдончаларга узатилади.

Чўкиндиларни сақлаш ва жойлаш учун иншоотлар

6.417. Механик сувсизлантирилган чўкиндиларни сақлаш учун қаттиқ қопламли очик майдонларни эътиборга олиш жоиз. Майдонлардаги чўкиндилар қатламининг баландлигини 1,5-3 м қабул қилиш лозим.

Иссиқлик билан қуритилган чўкиндиларни сақлаш учун берк омборлардан фойдаланиш лозим.

Механик сувсизлантирилган, иссиқлик билан қуритилган чўкиндиларни сақлашни 3-4-ойлик ишлаб чиқариш ҳажмида эътиборга олиш жоиз.

Юклаш-тушириш ишларини механизациялашни назарда тутиш лозим.

6.418. Фойдаланилмайдиган чўкиндилар учун атроф муҳитни ифлосланишини олдини олувчи шароитларда уларни жойлаштиришни таъминловчи иншоотлар эътиборга олинган бўлишлари керак. Тахлаш жойлари давлат назорати идоралари билан келишилган бўлиши керак.

7. ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИ, ТЕХНОЛОГИК НАЗОРАТ, АВТОМАТЛАШТИРИШ ВА ТЕЗКОР БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ

Умумий кўрсатмалар

7.1. Сувоқова тизимларининг электр қабул қилгич иншоотлари электр таъминотини ишончлилик тоифаларини Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари (ЭУТҚ) бўйича аниқлаш лозим.

Насос ва ҳаво пуркагич станциялари электр таъминоти ишончлилик тоифаси уларни ишлаш ишончилигига мос келиши керак ҳамда 5.1 банд бўйича қабул қилинади.

7.2. Электр двигателларининг кучланишларини уларнинг қувватига кўра (200 кВт гача – 380-660В, 200 кВт дан юқори бўлганда– 6-10 кВт) танлаш лозим.

Электр двигателларини тайёрланишини танлаш атроф муҳитга боғлиқ бўлиши керак.

Электр двигателларини танлашда, асосан йиғиш имконларини ҳисобга олиш лозим.

Реактив қувватини мувазанатлаштиришни электр двигателларини синхром қўзғалиши ҳисобига, улар мавжуд бўлмаганда эса статистик мувазанатлагич ускуналар ёрдамида ҳамда “Реактив қувватларни мувазанатлаш бўйича кўрсатмалар қўлланмаси” талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак.

7.3. Тақсимлагич қурилмаларини, трансформатор кичик станцияларини қурилган ёки уларни кейинчалик кенгайтириш мумкинлиги ҳисобга олиб ёнига қурилган хоналарни оғирлик марказларига жойлаштириш лозим. Тақсимлагич қурилмаларини ва трансформатор кичик станцияларини алоҳида қуриш рухсат этилади.

Тозалаш иншоотларини таъминлаш учун 110 ёки 35 кВ кучланиш билан чуқур киритиш кичик станциялари иншоотларида тақсимлагич қурилмалари билан қўшиш тавсия этилади.

Насос станциялари носозликда сув босишини бартараф этувчи тадбирлар қўлланилган шароитларида машиналар зали полида ёки айвонда берк электр тахталарини ўрнатиш рухсат этилади.

7.4. Хоналарнинг портлашдан хавфли минтақаларини ва портлашдан хавфли минтақали қўшни хоналар, шунингдек портлашдан хавфли аралашмалар гуруҳи ҳамда тоифаларини ЭУТҚ-2011, ГОСТ 12:1.011-78 и ОНТП-24-86 ларга биноан қабул қилиш лозим.

7.5. Таркибида енгил алангаланувчи, портлашдан хавфли моддалар бўлган оқова сувларни қайта ишлаш учун иншоотлардаги электр двигателлари, ёзув ускуналари ва асбобларини ЭУТҚ-2011 ва ГОСТ 12.2.020-76 ларга мувофиқ қабул қилиш лозим.

Ушбу насос станцияларида ички ёнув двигателларини ўрнатишни назарда тутиш ман этилади.

7.6. Технологик назорат тизимларида қуйидагилар зарур:

доимий назорат учун воситалар ва асбоблар;

даврий назорат воситалари, масалан, иншоотлар ишларини сошлаш ва текшириш учун.

7.7. Оқова сувларни сифатли кўрсаткичларини технологик назоратини саноат ускуналари ва тақсимлагичлари ёки лаборатория усуллари ёрдами билан тўхтовсиз асбоблар назорати йўли билан амалга оширилиши рухсат этилади.

7.8. Иншоотлар қурилмаларида электр жиҳозлари ва автоматизациялаш воситаларини ўрнатиш учун, бирлаштирувчи тармоқларда – ифлосланишдан муҳофазалаш учун тугунчалар, ўрнатма қисмлар, туйнуклар, бўлмалар ва бошқа ўрнатмаларини эътиборга олиш лозим (ажратгич пардалар, бирлаштирувчи тармоқларни ювиш ёки ҳаво юбориш ва бошқалар).

7.9. Иншоотларни автоматлаштириш кўлами ва технологик назорат воситалари билан таъминланганлик даражасини ижтимоий омилларни инобатган олган ҳолда техник-иктисодий ҳисоб-китоблар билан асосланган, ишлатилиш шароитларига кўра белгилаш зарур.

Автоматлаштиришни берилган технологик кўрсаткичлар бўйича ёки айрим ҳолларда вақтли дастур бўйича бажариш лозим.

Биринчи навбатда насос қурилмаларини автоматлаштириш жоиз.

7.10. Иншоотлар ишларини марказлашган бошқарув ва назоратини таъминлаш учун зарурий ҳолларда телемеханика воситаларидан фойдаланувчи сувоқова тизимларини марказлашган бошқарувини эътиборга олиш лозим.

7.11. Йирик сувоқова тизимлари учун идоралар қўл остида объектларда технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари (ТЖАБТ) фаолият кўрсатадиган ҳолларда зарурий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатишни, шунингдек бошқарув бўйича айрим вазифаларни ечимларини таъминловчи кичик тизимларни эътиборга олиш лозим.

7.12. Марказлашган бошқарув, асосан, бир бошқарув бўлимдан иборат бир босқичда эътиборга олиш керак. Мураккаб иншоотли ва улар орасидаги масофа катта бўлган янада йирик сувоқова тизимлари учун марказий ҳамда маҳаллий бошқарув бўлими икки босқичли бошқариш рухсат этилади.

7.13. Назорат этиладиган объектлар билан, шунингдек навбатчи ходим хоналари ва устахоналар билан бошқарув бўлими орасидаги алоқа тўғридан-тўғри ўзаро бошқарув алоқаларини амалга ошириш лозим.

Асосан, сувоқова бошқарув бўлими билан, улар бўлмаган ҳолларда эса – саноат корхоналарининг марказлашган бошқарув бўлими билан тўғридан-тўғри бошқарув алоқаларини назарда тутиш лозим.

7.14. Назоратланувчи иншоотлардан бошқарув бўлимига фақат шундай огоҳлантиргичлар ва ўлчамлар узатилиши керакки, қайсики тезкор бошқарув ҳамда иншоотлар ишларини назоратини, носозликларни олдини олиш ва уларни бартарф этишни таъминлаш мумкин бўлмаса.

7.15. Тозалаш иншоотларининг бошқарув бўлимига қуйидаги ўлчов ва огоҳлантиришлар узатилиши лозим.

Ўлчамлар:

тозалаш иншоотларига тушувчи оқова сувлар сарфи ёки тозаланган оқова сувлар сарфи;

оқова сувларнинг рН (зарурат бўлганда);

оқова сувларда аралашган кислород куюқлиги (зарурат бўлганда);

оқова сувлар ҳароратини;

аэротенкларга узатиладиган жадал балчиқлар сарфи;

ортикча жадал балчиқлар сарфи;

нам чўкиндиларни қайта ишлаш бўйича иншоотларга узатиладиган нам чўкиндилар сарфи.

Огоҳлантириш:

ускуналарни носозликда ўчирилиши;

технологик жараёнларни бузилиши;

сиғимларда, панжаралар биносига туташув сунъий ариқларида ёки майдалагич панжаралардаги оқова сувлар ва чўкинди;

ишлаб-чиқариш хоналаридаги портлашдан хавфли газларнинг чегаравий куюқлиги;

хлор-газларнинг чегаравий куюқлиги.

7.16. Бошқарув бўлими хоналарини технологик иншоотлар билан блоклаш рухсат этилади: ишлаб чиқариш-маъмурий бино билан, ҳаво пуркагич станциялари ва бошқалар билан (бошқарув бўлимини ҳаво пуркагич станцияларида жойлаштирилганда уни шовқиндан ҳимоялаш лозим).

Бошқарув бўлимида қуйидаги хоналарни эътиборга олиш лозим:

Бошқарув тахтасини, пультини ва доимий навбатчи ходимлари бўлганда алоқа воситалари жойлаштириладиган бошқарув хонаси;

ёрдамчи хоналар (омборхона, таъмирлаш устахонаси, дам олиш хонаси, санитария бўлмаси).

Насос ва ҳаво пуркагич станциялари

7.17. Насос станциялари, асосан, доимий хизмат кўрсатувчи ходимларисиз бошқарувли лойиҳалаш керак. Бунда қуйидаги бошқарув турлари тавсия этилади:

насос агрегатлари автоматик бошқариш қабул қилгич сиғимидаги оқова суюқлиги сатҳига кўра;

маҳаллий – даврий хизмат кўрсатувчи ходим билан ва зарур огоҳлантиришларни бошқарув бўлимига узатиш.

7.18. Қуввати 100 кВт дан юқори ва ўзининг трансформатор кичик станциясидаги (ТКС) электр билан таъминланувчи электр двигателли агрегатлар билан жиҳозланган насос станцияларида тайёрлов-заводлари томонидан чегараланадиган тебранишлар ва катталикларидан трансформаторларда зарбли итарувчи кучлар пайдо бўлиши имкониятларини ҳисобга олиш лозим.

7.19. Манбаларнинг камлигидан зарурий тебранишлар ёқилиши ўтказгичларни мойли ўчирилиши ёки электр двигателларини ёқиш тебранишларини чегараланганлигида “сатҳ бўйича” автоматлаштириш имкони бўлмаганлиги сабабли юқори вольтли электр двигатели агрегатлар билан жиҳозланган насос станцияларида ростлагич ўтказгичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ростлагич электр ўтказгичлари билан, асосан, икки-уч ишчи агрегатлар гуруҳидаги битта насос агрегатини жиҳозлаш лозим.

Қабул қилгич сиғимдаги сатҳига кўра ростлагич электр ўтказгичларини бошқаришни автоматик амалга ошириш лозим.

7.20. Тез-тез ўчириб-ёқишларни талаб қилувчи, шунингдек автоматлаштиришга мослаштирилмаган технологик ускуналар;

мураккаб робиталарга эга бўлган насос станцияларида доимий хизматчи ходим бўлиши рухсат этилади.

Бунда агрегатларни бошқариш марказлашган бошқарув тахтачаларидан олиб борилиши керак.

7.21. Насос агрегатларини носозликда ўчирилишида таъсир кучини ишончилиги тоифасига боғлиқ бўлмаган автоматлаштирилган насос станцияларида захира агрегатларини автоматик равишда ёқилишини амалга ошириш лозим.

Телемеханизациялаштирилган объектларда захира агрегатларини автоматик ёқилишини таъсир ишончилиги бўйича биринчи тоифали насос станцияларида амалга ошириш лозим.

7.22. Насос станцияларини носозликда сув босишида асосий насос агрегатларини автоматик ўчирилишини эътиборга олиш лозим.

7.23. Насос агрегатларини ишга тушириш, асосан, очиқ босимли лўкидонлардаги қайтгич қопқоқларда бажарилиши керак. Насос агрегатларини ёпиқ лўкидонларда ишга туширишни гидравлик зарблар хавфида, шунингдек синхрон электрон двигателларини ишга тушириш билан боғлиқ бўлган ва бошқа асосланган ҳолларда талаблари мавжудлигида эътиборга олиш лозим.

7.24. Насос станцияларида қуйидаги технологик кўрсаткичларни назорат этиш лозим:

тортиб олинадиган суюқликлар сарфи (зарурат бўлганда);

қабул қилгич сиғимдаги сатҳлар;

зовур чуқурчадаги сатҳлар;

босимли қувур ўтказгичлардаги босим;

ҳар бир насос агрегатларида ривожлантирилувчи босим;

гидро шиббаланиш тизимидаги сув босим.

7.25. Насос станцияларида маҳаллий носозликдан огоҳлантиргичларни эътиборга олиш лозим. Доимий хизматчи ходимлар бўлмаганда носозликлар ҳақидаги умумий огоҳлантиришларни бошқарув бўлимига ёки кеча-кундузли навбатчи бўлимига узатишни назарда тутиш лозим.

7.26. Ҳаво пуркагич станцияларида, асосан, машиналар залидан ҳаво пуркагич агрегатларини маҳаллий бошқарувини эътиборга олиш лозим. Айрим ҳолларда агрегатларни масофадан туриб бошқарув ёки тезкор бўлимлардан бошқарувни инobatга олиш рухсат этилади.

Ҳаво пуркагич агрегатларни ишга тушириш ва тўхтатиш бўйича ишлар изчиллигини, шунингдек уларни айрим кўрсаткичларининг назоратини корхоналар қўлланмаларидаги тавсияларни инобатга олган ҳолда автоматлаштириш тизимлари орқали бажарилиши керак.

Асосланган ҳолларда оқова сувдаги эриган кислород катталиги бўйича ҳаво пуркагич агрегатларининг қувватларини автоматик равишда созлашни эътиборга олиш лозим.

Босимли ҳаво ўтказгичлардаги ҳаво босими ва ҳароратини (махаллий ўлчаш) назорат этиш лозим.

Тозалаш иншоотлари

7.27. Механизациялаштирилган панжаралар ишларини берилган дастур бўйича ёки панжарадан олдинги ва кейинги суюқлик сатҳининг энг катта фарқи бўйича автоматлаштириш лозим.

7.28. Тозалаш иншоотларини юқори даражада автоматлаштиришда кум тутқичлардаги кумларни ишлатишда белгиланувчи берилган дастур бўйича чиқариб ташлашни автоматлаштириш лозим.

7.29. Бирламчи тиндиргичларда (радиал ёки ётиқ) ҳар қайси тиндиргичдан навбатма-навбат чўкиндиларни даврий чиқаришни берилган дастур бўйича ёки куракли механизмларда ишга туширишни ҳисобга олган ҳолда чўкиндилар сатҳи бўйича автоматлаштириш лозим.

7.30. Ўртачалаштиришда чиқишдаги рН қийматини ёки технология бўйича талаб этилувчи бошқа кўрсаткичларни назоратлаш зарур.

7.31. Сиқик ҳаводан фойдаланиладиган иншоотларда (ўртачалагичларда, шамоллатишли кум тутқичларда, кичик азраторларда ва биокоагулянтлагичларда), ҳаво сарфини назоратлаш лозим.

7.32. Аэротенкларда ҳар қайси бўлимда балчиқли аралашмалар ва ҳаво сарфларини назоратлаш; юқори даражада автоматлаштиришларда қиймати бўйича ҳаво узатишни ростлаш лозим.

7.33. Юқори тўлдирилувчи биосизгичларда келиб тушувчи ва айланувчи сувлар сарфини назорат қилиш лозим.

7.34. Иккиламчи тиндиргичларда балчикнинг берилган сатҳини тутиб туришни автоматлаштириш, балчиқ сўргичлар ишларини назорат қилиш лозим.

7.35. Балчиқ шиббалагичларда берилган дастур ёки балчиқ сатҳи бўйича балчиқларни шиббалагичларни чиқаришни автоматлаштириш лозим.

7.36. Метантенкларда чўкиндиларни берилган ҳароратда метантенклар ичида тутиб туришни автоматлаштириш, метантенклар ичидаги чўкиндилар ҳароратларини, юкламалар сатҳини, келиб тушувчи чўкиндилар, буғ ва газ босимларини назоратлаш зарур.

7.37. Ҳавосиз бўшлиқ сизгичларда ва сизгич-зичлагичларда узатилувчи реагентларни меъёрлашни автоматлаштириш, ҳавосиз бўшлиқ ҳовузидаги чўкиндилар сатҳини, ресивер сийракланишини, сиқик ҳаво босимини, ресивердаги сув сатҳини назоратлаш лозим.

7.38. Хлор билан туташгандан сўнг оқова сувлардаги колдиқ хлор куюқлигини назорат қилиш лозим.

7.39. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қайта ишлаш технологик жараёнларини автоматлаштириш ва зарурий назорат кўламини илмий-тадқиқот ташкилотларининг маълумотлари бўйича қабул қилиш лозим.

8. БИНО ВА ИНШООТЛАРНИНГ ҚУРИЛИШ ЕЧИМЛАРИ ВА ТУЗИЛИШЛАРИГА ТАЛАБЛАР

Бош тарх

8.1. Сувоқова иншоотлари қурилишлари учун майдон танлаш, текислаш, қуриш ва улар ҳудудларини ободонлаштиришни технологик талабларга, ҚМК II-89-80 кўрсатмаларига ҳамда ШНК 2.04.02-97* умумий талабларига биноан бажариш лозим. Сув ҳавзалари ва ўзанлари соҳиллари ҳудудларида жойлашган сувоқова иншоотлари ҳамда насос станциялари майдонларининг тархлаш белгиларини тошқин сувларини энг баланд сатҳидан 0,5 м дан кам бўлмаган ҳолда ҚМК 2.06.04-82 га биноан аниқланувчи шамол ёрдамида сувни ҳайдашни 3% ли таъминланганлигини ҳамда шамол тўлқинларини баландлигини инобатга олган равишда қабул қилиш жоиз.

8.2. Аҳоли яшайдиган жойларни сувоқова тозалаш иншоотлари, шунингдек саноат майдончалардан ташқарида жойлашган саноат корхоналарининг сувоқова тозалаш иншоотлари ҳудудлари ҳар қандай шароитларда ҳам тўсилган бўлиши керак.

Тўсиқларни қуйидагича эътиборга олиш лозим:

25 минг м³/сут дан ортиғида – яхлит баландлиги 1,8-2,0 м. Зарурий ҳолларда айрим иншоотлар учун тўсиқларни техника хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ эътиборга олиш лозим. Сизиш далаларини ўрамаслик рухсат этилади.

8.3. Суюқ хлор истеъмоли билан боғлиқ бўлган маданий – маиший вазифали объектларни, бошқа ишлаб чиқариш ва ёрдамчи объектларни, сарфланувчи хлор омборларини жойлаштиришни ШНК 2.04.02-97* нинг 14.3 бандига мувофиқ бажариш жоиз.

Ҳажмий-тарх ечимлари

8.4. Сувоқова тизимларини бино ва иншоотларининг ҳажмий тархи ҳамда тузилиш ечимларини ҚМК 2.09.02-85*, ШНК 2.04.02-97* ва ушбу бўлим кўрсатмаларига биноан бажариш жоиз.

8.5. Сувоқова бинолари ва иншоотларини ўтга чидамлилиқ даражасини II дан кам қабул қилинмаслиги ҳамда масъулиятлиги бўйича II синфга киритиш лозим, бунда балчиқли майдончалари, биологик ховузлар, созлагич сиғимлар, сувоқова тармоқлари ва улардаги иншоотларни масъулиятлилиқ бўйича III синфга киритиш лозим, ўтга чидамлилиқ даражаси эса меъёрланмайди.

Алоҳида қурилган ёнғиндан хавфли суюқликлар ёки ёнғин – портлашдан хавфли аралашмалар сақланмайдиган сиғим иншоотлар қурилмаларини ўтга чидамлилиги чегараланмайди.

8.6. Маиший оқова сувларни тортиб чиқариш ва тозалаш жараёнлари портлашли ёнғин ҳамда ёнғин хавфи бўйича Д тоифага киритилади. Оқова сувлар чўкиндиларини тортиб чиқариш ва қайта ишлаш, шунингдек таркибида осон алангаланувчи ҳамда портлашдан хавфли моддалари бўлган ишлаб чиқариш оқова сувларини тортиб чиқариш ва тозалаш жараёнларини портлашли ёнғин ҳамда ёнғиндан хавфлилиқ тоифаси ва мустақил меъёрий хужжатларда белгиланганларга кўра ўрнатилади.

8.7. Сувоқова иншоотларида ҚМК 2.09.04-09 га биноан ишлаб чиқариш жараёнларининг санитария тавсифларига кўра таркиби аниқланувчи маиший хоналарни эътиборга олиш зарур.

Аҳоли яшайдиган жойлар сувоқова иншоотлардаги ишлаб чиқариш жараёнларни санитария тавсифларини 72 жадвал бўйича қабул қилинади.

72 жадвал

Аҳоли яшайдиган жойлар сувоқова иншоотларидаги ишлаб чиқариш жараёнлари	Ишлаб чиқариш жараёнларининг санитар гуруҳларининг тавсифлари
Ишлар: Тозалаш иншоотларидаги, оқова тармоқларидаги, лабораториялардаги хлорхоналардаги ва хлор	Шв

омборларидаги	Ша
Ҳаво пуркагич станцияларидаги ва таъмирлаш устахоналаридаги бошқарув аппаратларидаги	Ів
*Эслатма. Сувоқова иншоотларидаги ишловчи техник-муҳандислар ишларини улар хизмат кўрсатувчи қисмлардаги ишлаб чиқариш жараёнлари гуруҳларига киритиш.	Іа

8.8. Ишлаб чиқариш оқова сувларини биологик танлаш иншоотларидаги ишлар санитария тавсифи бўйича шаҳар сувоқоваларини тозалаш иншоотларидаги ишларга тенглаштирилади.

Ишлаб чиқариш оқова сувларини механик ва бошқа усуллар билан тозалаш иншоотларидаги ишларнинг санитария тавсифини оқова сувлар таркиби ҳамда тозалаш усулларига кўра қабул қилиш лозим.

Ишлаб чиқариш хоналарини табиий ва сунъий ёритишни лойиҳалаш учун маълумотларни ШНК 2.04.02-97* га мувофиқ қабул қилиш лозим.

8.9. Бир бинода вазифаси бўйича турлича ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарни блоклаштиришни барча ҳолларда, қайсики бу технологик жараёнлар, санитария-гигиена ҳамда ёнғинга қарши талабларга монелик қилмаганда, майдончалар тархи шароитлари ва техник-иқтисодий мулоҳазалар бўйича мақсадга мувофиқ ҳолларда олиб бориш лозим. Иншоотларни тўғри бурчакли сифимларини блоклаштиришни барча ҳолларда, қачонки бу технологик жараёнлар шароитлари ва тузилиши мулоҳазалари бўйича мақсадга мувофиқ ҳолларда жоиздир.

8.10. Сувоқова тизимлари биноларидаги хўжалик, маъмурий, лаборатория ва бошқа хоналарни ички пардозларини ШНК 2.04.02-2014 га, ишлаб чиқариш хоналарини – 68 жадвалга, маиший хоналарни - ҚМК 2.09.04-09 га мувофиқ қабул қилиш лозим.

73 жадвал

Бинолар ва хоналар	Пардоз ишлари		
	деворлар	шифтлар	поллар
1. Панжаралар бинолари	Ғиштли деворларни сувоқлаш. Панель полдан 1,8 м баландликда сирланган тахтачалардан. Панелдан юкориси-намга чидамли бўёқлар билан бўяш.	Намга чидамли бўёқлар билан бўяш	Сопол тахтачалар
2. Биосизгичлар	Панелли деворларни чокларини пардозлаш. Ғиштли деворларни сувоқлаш. Намга чидамли бўёқлар билан бўяш.	Шундай	Цементли пол
3. Метантенкларни бошқариш бўлмалари, тақсимлаш бўлмалари, Насос станциялари	Ғиштли деворларни сувоқлаш. Намга чидамли бўёқлар билан бўяш. Темир бетон деворларни текислаш. Елимли бўёқлар билан бўяш.	Шундай. Елимли бўяш	Шундай
4. Чўкиндиларни сувсизлантириш цехлари	Панелли деворларни чокларини пардозлаш. Ғиштли деворларни сувоқлаш. Намга чидамли бўёқлар билан бўяш.	Намга чидамли бўёқлар билан бўяш.	Шундай
5. Ҳаво пуркаш станциялари: машиналар зали	Панелли деворлар чокларини пардозлаш. Ғиштли деворларни сувоқлаш. Панелни 1,5 м баландликда мойли бўёқлар билан бўяш. Панель юкорисини елимли бўёқлар билан бўяш.	Елимли оқлаш	Сопол тахтачалар (йиғиш майдончаларида бетонли)
6. Сизгичлар	Ғиштли деворларни сувоқлаш. Намга чидамли бўёқлар билан бўяш.	–	Шундай
7. Насос станциялари: машиналар зали	Ер устки қисмидаги ғиштли деворларни сувоқлаш. Чуқурлаштириш қисмида бетон сиртларни цемент қоришма билан текислаш. Панелни 1,5 м баландликда мойли бўёқлар билан бўяш.	Елимли оқлаш	Сопол тахтачалар
Қабул қилгич сифимлар	Ғиштли деворларни сувоқлаш. Ер ости	Намга чидамли	Цементли пол

устидаги хоналар	қисмларининг бетонли деворларини цемент қоришмалар билан текислаш. Намга чидамли бўёқлар билан бўяш.	бўёқлар билан бўяш.	
------------------	--	---------------------	--

Қурилмалар ва ашёлар

8.11. Сиғимли иншоотларни, асосан, йиғма қуйма темир бетондан лойиҳалаш жоиз. Асосланган ҳолларда иншоотни сифатли ишлатилишини таъминловчи бошқа ашёларни қўллаш рухсат этилади.

Диаметри 9 м дан ортиқ бўлган цилиндрик сиғимли иншоотларни темир бетон деворлари, асосан олдиндан сиқилган қилиб лойиҳалаш лозим.

8.12. Сиғимлар иншоотлари ва градирнялар темир бетон қурилмалари учун музлашга чидамлик ва сув ўтказмаслик бўйича бетон белгиси 75 жадвалда келтирилган талабларни қондиришлари керак.

8.13. Иситилмайдиган биноларда ёки очик ҳавода жойлаштирилувчи узунлиги 50 м гача бўлган ва иситилувчи биноларда ёки тупроқ билан бутунлай тўкилган ҳолда жойлашган узунлиги 72 м гача бўлган сиғимли иншоотлардаги ҳароратдан чўкувчи чокларни ташқи ҳавони энг совуқ кеча-кундузги ҳарорати манфий 40°C дан паст ва сиғим иншоотидаги сув ҳарорати 40°C дан ошмаган шароитда эътиборга олмаслик рухсат этилади. Бунда мувофик равишда 25 ва 40 м дан ортиқ узунликдаги иншоотларда қурилиш даврининг энг совуқ вақтида мусбат ҳароратда қўйилувчи битта иккита вақтинча 0,5-1 м кенгликда ўрнатилишни назарда тутиш лозим; бу чоклар оралиғидаги тагликлар бетонлаш узлуксиз олиб борилиши керак.

8.14. Бинонинг ер ости қисми тўсқич қурилмаларининг ички юзалари мавжуд нам қисмлар (томчи нам ажралмасдан) юзасининг 20% ортмаслиги керак.

Сиғимли иншоотларнинг тўсқич қурилмалари ушбу иншоотлари гидравлик синовларида қўйиладиган талабларни таъминлаши керак.

8.15. Берк сиғимли иншоотлар учун иқлимий шароитларга, келиб тушувчи сув ҳарорати ва улар ишларини технологик тартибига кўра девор ва том ёпмаларини иситишни лойиҳалаш зарур.

Иситишни, асосан, тупроқ билан тўкишни назарда тутилади, бунда том ёпмадаги тупроқ қатламининг қалинлиги 0,5 м дан кам бўлмаслиги керак. Сунъий ашёлардан иситгичлар қўллаш рухсат этилади.

Қиш вақтида сиғимларни бўшатишда, шунингдек қурилиш чоғида таглик остидаги тупроқ асосини музлашдан муҳофаза тадбирларини кўриб чиқиш лозим.

8.16. Сиғимли иншоотларининг ва бинонинг ер ости қисмларининг тўсқич қурилмаларидаги қувур ўтказгичларни маҳкамлаш тўсқич қурилмаларнинг сув ўтказмаслигини таъминлаши керак.

Қувурларни бикр маҳкамлашда улардан куч тўсқич қурилмаларга узатилиш мумкинлигини ҳисобга олиш ва уларни бартараф қилиш ёки бу кучларни камайтириш чораларини қабул қилиш лозим; сальниклар қўлланилганда уларни кузатиш ва тикинларни янгилаш учун уларга етишни (ўтиш) таъминлаш зарур.

Қувур ўтказгичларни маҳкамлашнинг барча ҳолларида улар билан биргаликдаги жиҳозлар ва тўсқич қурилмаларнинг ҳароратдан ва зилзила таъсирларидан, шунингдек бино ёки иншоотларнинг ва ташқи қувур ўтказгичларнинг турли чўкишларидан сақланишни таъминловчи тадбирларни эътиборга олиш зарур.

74 жадвал

Қурилмалар ва улардан фойдаланиш шартлари	Бетоннинг талаб этилган белгиси	
	Ҳисобий ташқи ҳаво ҳароратида	Сув ўтказмаслик

	музлашга бардошлилиги бўйича			бўйича
	манфий 5°С ва юқори	манфий 5°С дан паст манфий 20°С гача	манфий 20°С дан паст манфий 40°С гача	
I. Сиғимли иншоотлар				
1. Ҳаво муҳитининг доимий таъсири бўлган ўзгарувчан сув сатҳида навбат музлатилувчи қурилмалар: а) новлар туридаги юпқа деворли қурилмалар	F150	F200	F300	Босим градиентларида: 30гача – W4; 3 дан 50гача – W6; 50дан юқори – W8
б) очик иншоотларнинг бошқа қурилмалари (ҳовуз четларини сирлаш)	F100	F150	F200	бу ҳам
2. Шундай, сувнинг доимий сатҳида (очик сиғимли иншоотларнинг деворлари)	F75	F100	F150	бу ҳам
3. Тупроққа чуқурлаштирилган ёки мавсумий музлаш минтақасида бўлган ва тупроқ билан тўкилган қурилмалар (сиғимлар ва қудуқларнинг тўсқич қурилмалари)	F50	F75	F100	бу ҳам
4. Доимий сув остидаги сиғимли иншоотлар таглиги ёки музлаш чуқурлигидан паст чуқурлаштирилган иситилувчи хоналарда (донали юкламали сизгичлар) жойлашган қурилмалар	–	–	F50	бу ҳам
<p>*Эслатмалар. 1. Музлашга чидамлилиги бўйича бетон белгиси II синф масъулиятли иншоотлар учун берилган. I синф иншоотлар учун музлашга чидамлилиги бўйича бетон белгиси бир поғонага орттирилиши керак, III синф иншоотлари учун эса бир поғона паст бироқ F50 дан паст эмас.</p> <p>2. Емирувчан муҳит мавжудлигида бетоннинг сув ўтказмаслиги бўйича белгиси ҚМК 2.03.11-85 талабларини инобатга олган ҳолда белгиланиши лозим.</p> <p>3. Сувоқова сиғимли иншоотларига гидротехник бетоннинг ГОСТ 26633-91 талаблари тааллуқли эмас.</p> <p>4. Босим градиенти деганда, гидростатик босимни қийматини қурилма қалинлигига нисбати тушунилади.</p>				

*Эслатма. Таглик орқали қувурлар ўтишини таглик остида қувур ўтказгич қисмини бетонлаш билан тагликда бикр маҳкамланувчи қобирғали пўлат найчалар ёрдамида эътиборга олиш рухсат этилади.

8.17. ҚМК 3.05.04-97 га мувофиқ сиғимли иншоотларни мустақамликка ва сув ўтказмасликка гидравлик синовларини ташқи девор юзаларининг мусбат ҳароратида олиб борилиши керак, бунда емирилишга қарши қопламали иншоотлар қопланишдан олдин синалишлари керак.

8.18. Йўл қопламасисиз ҳудудлардаги иморатлар қурилган ерларда жойлаштирилувчи қудуқ қопқоқлари атрофида қопқоқлардан нишаблик билан 0,5 м кенликда тўшамалар

этиборга олиш лозим. Такомиллашган қопламали нақлиёт йўли қисмида қопқоқлар йўл юзаси билан бир сатҳда бўлишлари керак.

Иморатлар қурилмаган ҳудудлар бўйича ётқазилувчи зовурлардаги кудуқлар қопқоқлари ер юзасидан 0,2 м дан кам бўлмаган ҳолда баланд бўлиши керак.

ҚУРИЛМАЛАР ҲИСОБ-КИТОБЛАРИ

8.19. Сиғимли иншоотлар ва бинонинг ер остки қисмини ҳисоб-китобларида кучлар, таъсирлар ҳамда ортиқча кучлар коэффициентлар ШНК 2.01.07-96 нинг 10 бўлими 67 жадвалга, масъулиятлилик синфини мазкур ШНК нинг 8.5 банди бўйича мувофиқ равишда қабул қилиниши керак.

8.20. Сиғим иншоотларнинг ҳисоб-китоблари 75 жадвалда кўрсатилган ортиқча куч коэффициентини инобатга олган куч ва таъсирларга уйғунлашган икки кучга олиб борилиши керак:

I – гидравлик синовларда, қачон бўлимлар аро энг кўп бефойда тўлдириб сув қуйилган, тупроққа чуқурлаштирилган иншоот. Тупроқ тўкилмаган иншоотда бу уйғунлик ишлатилувчи бўлиб ҳисобланади;

II – Фойдаланишда, қачон иншоот сув билан тўлдирилмаган ва тупроқ билан тўкилган. Бу ҳолда қалқишга қарши мустаҳкамликка текшириш зарур.

75 жадвал

Кучлар ва таъсирлар	Ортиқча куч коэффициенти	Тупроққа чуқурлаштирилган ёки тупроқ тўкилган иншоотлар						Бино ичидаги сиғимли иншоотлар	
		Сиғимли иншоотлар		Бинонинг ер ости қисми					
		ёпиқ	очиқ	Кучлар уйғунлиги					
		I	II	I	II	I	II	I	II
Доимий									
Қайта тўкилувчи Тупроқ босими	1,15	-	+	-	-	-	+	-	-
Қурилманинг ўз оғирлиги	1,15	-	+	-	-	-	-	-	-
Вақтинча узоқ муддатли	1,1	-	+	+	+	-	+	+	+
Технологик суюқлик босими	(0,9)								
Сизот сувларининг босими Технологик суюқликдан ҳарорат таъсири	1	-	2 эслат қарал	-	2 эслат қарал	-	-	-	+
Қисқа муддатли	1,1	-	+	-	+	-	+	-	-

75 жадвал давоми

Ҳақиқий маълумотлар бўйича тўкма асосидаги қайтадан тўкишда тупроқ призмасининг бузилишидаги куч,	1,2	-	+	-	+	-	-	-	+
---	-----	---	---	---	---	---	---	---	---

бирок 10МПа (1000 кгс/м ²) дан кам эмас. Гидравлик синашда сув босими	1,3	-	+	-	+	-	+	-	-
Бўшатишда пайдо бўлувчи ҳавосиз бўшлиқ ёки вақтинча кучни шунингдек қор оғирлигини кўшиб ҳисоблаганда том ёпмага ва тўкмага тушувчи куч 2,5 МПа (250 кгс/см ²) дан ортик эмас.	1	+	-	+	-	-	-	+	-
Ҳақиқий маълумотлар бўйича берк сиғимларни	1,2	-	+	-	-	-	-	-	-
бўшатишдаги ҳавосиз бўшлиқ, бирок 0,1 МПа (100 кгс/см ²) дан ортик эмас.	1,1	-	+	-	-	-	-	-	-

***Эслатмалар.** 1. «Мусбат» белгиси мазкур уйғунликда куч ёки таъсир мавжудлигини англатади.

2. Гидравлик синовларда тўсқич қурилмаларига сувнинг босими қисқа муддатли куч сифатида ҳисобланади. Ишлатиш давомида ташки деворларга технологие суюқликнинг босимини узоқ муддатли вақтинча сифатида ҳисоблаш лозим, бунда тупроққа чуқурлаштирилган иншоотлар учун тупроқ тўқмасининг бир вақтли босими билан уйғунлашувини инобатга олиш зарур. Кўп бўлимли сиғимли иншоотлар ички деворларига босимни агар фойдаланишда бу иншоотлар қўшни бўлимларида қисқа муддатли бўшатилишлар борса, вақтинчалик қисқа муддатли куч сингари ҳисоблаш лозим.

3. Сиғимли иншоотларнинг девор ва тагликларига технологик суюқлик ёки гидравлик синовда сув босимидан тушадиган меъерий куч қуйилиш қурилмаси четидан 100 мм юқоридаги суюқлик сатҳидаги у бўлмаганда девор юқорисигача гидростатик босимга тенг қабул қилиниши керак.

4. Ҳарорати 50°C дан юқори ёки ҳарорат ўзгариши 30°C дан ортик бўлган суюқлик билан тўлдирилган иншоотлар қурилмаларини ҳарорат таъсирига ҳисоблаш лозим.

5. Чуқурлаштирилган ёки тўкма сиғимли иншоотлар том ёпмаларини 0,3 м дан кам бўлмаган қалинликда тупроқ қатлами бўйича силжувчи қурилиш механизмларидан тушувчи қисқа муддатли кучга бошқа вақтинча кучларни инобатга олмаган ҳолда ҳисоблаш жоиз.

6. Фойдаланишда сиғимдаги технологик суюқликдан тушувчи босимдан марказдан ташқари чўзилишга том ёпма унсурларини ҳисоб-китобларини том ёпмага тушиши мумкин бўлган энг катта куч ва 0,9 ортикча юк коэффицентини ҳамда 1,1 ички ишқаланиш бурчаги коэффицентини билан тупроқдан деворга босимда бажариш лозим.

7. Гидравлик босимга ҳисобланган пардеворлар очик ёки ёпиқ сиғимли иншоотлар қурилишида бўшатилишда шамол кучига текширилган бўлиши керак.

8.21. Сувоқова иншоотларининг майдончаларида сизот сувларининг ҳисобий сатҳлари узоқ муддатли башоратга мувофиқ белгиланиши керак.

8.22. Сиғимли иншоотларни қалқишга қарши мустаҳкамлигини ҳисоб-китоблари тошқин даврида вақтинча сизот сувлари сатҳини кўтарилишини инобатга олмаган ҳолда олиб бориш рухсат этилади, агар лойиҳаларда ушбу даврда иншоотларни бўшатишни олдини олиш, сизот сувлари сатҳини назорат қилиш тадбирлари назарда тутилган бўлса.

Қалқишга қарши мустаҳкамлик коэффицентини 1,1 га тенг қабул қилиш лозим.

8.23. Тупроқ тўкма бўлмаганда ва тортилувчи ўзагидаги барча йўқотишларни инобатга олган ҳолда цилиндрик иншоотларни сув билан тўлдирилгандан кейин улар деворидаги олдиндан сиқилишдан пайдо бўлувчи бетондаги сиқилишдан кучланиш: қуйи қисмида 1/3 баландлигига тенг - 0,08 МПа (8 кгс/кв.см), юқори қисмида - 0,05 МПа (5 кгс/кв.см) дан кам бўлмаслиги керак.

Қурилиш қурилмаларини емирилишга қарши ҳимоялари

8.24. Қурилиш қурилмаларини емирилишга қарши ҳимоялари ҚМК 2.03.11-85 га мувофиқ кўриб чиқилиши керак.

8.25. Дайди тоқлар таъсири минтақаларида жойлашувчи ер ости ва ер усти иншоотларини лойиҳалашда темир бетон қурилмаларини электр кимёвий емирилишдан ҳимоялаш чораларини назарга олиш керак.

8.26. Қурилмалар унсурларини емирилишга қарши қопламаларини суртиш ва даврий тиклаш имкониятларини кўриб чиқиш ёки иншоотни бутун ишлатилиш даврида уни сақланишини таъминловчи қурилма ечимларини қабул қилиш лозим.

8.27. Емирувчан суюқлик сақлаш учун сиғимларни лойиҳалашда деворлар ташқи юзалари ҳолатини доимий кузатиш имкониятлари ва таглик зичлигини назоратини эътиборга олиш лозим.

Бинонинг ўзини кўтарувчи деворларини сиғим деворларига таяниши;
 сиғим деворларига ёки таглигига қаватлараро оралик ёпма ва устунларни таяниши;
 турли суюқликлар сақлаш учун сиғим ичида бўлувчи пардеворларни ўрнатиш;
 таглик бетон қатламида қувур ўтказгичлар ётқизиш;
 емирилишга қарши қопламнинг бутунлигини бузилиши рухсат этилмайди.

***Эслатма.** Доимий кузатув учун сиғим қурилмалари унсурларига ўтиш таъминланган ва қурилмаларни доимий емирилишга қарши қопламаларини тиклаш ҳамда таъминлаш имкони таъминланган ҳолларда сиғим деворларига хизмат кўрсатиш майдончалари ва ушбу сиғимлардан суюқликни тортиб чиқариш учун насослар хоналар тўсқич қурилмаларига таяниш рухсат этилади..

Иситиш ва шамоллатиш

8.28. Ишлаб чиқариш хоналаридаги зарурий ҳаво алмашинувини, асосан, ускуналардан, ўзаклардан ва робиталардан зарарли ажралмалар миқдори бўйича ҳисоблаш жоиз. Зарарли ажратмалар миқдорини лойиҳанинг технологик қисми маълумотлари бўйича қабул қилиш лозим.

Шундай маълумотлар бўлмаган тақдирда, айнан фаолиятдаги иншоотларни амалдаги текширишлар маълумотларидан фойдаланиш жоиз. Айнан ўхшашлари бўлмаган иншоотлар учун ҳаво алмашиш тоқлиги бўйича ҳаво миқдорини 76 жадвалдан ҳисоблаш рухсат этилади.

76 жадвал

Бино ва хоналар	Иситиш тизимларини лойиҳалаш учун ҳаво ҳарорати, °С	1 соатдаги ҳаво алмашиш тоқлиги	
		қуйи лиш	чиқа риш
1. Чиқариб олиш учун сувоқава насос станциялари (машиналар зали): а) маиший ва таркиби бўйича унга яқин ишлаб чиқариш оқова сувлари ҳамда чўкиндилар.	5	Ортиқча иссиқликни чиқариб юбориш учун ҳисоб-китоблар бўйича, бироқ 3 дан кам	

		эмас.	
б) Емирувчан ёки портлашдан хавфли ишлаб чиқариш оқова сувлари	5	2 эслатмага қаралсин	
2. Қабул қилгич сиғимлар ва тортиб чиқариш учун насос станцияларининг хоналари:	5	5	5
а) маиший ва таркиби бўйича унга яқин ишлаб чиқариш оқова сувлари ҳамда чўкиндилари			
б) емирувчан ёки портлашдан хавфли ишлаб чиқариш оқова сувлари	5	2 эслатмага қаралсин	
3. Ҳаво пуркагич станцияси	5	Ортиқча иссиқликни чиқариб юбориш ҳисоб-китоби бўйича	
4. Панжаралар биноси	5	5	5
5. Бинолардаги биосизгичлар (аэросизгичлар)	3 эслатмага қаралсин	Намни йўқотиш ҳисоб китоблари бўйича	
6. Бинолардаги аэротенклар	шундай	шундай	
7. Метантенклар: а) насос станциялари	5	12	12
		Носозликда 8 бора қўшиш, зарурийлиги лойиҳаларда белгиланади	
б) инжекторхона, газ хоначаси	5	12	12
8. Ҳавосиз бўшлиқли сизгичлар ва бункерлар бўлимлари хоналарини механик сувсизлантириш цехлари	16	Нам чиқишга ҳисоб-китоблар	
9. Қоришмалар тайёрлаш учун реагент хўжаликлар: а) хлорли темир, аммоний сульфат; ўювчан натрий, хлорли оҳак	16	6	6
б) Оҳак сути, суперфосфат, аммиакли селитра, кальцийланган содалар, полиакриламид	16	3	3
10. Омборлар: а) натрий бисульфити	5	6	6
б) оҳаклар, суперфосфатлар, аммиакли селитра (идишда), аммоний сульфат, кальцийланган содалар, полиакриламид	5	3	3

8.29. Ҳавони чиқариш панжара ва қабуллагич резервуарлари бўлинмаларида юқори минтақасининг 1/3 ўлчамида ва қуйи минтақасининг 2/3 ўлчамида сунъий ариқлар ва резервуарлар ёпмалари тагидан ҳавони чиқариш назарда тутилиши зарур. Бундан ташқари сўргич ва майдалагилар назарда тутилиши керак.

9. АЙРИМ ТАБИИЙ ВА ИҚЛИМИЙ ШАРОИТЛАРДАГИ СУВОҚОВА ТИЗИМЛАРИГА ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

Зилзилали ҳудудлар

9.1. Зилзилали ҳудудларда сувоқова объектларини лойиҳалашда техник ечимларини КМК 2.01.03-96 «Зилзилали ҳудудлардаги қурилишлар», 4.2 бўлимлари «Сув таъминоти», 4.3. «Сувоқова», 4.8. «Қурилиш қурилмалари», 4.9. «Бўлмалар ва қудуқлар», 4.10. «Зилзилалилиги 9 баллдан ортиқ ҳудудлардаги иншоотлар ва тармоқларга қўшимча талаблар» га мувофиқ қабул қилиш зарур.

Чўкувчан тупроқлар

9.2. Чўкувчан, тузли ва бўртган тупроқларда сувоқова тизимларини қурилиш лозим бўлганда, КМК 2.02.01-98 и ШНК 2.04.02-97* ларга биноан лойиҳалаш жоиз.

9.3. Чўкувчанлиги бўйича II тур тупроқ шароитларида тупроқнинг ўз оғирлигидан чўкишини қўллаш лозим:

а) 20 см гача ўзи оқар қувур ўтказгичлар учун темир бетонли, асбест цемент ва сопол қувурлар; шундай босимли қувур ўтказгичлар учун – босимли темир бетон, босимли асбест цемент, полиэтилен қувурлар;

б) 20 см дан юқори ўзи оқар қувурлар учун босимли темир бетон, босимли асбест цемент, сопол қувур ўтказгичлар учун – полиэтилен, чўян қувурлар.

Ўз оғирлигидан 20 см гача тупроқ чўкиши мумкинлигида ва ишчи босими 0,9 МПа (9 кгс/см²), шунингдек мумкин бўлган чўкиш 20 см дан юқори ҳамда ишчи босими 0,6 МПа (6 кгс/см²) қувур ўтказгичлар учун пўлат қувурларни қўллаш руҳсат этилади.

Чўкувчанлиги бўйича I ва II тур тупроқ шароитларидаги босимсиз қувур ўтказгичлар остидаги асосларга қўйиладиган талаблар 77 жадвалда келтирилган.

77 жадвал

Чўкиш бўйича тупроқ турлари	Ҳудудлар тавсифи	Қувур ўтказгичлар асосларига қўйилган талаблар
I	Иморатлар қурилган Иморатлар қурилмаган	Чўкувчанлик ҳисобга олинмаган Худди шундай
II (чўкиш 20 см гача)	Иморатлар қурилган Иморатлар қурилмаган	Тупроқни шиббалаш Чўкувчанлик ҳисобга олинмаган
II (чўкиш 20 см дан юқори)	Иморатлар қурилган Иморатлар қурилмаган	Тупроқни шиббалаш ва таглик ўрнатиш Тупроқни шиббалаш

***Эслатмалар.** 1. Иморатлар қурилмаган ҳудудлар – яқин 15 йил мобайнида аҳоли яшайдиган ва халқ хўжалиги объектлари қурилиши мўлжалланмаган ҳудудлар.
2. Тупроқни шиббалаш – зичланган қатлам куйи чегарасида қуруқ тупроқ зичлигини 1,65 тс/м³ дан кам бўлмагунгача асосни 0,3 м чуқурликда шиббалаш.
3. Таглик – ён деворлари баландлиги 0,1-0,15 м ли сув ўтказмайдиган қурилма, қайсики 0,1 м қалинликда зовур қатлами ётказилади.
4. Қувур ўтказгичлар остидаги асосларга қўйиладиган талабларни қувур ўтказгичлар яқинида жойлашган бинолар ва иншоотларнинг масъулиятлиги синфига кўра аниқлаш лозим.
5. Қувур ўтказгичларни бирлаштирилган чоклари остидаги хандақларни чуқурлаштириш учун тупроқ шиббалашни қўллаш лозим.

9.4. II тур тупроқ шароитли чўкувчан тупроқлардаги темир бетон, асбест цемент, сопол, чўян, полиэтилен қувурларнинг бирикиш чоклари эгилувчан маҳкамланганлиги ҳисобига қайишоқ бўлишлари керак.

9.5. Тупроқнинг ўз оғирлигидан 10 см дан ортиқ чўкиш мумкинлигида, тупроқнинг ётиқ силжиши натижасида босимсиз қувур ўтказгич зичлиги сақланадиган шароитда куйидаги ифода билан аниқланади:

$$\Delta_{lim} \geq \Delta_k + \Delta_s, \quad (138)$$

бу ерда: Δ_{lim} – қувурлар бирикиш чокларининг ўқларининг рухсат этилган мослаштириш қобилияти, см, учи кенгайган қувур тирқишини чуқурлигини ярмига тенг ёки бирикиш чокларини улагичлар узунлигига тенг қабул қилинади;

Δ_k – тупроқнинг ўз оғирлигидан чўкишда пайдо бўладиган ётиқ тупроқ силжиши таъсири шароити заруратидан, бирикиш чокларининг мослаштириш қобилияти;

Δ_s – қурилиш жараёнида қувурлар учлари оралиғида қолдириладиган тирқиш катталиги, 1 см га тенг қабул қилинади.

Ётиқ силжиш таъсирини мослаштириш қобилияти шароити зарурати, Δ_k , см, қуйидаги ифода бўйича аниқланади::

$$\Delta_k = K_w l_{sec} \left(\varepsilon + \frac{D_{ext}}{R_{gr}} \right), \quad (139)$$

бу ерда: K_w – иш шароити коэффиценти, 0,6 га тенг қабул қилинади;

l_{sec} – қувур ўтказгич бўлимлари (қисмлари) узунлиги, см;

ε – тупроқни ўз оғирлигидан чўкишда тупроқни ётиқ силжишига нисбий катталиқ;

D_{ext} – қувур ўтказгичнинг ташқи диаметри, м;

R_{gr} – тупроқни ўз оғирлигидан чўкишда тупроқ юзасидаги эгриликнинг шартли радиус, м;

Ётиқ силжиш нисбий катталиги ε , м, қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$\varepsilon = 0,66 \left(\frac{S_{pr}}{l_{pr}} - 0,005 \right), \quad (140)$$

бу ерда: S_{pr} – тупроқни ўз оғирлигидан чўкиши, м;

l_{pr} – тупроқни ўз оғирлигидан чўккан, м, қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$l_{pr} = H_{pr} (0,5 + K_{\beta} \operatorname{tg} \beta), \quad (141)$$

бу ерда H_{pr} – чўкиш қатлами катталиги, м;

K_{β} – бир жинсли тупроқ қатламлари учун – 1; бир жинсли бўлмаганлари учун – 1,7 га тенг;

$\operatorname{tg} \beta$ – сувланиш манбаларидан томонларга сув тарқалиш бурчаги, лойли қумлар ва соғ тупроқлар учун – 35, қумли лойлар ва гиллар учун – 50 дан кам қабул қилинади.

Тупроқ эгри юзасини шартли радиуси, R_{gr} , м, қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$R_{gr} = \frac{l_{pr}^2}{2S_{pr}} (1 + S_{pr}) \quad (142)$$

Мослаштирилувчи ҳудудлар

Умумий кўрсатмалар

9.6. Мослаштирилувчи ҳудудларда сувоқованинг ташқи тармоқлари ва иншоотларини лойиҳалашда тоғ жинсларига ишлов беришдан ҳосил бўладиган ер юзасини силжиш ва емирилишидан қўшимча таъсирини инобатга олиш зарурдир.

Тоғ жинсларига ишлаб бериш таъсиридан муҳофазалаш бўйича тадбирларни белгилашни лойиҳаланувчи тармоқлар ва иншоотлар остида ўтказиладиган муддатларни ҳисобга олган ҳолда КМК 2.01.09-97 ҳамда ШНК 2.04.02-97*ларга биноан олиб бориш лозим.

9.7. Мослаштирилувчи ҳудудларда сизиш далаларини жойлаштириш рухсат этилмайди.

9.8. Сувоқованинг босимсиз қувур ўтказгичларини емирилувчи тупроқ таъсиридан муҳофазалаш бўйича тадбирлар босимсиз тартибли сақланишини, бирикиш чокларини бикрлигини, айрим бўлимлар мустаҳкамлигини таъминлаши керак.

9.9. Муҳофазалаш бўйича тадбирларни танлашда ва тоғ кончилиги томонидан асосланган лойиҳалаш босқичида ишлаб чиқиладиган ҳажмларини аниқлашда қуйидагилар қўшимча кўрсатилган бўлиши керак:

Сувоқова тармоқлари ва иншоотлари жойлашган майдончаларни, шунингдек айрим майдон ташқарисидаги қувур ўтказгичлар қисмларини мослаштиришни бошланиш муддатлари;

Тектоник носозликлар юзаларга (чўкиндилар остига) қувур ўтказгичли йўл чиқишларини кесишган жойлари, кон далаларининг чегаралари ва фойдали қазилма қатламларини кўриқлаш;

Ер юзасида ҳосил бўлиши мумкин бўлган бўртмали ва ўпирилган йирик ёриқли ҳудудлар.

Тўплагиш зовурлар ва тармоқлар

9.10. Сувоқованинг босимсиз қувур ўтказгичларини муҳофазаларини лойиҳалаш учун ер юзасини кутилган емирилиши куйидагича бўлиши мумкин;

лойиҳалашни ишлаш онда майдонлардаги тоғ жинсларига ишлов беришнинг маълум ҳолатларида – берилган тозалаш ишларини олиб боришдан;

ишлов беришни олиб бориш режалари номаълум бўлган майдонларда – бир сатҳдаги қатламларни қайта ишлаш ёки ишлов беришга мўлжалланган бир каттароқ қувват бўйича шартли берилган ишловлардан;

кон далалари чегараларини, кўриқланувчи фойдали қазилма қатламларини ва тектоник емирилишларни юзага чиқиш йўллари қувур ўтказгичлар билан кесишган жойларида – яқин 5 йилда ишланиши мўлжалланган, қатламлардаги ишловлари йиғиндилари.

Муҳофазалаш бўйича тадбирлар кўламини аниқлашда КМК 2.01.09-97 га мувофиқ ортиқча юк коэффициентини ҳисобга олган ҳолда кутиладиган емирилишларни энг катта қийматини қабул қилиш зарур.

9.11. Босимсиз сувоқова учун сопол, темир бетон, асбест цемент ва пластмасса қувурларни, асбест цемент ва пластмасса қувурларни, шунингдек темир бетон новлар ёки сунъий ариқларни кўллаш лозим.

Қувурлар турларини оқова сувлар таркиби ва қурилиш майдонларининг тоғ кончилик шароитлари ёки қувур ўтказгичлар йўлларида кўра танлаш зарур.

9.12. Узунасига кесими лойиҳаланаётганда қувур ўтказгичлардаги босимсиз тартибни сақланиш учун қисмлар қияликларини

$$i_p = i_p^{\min} + i_{gr} \quad (143)$$

шартига кўра ер юзасини ҳисобий нотекис чўкишларини (қияликларини) инobatга олган ҳолда белгилаш зарур,

бу ерда: i_p – қувур ўтказгичнинг босимсиз тартибдаги ишларини сақлаш учун зарурий қурилиш қиялиги;

i_p^{\min} – ҳисобий тўлдирилгандаги қувур ўтказгични руҳсат этилган энг кичик қиялиги;

i_{gr} – қувур ўтказгич қисмидаги ер юзасининг ҳисобий қиялиги, 9.10 бандга биноан қабул қилинади.

9.13. Босимсиз қувур ўтказгичнинг зарурий қиялигини таъминлаш имкони бўлмаганда, масалан, жой ер тузилиши шароитлари ёки лойиҳаланаётган қувур ўтказгичнинг бошланғич ва охириги нуқталарининг берилган белгилари фарқлари шароитлари бўйича, шунингдек конлари чегараларида, кўриқланувчи фойдали қазилмаларида ҳамда тектоник носозликларда куйидагилар лозим:

қувур ўтказгичлар йўллари катта қияликлар йўналишида ёки ер юзасининг кутилган қияликлари кичик минтақаларида эътиборга олиш;

қувур ўтказгичлар диаметрларини ошириш;

қувур ўтказгичларнинг ҳисобий тўлдирилишини камайтириш;

ер юзасининг ноқулай қияликлар минтақаларида чегараларидан ташқаридаги ўша ёки бошқа қувур ўтказгичларда оқова сувларни тортиб чиқариш станцияларини эътиборга олиш.

Оқова сувларни тортиб чиқариш станцияларини агар тоғли ишлар яқин 5 йилга мўлжалланган бўлса, у ҳолда ҳамда уларни анча узоқ муддатларда бевосита тоғли ишлардан олдин амалга оширишда қувур ўтказгичларни ётқизишда қуриш лозим.

9.14. Қувурларни бириктириш чокларини эгилувчан маҳкамланиш қўлланилганлигига кўра худди мослаштиригичлар каби ишловчи қайишқоқ равишда эътиборга олиш лозим.

Босимсиз қувур ўтказгичларнинг бирлаштиригич чокларини зичлиги сақланадиган шароит қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\Delta_{\text{им}} \geq \Delta_k + \Delta_s, \quad (144)$$

бу ерда: $\Delta_{\text{им}}$ – қувурнинг қайишқоқ бириктириш чокларини рухсат этилган (меъёрий) ўқнинг мослаштиришлик қобилияти; турли қувурлар учун қуйидагича қабул қилинади, см;

сопол қувурлар – 4;

учи кенгайган темир бетон қувур – 5;

улагич асбест цемент қувурлар – 6;

Δ_k – кутилган ер юзасини емирилиши ва қабул қилинувчи қувурларнинг геометрик ўлчовларига кўра ҳисоб-китоблар билан аниқланувчи уланиш чоки ўқининг мослаштириш қобилияти, см;

Δ_s – қурилиш чоғида қувурларни уланишида қолдириладиган тиркиш катталиги, см, величина, $\Delta_{\text{им}}$ қийматини 20% дан кам ўлчамда қабул қилинмайди.

9.15. Қувурнинг кўндаланг кесими чўзилишдаги P_p юк кўтариш қобилияти қуйидаги шартни бажариш керак:

$$P_p \geq P_\varepsilon + P_i, \quad (145)$$

бу ерда: P_ε – тупроқни ётиқ шакл ўзгаришидан ҳосил бўладиган қувурларнинг айрим бўлимларидаги энг катта бўйлама куч;

P_i – ер юзасида пайдо бўладиган поғоналардан ҳосил бўладиган қувурларнинг айрим бўлимларидаги энг катта бўйлама куч.

9.16. (144) ёки (145) шартларга риоя қилинмаганда, қуйидагилар зарур:

қувурларни қисқароқ узунликда ёки бошқа турдагисини қўллаш;

қувур ўтказгичлар йўллариини ўзгартириш, уларни ер юзасини кутилган шакл ўзгариши кам минтақаларда ётқизиш;

қувур ўтказгичлар остига қайишқоқ чоклар билан ажратилган бўлимли темир бетонли ётқизиқлар ўрнатиш билан қувур ўтказгичларни юк кўтариш қобилиятини ошириш.

9.17. Қайнамалар кудукларининг кириш ва чиқишдаги сатҳлар фарқларини тоғли ишловларни тозалашни ўтказилишидан пайдо бўладиган ер юзасини нотекис чўкишини инобатга олган ҳолда белгилаш лозим.

9.18. Ҳудудларни мослаштирилиш шароитларида сувоқова қувур ўтказгичларининг тўғри чизиқли қисмларидаги сувоқова кудуклари орасидаги масофани 50 м дан ортиқ қабул қилмаслик зарур.

9.19. Сувоқова қувур ўтказгичлари билан поғонали ёки ўпирилган маҳаллий ёриқлар пайдо бўлиши мумкин бўлган майдонларни кесишиш зарурати бўлса, босимли қисмлар ва уларни ер устида ётқизишни эътиборга олиш лозим.

Тозалаш иншоотлари

9.20. Сувоқова иншоотларини, асосан, бикр ва аралаш қурилиш қурилмалар тарзлари бўйича лойиҳалаш лозим. Тархдаги бикр блоклар, бўлинмаларнинг ўлчамлари ер юзасининг шакл ўзгариш катталикларига ва амалий жиҳатдан амалга оширилувчи муҳофаза чоралари, жумладан зарурий мослаштириш қобилияти бўлган шакл ўзгариш чокларининг мавжудлигига кўра ҳисоб-китоблар билан аниқланиши керак.

9.21. Қайишқоқ қурилма тарзлари фақат доимий жиҳозларга эга бўлмаган, сувоқованинг очик турдаги сиғим учун рухсат этилади.

9.22. Доимий жиҳозларга эга бўлган сувоқова иншоотларини фақат биқр қурилма тарзлари бўйича лойиҳалаш лозим.

9.23. Турли фаолиятли сувоқованинг блоклаштирилган иншоотлари ўзаро шакл ўзгариш чоклари билан ажратилган бўлишлари керак.

9.24. Чиқиндиларни тутиб қолиш учун қиялик бурчагини сошлаб турувчи қўзғалувчан панжараларни ва панжара-майдалагичларни қўллаш лозим.

9.25. Биосизгичларни суғоргичлари сифатида пурковчи (спринклерлар) ва ҳаракатланувчи суғоргичларни қўллаш тавсия этилади.

Реактив суғоргичлардан фойдаланилганда пойдевор-устунларни иншоотлардан сув ўтказмайдиган шакл ўзгариш чоклари билан ажратиш зарур.

9.26. Робита тизимлари иншоотлар билан биқр боғланган бўлмаслиги керак.

Новлар ва сунъий ариқлар қияликларини ер юзасининг ҳисобий шакл ўзгаришини инобатга олган ҳолда белгилаш лозим.

1-илова

ШАҲАР ОҚОВА СУВЛАРИ УЧУН РЕГЕНЕРАТОРЛИ АЭРОТЕНКЛАР ҲИСОБ-КИТОБЛАРИ МИСОЛИ

Умумий ҳолатлар

1. Шаҳар оқова сувлари таркиби бўйича уларга яқин бўлган таркибининг ўзгарувчанлиги ва оқова сув сарфи, шунингдек КБЭ_{тўлик} 150 мг/л дан юқорилигида ёки сувда ишлаб чиқаришнинг зарарли ҳамда қийин оксидланувчи саноат аралашмалари мавжудлигида регенераторли аэротенклар қўлланилади.

Бунда:

аэротенклар- регенераторли аралаштиргичлар таркибининг аҳамиятли ўзгарувчанлигида ва ташланган ҳамда биологик қийин оксидланувчи ёки зарарли моддалари бўлган саноат оқова сувларини тозалаш учун ишлатилади. Бу турдаги аэротенклар қуюқ ёки таркибида қийин оксидланувчи ташкил этувчилари бўлган оқова сувларни тозалашни биринчи босқичи сифатида кейинги босқичларда изчил қайта тозаланган ёки КБЭ_{тўлик} = 15-20 мг/л гача етказиш учун мустақил сифатида тозалаш иншоотларида фойдаланиш мумкин;

аэротенклар- регенераторли сиқиб чиқаргичлар шаҳар ва таркиби бўйича унга яқин таркиб ўзгарувчанлиги ва сарфи аҳамиятсиз саноат оқова сувларини тозалаш учун қўлланилади.

2. Аэротенклар-сиқиб чиқаргичлар ёки аралаштиргичлар ўз гидродинамик тартибидан қатъий назар регенераторли аэротенкларни ҳисоб-китобларида мазкур ҚМК қоида ва ифодаларидан фойдаланилади.

1 мисол.

Шаҳар оқова сувларини тозалаш мисолида регенераторли аэротенклар ҳисоб-китобларининг кетма-кетлиги.

Дастлабки берилганлар:

Ҳисобий соатли сарф

$$q_w = 4200 \text{ м}^3/\text{соат}.$$

Дастлабки сувнинг КБЭ_{тўлик} катталиги

$$L_{ep} = 250 \text{ мг/л}.$$

Талаб этилувчи тозалаш даражаси

$$L_{ex} = 15 \text{ мг/л}.$$

Иккиламчи тиндиргичдан рухсат этилган балчиқ чиқарилиш

$$a_t = 15 \text{ мг/л}.$$

Аэротенкларнинг ўзидаги жадал балчиқ қуюқлигини тажриба ёки ишлаб чиқариш маълумотлари бўлмаганда $a_t = 1,5$ г/л қабул қилинди.

ҲИСОБ-КИТОБЛАР КЕТМА-КЕТЛИГИ

■ Мисолий айланиш даражаси R_i аниқланади, бунда биринчи яқинланишда балчиқ белгисини тахминий қиймати $J_i = 100$, $\text{см}^3/\text{г}$ қабул қилинади:

$$R_i = \frac{1.5}{\frac{1000}{100} - 1.5} = 0.176$$

Балчиқ ютгичли иккиламчи тиндиргичларда балчиқ чиқарилишини меъёрийлигини таъминлаш учун $R_i = 0,3$ қабул қилиш лозим.

■ Аэротенк-регенератор тизимидаги ифлослантирувчиларнинг оксидланиш вақтини t_0 қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз:

$$t_0 = \frac{L_{en} - L_{ex}}{R_i \cdot a_r (1 - S) \rho}$$

Ушбу қийматни ҳисоблаш учун регенератордаги балчиқ қуюқлиги a_r ва ифлослантирувчиларни оксидланиш тезлиги ρ ни a_r катталиқдаги қийматларни аниқлаш зарур,

■ регенератордаги балчиқ қуюқлигини топамиз:

$$a_r = a_i \left(\frac{1}{R_i} + 1 \right)$$

$$a_r = 1.5 \left(\frac{1}{0.3} + 1 \right) = 6.5 \text{ г/л}$$

■ Балчиқ қуюқлиги $a_r = 6,5$ г/л да оксидланиш тезлигини ρ қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз:

$$\rho = \rho_{\max} \cdot \frac{L_{ex} C_0}{L_{ex} C_0 + K_L C_0 + K_0 L_{ex}} \cdot \frac{1}{1 + \varphi a_r}$$

шаҳар оқова сувлари учун 52 ифода бўйича қабул қилиб: $\rho_{\max} = 85$ мг КБЭ_{тўлик}/г·соат, $K_L = 33$ мг КБЭ_{тўлик}/л, $K_0 = 0,625$ мг O_2 /л, $\varphi = 0,07$ л/г, $S = 0,3$, шунингдек $a_r = 6,5$ г/л и $C_0 = 2$ мг/л, ҳисоблаймиз:

$$\rho = 85 \cdot \frac{15 \cdot 2}{15 \cdot 2 + 33 \cdot 2 + 0,625 \cdot 15} \cdot \frac{1}{1 + 0,07 \cdot 6,5} = 16,6 \text{ мг БПК}_{\text{полн}} / (\text{г} \cdot \text{час})$$

■ Аэротенк-регенератор тизимидаги оксидланиш вақтини t_0 ҳисоблаймиз:

$$t_0 = \frac{250 - 15}{0,3 \cdot 6,5 \cdot 0,7 \cdot 16,6} = 10,37 \text{ час}$$

■ Аэротенкнинг ўзидаги (қайта тикланиш вақтини инобатга олмасдан) оқова сувларни қайта ишлаш вақтини қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаймиз:

$$t_{at} = \frac{2.5}{\sqrt{a_i}} \cdot \lg \frac{L_{en}}{L_{ex}}$$

$$t_{at} = \frac{2.5}{\sqrt{1.5}} \cdot \lg \frac{250}{15} = 2.04 \cdot 1.222 = 2.49 \text{ час}$$

■ Жадал балчиқни қайта тикланиш давомийлигини қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз:

$$t_r = t_0 - t_{at} = 10.37 - 2.49 = 7.88 \text{ час}$$

■ Аэротенк-регенератор ҳажмини аниқлаймиз:

■ аэротенкни ўзини:

$$W_{at} = t_{at} (1 + R_i) \cdot q_w = 2.49 \cdot (1 + 0.3) \cdot 4200 = 13595 \text{ м}^3$$

- регенератор ҳажми:

